**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ**
**ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ш.Авазов, Н.Муслимов, Ш.Қосимов,**
**У.Ҳодиев, Э.Авазов**

# КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**(ЧИЗМАЛАР, ЖАДВАЛЛАР ВА СУРАТЛАРДА)**

**Методик қўлланма**

**Тошкент – 2014**

ИОТ-2013-1-43 “Касб-ҳунар коллежларидаги амалий касбий таълим методикаси ва технологияларини тизимлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш” инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган ва чизмалар, жадваллар ҳамда суратлар кўринишида тақдим этилаётган мазкур методик қўлланмада касбий таълим методикаси ва технологиялари назарияси асосида махсус фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш (касб) таълими усталари фаолиятига бўлажак кичик мутахассисларни касбга амалий тайёрлашнинг энг мақбул дидактик йўлларини жорий этиш масалалари акс эттирилган.

Методик қўлланманинг ғоявий мазмунида, биринчидан, амалий касбий таълимнинг бош мақсади сифатида ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш, иккинчидан, амалий касбий таълимни умумий ўқув жараёнининг ўзига хос мақсади, мазмуни, мантиғи, тамойиллари, шакллари, методлари ва воситаларига эга бўлган алоҳида мустақил қисми сифатида талқин этиш ўз ифодасини топган.

Методик қўлланма касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, махсус фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш (касб) таълими усталари фаолиятини самарали ташкил этишга, уларнинг педагогик тайёргарлик даражасини ривожлантириш ва назорат қилишга хизмат қилади. Шунингдек, қўлланмадан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.


**Масъул муҳаррир:**

**Ш. Шарипов** - педагогика фанлари доктори.

**Тақризчилар**:

**Х. Рашидов** – педагогика фанлари доктори, профессор.
**С. Болтабоев** - педагогика фанлари номзоди, доцент.
**Р. Рустамов** – техника фанлари номзоди.



Методик қўлланма Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2014 йил 18 сентябрдаги 2/2-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

*Сифатли касбий таълим –*
*шахс, давлат ва жамият учун!*

# Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида рақаботбардош маҳсулотлар, техника ва технологиялар ҳамда кадрлар тайёрлаш масалалари алоҳида муҳим ўрин тутади. Бу шароитда фақат малакали мутахассислар меҳнат бозорининг фаол иштирокчисига айлана оладилар. Бу зарурият касб-ҳунар коллежлари олдига малакали кичик мутахассислар тайёрлаш сифати ва самадорлигини ошириш вазифасини қўймоқда. Бу масала ечими касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган педагог кадрлар савиясига, ўқув-тарбия жараёни, хусусан, ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантирувчи касбий таълим жараёнининг самарали ташкил этилишига бевосита боғлиқдир.

Бу борада 1,5 млн нафардан ортиқ ўқувчини ўзига қамраб олган 1406 та касб-ҳунар коллежига кенг имкониятлар берилган бўлиб, уларда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш шарт-шароитлари яратилган. Жумладан, касб-ҳунар коллежларида 40 минг нафардан зиёд махсус фанлар ўқитувчилари, 12 минг нафардан ортиқ ишлаб чиқариш (касб) таълими усталари фаолият кўрсатмоқда. Уларга ташаббус кўрсатиш, ижодкорлик, илғор педагогик тажрибалардан самарали фойдаланиш ва педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш бўйича етарли шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, улар зиммасига катта масъулиятлар ҳам юкланган бўлиб, махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш (касб) таълими усталаридан ўқув жараёнини ташкил этишнинг илмий асослари ва касбий таълим методикасини чуқур билиш ҳамда юқори педагогик билимдонлик ва маҳорат талаб этилмоқда.

Бугунги кунда республика касб-ҳунар коллежларида “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат Таснифлагичи”га киритилган 225 та касбдан 215 таси бўйича кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларида иш берувчилар талабига мувофиқ касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1761-сон қарори алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган касб таълими усталарининг иш ҳақлари миқдори ўқитувчилар иш ҳақи тарифи бўйича белгиланган маошларга

тенглаштирилган. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларида ўқув-амалий машғулотларни сифатли ўтказиш мақсадида сарфланадиган материаллар ва зарурий хом-ашё билан таъминлаш меъёрлари ва тартиби ишлаб чиқилиб, ўқув устахоналари ва лабораторияларини хом-ашё ва материаллар билан таъминлаш учун йилига 6 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда. Шу билан бирга касб-ҳунар коллежларининг ўқув режаларида ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларига ажратилган соатлар ҳажми 10 % га оширилган.

Масаланинг моҳиятига киришдан олдин унинг тушунча-терминология жиҳатларига назар ташлаш лозим бўлди. Зеро, анъанавий касб-ҳунар педагогикасида амалий машғулотлар тизимини ифодалаш учун “амалий таълим” ва “ишлаб чиқариш таълими” тушунчаларидан фойдаланилиб келинмоқда. “Амалий таълим” ҳақида гап кетганда, “ишлаб чиқариш таълими” иборасидан фойдаланишга кўникиб кетилган.

Бугун касбий таълимнинг амалий жиҳатларини тўлиқ ифодалаш учун фақат “амалий таълим” ёки “ишлаб чиқариш таълими” тушунчаларидан фойдаланишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Зеро, “амалий таълим” тушунчасини иккиламчи (педагогикадаги “амалий таълим”га нисбатан) қўллашнинг ўзи ноўрин бўлиб, “ишлаб чиқариш таълими” тушунчаси эса касб таълимининг амалий қисмларини ўзига тўлиқ қамрай олмайди. Шу сабабли касбий таълимнинг амалий жиҳатларини яхлит мажмуий ифодалаш учун “амалий касбий таълим” (ёки “касбий амалий таълим”) тушунчаси таклиф этилмоқда. Мазкур тушунчадан фойдаланишда матн ёки педагогик мулоқот билан боғлиқ қийинчиликлар пайдо бўлса, унинг маънодоши сифатида “касбий фаолиятга амалий тайёргарлик” иборасидан фойдаланиш мумкин. Демак, касб-ҳунар коллежларидаги ўқув жараёнининг умумий тавсифидан келиб чиқилган ҳолда касбий таълим жараёнининг назарий ва амалий жиҳатларини алоҳида қараб чиқиш зарурияти вужудга келган.

**Касб-ҳунар таълими** – бир қанча билим соҳалари билан узвий боғланган, катта ҳажмдаги тушунча ва терминларни ўзига қамраб олган интегратив ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этувчи мураккаб педагогик билим соҳаси. Касб-ҳунар таълими педагогикаси ва методикасининг мураккаблиги шундаки, бу фанлар касбий таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлигида кўп қиррали, жуда мураккаб мавжудот бўлган одамни касбга тайёрлаш жараёни билан боғланган.

Касб-ҳунар таълими мазмуни бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тақозо қилувчи икки таркибий қисмни ўз ичига олади: 1) назарий касбий таълим; 2) амалий касбий таълим. Таъкидлаш жоизки, *назарий ёки амалий касбий таълим касб-ҳунар коллежларида ўрганиладиган умумтаълим ёки махсус фанларга ўхшаган алоҳида ўқув фани эмас*. Шу сабабли касб-ҳунар таълимининг педагогик ва методик

масалаларини тез ўзлаштириш, унинг мазмунини бир марта ўқиб ёки қараб чиқиш орқали эслаб қолиш анча қийин кечади.

***Амалий касбий таълим*** *– касб-ҳунар коллежларидаги умумий педагогик жараённинг ўзига хос мақсади, мазмуни, мантиғи, тамойиллари, шакллари, методлари ва амалга ошириш воситаларига эга бўлган алоҳида мустақил қисми.* Унинг моҳияти, биринчидан, яхлит касб-ҳунар таълимининг алоҳида зарурий таркибий қисми эканлиги билан, иккинчидан, бўлғуси кичик мутахассисларни касбий камол топтиришда нисбатан ўз ўрни ва предметига эгалиги, яъни касбий фаолиятнинг аниқ соҳаси бўйича амалий *кўникма ва малакаларни шакллантирувчи яхлит тизим* эканлиги билан аниқланади.

Амалий касбий таълим – касб-ҳунар таълими педагогикаси ва дидактикаси илми нуқтаи назаридан хусусий методика ҳисобланиб, касбий билимларни ўзлаштириш асосида амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш қонуниятларини очиб берувчи касб-ҳунар педагогикаси, педагогик психология ва физиология фанлари билан ўзаро алоқадорликда бўлғуси кичик мутахассисларни касбга амалий тайёрлаш жараёнининг умумий масалаларини қамраб олади.

Касб-ҳунар коллежлари махсус фанлари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш (касб) таълими усталари фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда муайян (бир) ўқувчини касбга мажмуий тайёрлаш тажрибаси йўқ (ва бўлиши ҳам мумкин эмас) – ҳар гал янгидан бошлашга тўғри келади, чунки ўқувчилар доимо бошқа-бошқа бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўзига хос ёндашув ва таъсир кўрсатиш методлари зарур бўлади. Бундай шароитда энг тўғри педагогик мўлжал: ўқувчининг касбий қизиқиши, мойиллиги ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда асосий *дидактик вазифа* - унинг ўз-ўзини касбий камол топтириши, ўзида мавжуд касбий сифатларни янада ривожлантириши ва ўз устида мустақил ишлашига йўналтирилган *мақсадли ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти* учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитларни таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Бу зарурият касб-ҳунар коллежлари махсус фанлари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш (касб) таълими усталарига ўз вазифаларини муваффақиятли уддалашга имкон берувчи ва кенг кўламли ўқув-методик материалларни ўзлаштириш жараёнини енгиллаштирувчи ихчам ва қулай *методик тизим* ишлаб чиқилишини тақозо қилади.

ЮНЕСКО таърифига кўра, *педагогик технология - бу, таълим шаклларини оптималлаштириш мақсадида техник воситалар ва инсон салоҳиятини ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билиш, ўзлаштириш жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир*. Япон олими Т.Сакамото фикрича, *педагогик технология - бу педагогикага мажмули фикр юритиш методини*

*сингдириш, бошқача айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир*. Келтирилган таърифлардаги “тизим” ва “мажму” сўзлари педагогик технологияларнинг асосий мазмуни ва моҳияти нимани ўз ичига олишини аниқ ифодалайди.

Исталган “тизим” ёки “мажму”нинг энг муҳим жиҳати унинг ички ўзаро алоқадорлиги ва тартибга солинганлиги ҳамда ташқи бир бутунлиги ёки яхлитлигидир. Бу жиҳат методик тизим ёки мажмудаги таркибий қисмлар ўзаро боғлиқлигини умумлаштириш ҳамда уларни идрок этиш, эсда сақлаш учун бирмунча қулай кўринишда ифодалаш заруриятини келтириб чиқаради. *Чизмалар - ўзлаштирилган билим ва ахборотларнинг инсон онгида узоқ муддат сақланиб қолишини таъминловчи тизимлаштирилган тасаввурнинг яққол тасвири* шу тариқа пайдо бўлади.

Чизмалар, жадваллар ва суратлар кўринишида тайёрланган мазкур методик қўлланмада ўқув-методик материалларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга имкон берувчи ўзига хос *тузилмали-мантиқий тизимлар (мажмулар)* асос қилиб олинди. Қўлланмада тавсия этилаётган тузилмали-мантиқий тизимлар (мажмулар) бир қанча мақсадларни кўзда тутади:

амалий касбий таълим жараёни тузилмалари ва таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини яхлит, бир бутун жамланган шаклда очиб бериш;

касб-ҳунар таълими педагогикаси, методикаси ва амалиётини замонавий шарт-шароитларни ҳисобга олиб инновацион ёндашув асосида чизмалар, жадваллар ва суратлар кўринишида аниқ тасвирлаш;

махсус фанлар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш (касб) таълими усталарининг амалий касбий таълим масалаларини тизимли ўрганишларига ва педагогик фаолиятга мунтазам тайёргарлик кўришларига амалий ёрдам кўрсатиш.

Методик қўлланма шакли - *тузилмали-мантиқий тизимлар (мажмулар)* – ўқув-методик материалларнинг матнда баён этилишига нисбатан бирмунча афзалликларга эга. Хусусан, материалларнинг матнда баён этилиши ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг тузилиши ҳамда таркибий қисмлари ўртасидаги муҳим боғланишларни аниқлашда, ўқиб билиб олинадиган ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини тушуниш ҳамда уларни тўла англаб етишда муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Агар ўзаро алоқадорлик ва боғланишлар яхлит, аниқ ифодаланган чизма, жадвал ёки сурат кўринишида берилса, бу қийинчиликлар тезда бартараф этилади.

Тузилмали-мантиқий чизмалар, жадваллар ва суратлар турли тоифадаги таълим олувчиларни тизимлар (мажмулар), ҳодисалар ва жараёнларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги муҳим боғланишларни

яхлит бир бутун ҳис этиш ва топишга мажбур этиб, уларнинг фикрлаши ва тафаккурини фаоллаштиради.

Шахс тафаккурининг муҳим бўғини таҳлил этишдир. *Таҳлил этиш* – мураккаб тафаккур жараёни бўлиб, билиш объектининг (ўрганиладиган ҳодиса ёки жараённинг) муҳим белгилари ва хоссаларини ажратиб кўрсатишни ўз ичига олади. Таҳлил этиш *синтез қилиш* - билиш объектининг турли белгилари ва хоссаларини бир бутунга бирлаштириш жараёни билан мустаҳкам боғланган бўлиб, ўқув-методик ахборотларни *белгили-умумлашган моделлар* (ахборотларни таҳлил қилиш, ундаги асосий фикрни ажратиб кўрсатиш, олинган билимларни умумлаштиришга ёрдам берадиган яхлит чизмалар) орқали ифодалаш уларни чуқур ўзлаштириш ва тушунишни таъминлайди.

Бир қатор психологик тадқиқотлар натижаларига кўра, матнлардаги ахборотларни тизимлаштириш ва турли шартли белгилар билан тасвирлаш уларни хотирада тутиш ва эсга олишни осонлаштирадиган ҳаракатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади: *таъсирчан чизма (тасвир) матнга нисбатан хотирада мустаҳкам сақланади.* Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўқув-методик материалларни шартли тасвирлар, чизмалар орқали соддалаштириб ифодалаш мустақил ишларни фаоллаштиришга, педагогик ҳодисаларга ижодий ёндашишга, шунингдек ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида яхлит тасаввурларни тез шакллантиришга ёрдам беради.

Замонавий касбий таълим амалиётининг бош ғояларидан бири *таълимни инсонпарварлаштириш ва шахсга йўналтиришдир*. Шунга мувофиқ қўлланма материаллари инсонпарварлаштириш тамойилига асосланган шахсга йўналтирилган таълим ғояси орқали қараб чиқилди ва амалий касбий таълим тузилмаларини ифодалашда *моделлаштириш методи* ва *тизимли ёндашув* тамойилидан самарали фойдаланилди.

Ўқув-методик материалларни моделлаштиришда амалий касбий таълимнинг негизи ва ўқувчилар томонидан бажарилиши шарт бўлган ***ўқув-ишлаб чиқариш ишлари*** асос қилиб олинди ва уларнинг мунтазамлиги, тузилмавийлиги (ўзаро алоқадор қисмлардан ташкил топганлиги), таркибий қисмларининг бир хилда мураккаблиги, қисқалиги ва аниқлиги, ишларни ўрганишда сўз ва кўрсатмалилик бирлиги, касбий муҳит билан ўзаро боғлиқлиги каби тамойилларига таянилди. Шунингдек, амалий касбий таълим мазмуни моделлар функцияларига (*тушунтирувчи* - ахборот берувчи; *йўналтирувчи* - фаолиятни тўғри йўлга бошловчи; *ташхисловчи* - натижавий жиҳатларни аниқловчи; *башоратли* - қачон, қаерда ва қандай фойдаланишни кўрсатувчи; *баҳоловчи* - фаолият натижалари самарадорлигини кўрсатувчи) мувофиқ ишлаб чиқилди ва тартиб билан жойлаштирилди. Қўлланмада мазкур моделлар амалий касбий таълим мазмунини ифодаловчи ахборотлар (вариатив-тузилмали чизмалар, жадваллар), улар

ўртасидаги ўзаро боғланишларни ифодаловчи ишоралар (кўрсаткичлар, чизиқчалар), шунингдек изоҳлар, суратлар, кўрсатмалар, эслатмалар, тавсиялар каби шаклларда ўз ифодасини топди.

Қўлланмада қуйидаги дидактик моделлардан кенг фойдаланилди:

1. *Тузилмали моделлар* - амалий касбий таълим мазмунини акс эттирди. Уларга хилма-хил таянч матнлар, тузилмали-мантиқий чизмалар мансуб бўлди.

2. *Функцияли моделлар* - амалий касбий таълимнинг таркибий қисмлари ўртасидаги зарурий алоқадорликларни очиб берди ва ўқув-методик ҳаракатларнинг кетма-кетлик тартибини белгилади. Улар йўриқномалар, машқлар, дидактик воситалар ва тузилмали-мантиқий чизмалар таркибига кирган айрим ахборот тўпламлари кўринишида бўлди.

3. *Боғланишли моделлар* – амалий касбий таълим мазмунини тушунтириш функциясини бажарди. Бундай моделлар ишлаб чиқариш (касб) таълими усталари билан ўқувчилар ўртасидаги бевосита мулоқотни билвосита мулоқотга айлантиради, ўқувчиларнинг касбий билиш жараёнини тартибга солади, ўқув-ишлаб чиқариш (тажриба-синов) ишлари қоидалари ёки амалларини тавсифлайди.

Методик қўлланмадаги дидактик моделлар исталган тоифадаги таълим олувчига яроқли ва қулай бўлиши учун педагогик фаолият амалларига хос ва мос бўлган ўқув-методик материаллар танланди, улар алоҳида таркибий қисм ёки бўлакларга ажратилиб, аҳамияти ва изчиллиги бўйича жойлаштирилди. Шунингдек, келтирилган моделларда бўлғуси кичик мутахассислар касбий фаолияти тузилмаси очиб берилди: касбий билимлар (меҳнатнинг мақсади, объекти, натижаси); касбий фаолият предметлари (материаллар, объектлар, одамлар); меҳнат воситалари (машина ва механизмлар, асбоб-ускуна ва турли жиҳозлар); фаолият усуллари (технологиялар, таъсир кўрсатиш ва ташкил қилиш жараёнлари); касбий вазифалар ва уларни бажариш учун зарур бўлган касбий маҳорат асослари.

Қўлланмада тақдим этилган чизмалар, жадваллар ва суратларга қотиб қолган ақида сифатида қарамаслик, аксинча уларни шахсий билим, тажриба ва фикрлар билан ўзаро таққослаб ва бойитиб, касбий педагогик фаолиятда узлуксиз ижодий фойдаланиш зарур. Шунингдек, қўлланмада амалий касбий таълим мазмунига оид барча саволларга тайёр жавоблар бериш эмас, балки муайян масалалар бўйича умумий мўлжал олишга ўрганиш ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш назарда тутилган.

Чизмалар, жадваллар ва суратлар мазмунан касбий педагогик ҳодиса ва жараёнлардаги муҳим боғланишларни акс эттиришга, диалектик ва педагогик тафаккурни ривожлантиришга, тегишли масалани бир бутун ҳолда яхлит кўришга, олинган билимларни идрок этиш, англаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган. Чизмалар ва жадваллар

ўқув-методик материллар билан ишлашда тўғри мўлжал олишга, уларни мантиқий ва изчил баён этишга ёрдам бериши мумкин.

Қўлланма қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Касб-ҳунар таълимининг умумий психологик-педагогик асослари.
2. Касб-ҳунар таълимининг умумий дидактик асослари.
3. Амалий касбий таълим жараёни.
4. Амалий касбий таълим методлари.
5. Амалий касбий таълимнинг ташкилий шакллари.
6. Амалий касбий таълимнинг ўқув-моддий жиҳозланиши.
7. Амалий касбий таълимнинг мажмуий методик таъминоти.
8. Амалий касбий таълимни режалаштириш.
9. Ўқув устахоналари (лабораториялари)даги таълим.
10. Ишлаб чиқариш шароитидаги таълим. Ишлаб чиқариш амалиёти.
11. Амалий касбий таълимни қайд этиш ва баҳолаш.
12. Методик ишлар.
13. Амалий касбий таълимнинг яхлит тизими.

Қўлланмага киритилган чизмалар, жадваллар ва суратлар амалий касбий таълим мазмунини алоҳида ва бир бутун ҳолда чуқур англаб олишга, уларнинг онгда батартиб ва умумлашган кўринишда узоқ муддат сақланиб қолишига ёрдам беради. Шунингдек, моҳияти очиб берилаётган педагогик, методик ва технологик масалаларни яхлит бир бутун, ўзаро изчил ва боғлиқ тизимлар сифатида идрок этишга, улардан касбий-педагогик фаолиятда унумли фойдаланиш ва ўқувчиларда амалий кўникма ва малакаларни тез ва самарали ривожлантириш имкониятини яратади.

**Ш.Авазов**

# I БЎЛИМ

# КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ УМУМИЙ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ


ОДАМ
ИНДИВИД - биологик тур
ШАХС - ижтимоий-маданий мавжудот
одамнинг ижтимоий-лашуви
одамнинг турмуш тарзи
Дунёқараш, билим ва инсонийлик - маърифий қадриятлар
Авлодларнинг узлуксиз янгиланиши - ижтимоий такрор барпо этилиши – ворислиги
Инсон маданияти, маънавияти ва мафкураси - маърифатдан бошланиши
Инсон – ўз ақли ва руҳи соҳиби; ўз шахси, маданият ва тараққиёт бунёдкори
Инсон – олий қадрият, унинг бахт-саодати – олий мақсад




**Психология** - шахснинг руҳий ривожланиш қонунларини тушунтиради.

**Педагогика** - инсон камолотини аниқ мақсадга йўналтириб бошқариш ҳақидаги назарияни яратади.

**Шахс камолотини ҳаракатга келтирувчи омиллар:**

**Ирсият** –
ота-онадан болага муайян сифатлар, табиий ва физиологик хусусиятлар,организм ривожланишидаги меъёрдан четга чиқишлар ва айрим ирсий касалликларга мойилликнинг ўтиши.

Шахсда турли қобилиятлар ривожланишининг ички имконияти – *истеъдод*нинг наслдан-наслга ўтиши. *Талант* – қайсидир соҳадаги истеъдоднинг энг юқори даражаси – мислсиз қобилият.

Ирсий қонуниятларнинг *педагогик жиҳати* – ақлий, аҳлоқий ва алоҳида сифатларнинг наслдан-наслга ўтишини ўрганиш эканлиги.

**Маърифат** -
(*таълим* + *тарбия* = *маданият*)
ирсият ва муҳитнинг таъсирини тартибга солиши, шахс камолотини ўзига бўйсундириши.
Унинг инсон табиатини ўзгартиришга қодир ягона восита эканлиги, бироқ ноқулай ирсият ва муҳитнинг салбий таъсири олдида ожизлиги.

*Маърифат* – шахснинг ирсий ва ижтимоий ривожланиш дастурларидаги “бўш жойлар”ни, етишмовчиликларни тўлдириш эканлиги.

Шахснинг таълим-тарбияга турлича берилиши.
*Таълим-тарбия самарадорлиги* - ўқувчининг педагогик таъсирларни қабул қилишга тайёрлик даражаси билан аниқланиши.

**Муҳит** –
шахс камолоти кечадиган ва унга таъсир этувчи ташқи шарт-шароитлар мажмуи.
*Табиий* (табиат), *ижтимоий* (жамият), *яқин* (уй, маҳалла) ва *узоқ* (ижтимоий тузум, моддий шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) муҳит.

Одамнинг ижтимоийлашув (бошқа одамлар билан ўзаро мулоқоти, муносабати) жараёнида *шахсга айланиши*. Жамиятдан ташқарида маънавий, ижтимоий ва руҳий камолот бўлмаслиги.

Шахс камолотида оила ва маҳалланинг тутган ўрни.
*Бола (шахс)* –
оила ва маҳалла кўзгуси.


Шахс камолотида фаолият ва мулоқот
Фаолият – инсоннинг ҳаёт кечириш усули ва мавжудлик шакли; атрофдаги оламни мақсадга мувофиқ қайта ўзгартиришга йўналтирилган фаоллиги.
Мулоқот – инсон фаолиятининг алоҳида тури.
Билиш фаоллиги
Меҳнат фаоллиги
Фаол фаолият
Суст фаолият
Шахс эҳтиёжлари - фаоллик манбаи ва фаолият турларининг асоси
Фаолият турларининг таснифи:
Педагогикада – меҳнат, ўқиш ва ўйин фаолияти.
Социологияда – меҳнат, ижтимоий-сиёсий, бадиий-ижодий, илмий-тадқиқий фаолият ва ҳ.к.
Психологияда – руҳий жараёнлар (асаб тизими тузилмалари; бош мияда олинган ахборотларни ёдлаш, сақлаш ва эслаш; тафаккур ва ҳ.к.) билан боғланган фаолият
Фаолият натижалари – инсон ҳаёти моддий шарт-шароитларининг яратилиши; маънавий дунёсининг ривожланиши, маданий эҳтиёжларининг қондирилиши; ҳаётий мақсадлар ва ютуқларга эришиши; ижтимоий муносабатлар тизимида ўзлигини намоён этиши; илмий билиши, ўз-ўзини англаши ва камол топтириши.


гуруҳлараро
шахс-гуруҳли
шахслараро
иштирокчилар таркибига кўра:
билвосита
бевосита
зуҳурлик даражасига кўра:
узоқ муддатли
қисқа муддатли
давом этиш муддатига кўра:
тугалланмаган
тугалланган
ниҳоясига кўра:
турлари:
Мулоқот –
кишиларнинг биргаликдаги фаолиятга бўлган эҳтиёжлари асосида ўрнатиладиган ва ривожланадиган ўзаро алоқалар (муносабатлар) жараёни
тузилмаси:
коммуникатив - ахборот - ўзаро фикр алмашиниш
интерфаол – нафақат муносабатлар, балки ҳатти-ҳаракатлар билан алмашиниш
парцевтив – шерикларнинг бир-бирини ўрганиши, тушуниши, баҳолаши

**Шахс камолотининг ёш ва ўзига хос хусусиятлари:**

**Ёш бўйича педагогик даврлаштириш:**

**Гўдаклик** (*бир ёшгача*) - мулоқотга эхтиёжлар ва ҳиссий муносабатлар пайдо бўлади.

**Илк болалик** (*1 ёшдан 3 ёшгача*) – нутқ ва яққол-ҳаракатли тафаккур юзага келади.

**Мактабгача ёш** (*3 ёшдан 7 ёшгача*) – ижтимоий аҳамиятли ва қадрли фаолиятга эҳтиёжлар пайдо бўлади.

**Кичик мактаб ёши** (*7 ёшдан 11ёшгача*) – ихтиёрий эркинлик, иш-ҳаракатлар режаси, ўз-ўзини назорат этиш, ўз руҳий ҳолати ҳақида фикр юритиш, уни таҳлил этишга мойиллик юзага келади.

**Ўсмирлик** (*11 ёшдан 15 ёшгача*) – “балоғатга етиш”га интилиш пайдо бўлади.

**Ўспиринлик** (*15 ёшдан 22 ёшгача*) – дунёқараш шаклланади, касбга қизиқиш ва унинг асосларини эгаллаш амалга ошади.

**Ёшлик** – (*22 ёшдан 28 ёшгача*) – оила қуриши ва танланган касбини эгаллаши орқали катта ёшлилар ҳаёт тарзи юзага келади.

***Ёшга боғлиқ хусусиятлар*** –

*бир хил ёшдаги кўпчилик кишиларга хос бўлган жисмоний, ақлий, мавзуий ва ҳиссий хоссалар мажмуи.*

**Шахс камолотининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари:**

**Умумий хусусиятлар** – муайян ёшдаги кишиларга хос бўлган умумий хислатлар мажмуи.

**Ўзига хос хусусиятлар** – муайян одамни бошқалардан айириб турадиган ақлий, иродавий, маънавий ва бошқа шахсий хислатлар мажмуи.

Шахс камолотининг ҳар бир босқичида *фаолиятнинг муайян тури* етакчи ўрин тутиши.

Таълим-тарбия ишларида *ёш хусусиятларни* қатъий ҳисобга олиш лозимлиги.

**Шахс камолоти жараёнини тавсифловчи асосий тушунчалар:**

**омил -** *жараёнлар ва ҳодисаларни ҳаракатга келтирувчи куч, сабаб ёки жиддий ҳолатлар*

**ривожланиш -** *ташқи ва ички, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар таъсирида одам организми, руҳияти, ақлий ва маънавий оламида миқдор ва сифат ўзгаришлари жараёни*

**шахс -** *одамнинг ижтимоий муносабатлар ва бошқа одамлар билан мулоқоти таъсирида шаклланадиган сифатларидан дарак берувчи ижтимоий тавсифи*

**шахснинг ижтимоийлашуви -** *инсон томонидан муайян жамиятга хос бўлган қадриятлар, меъёрлар, йўл-йўриқлар ва хулқ-атвор намуналарининг ўзлаштирилиши.*

**шахснинг ўзгариши -** *одамнинг ёши ўтган сайин жисмоний ривожланиши, руҳий ва ижтимоий ўзгариши.*

***Шахсни шакллантириш*** *– унинг ички имкониятлари ва иқтидорига мувофиқ амалга оширилади.*

***Шахсни ривожлантириш*** *– таълим-тарбия жараёнининг ички мазмунини ташкил этади.*

**Шахс камолоти қонуниятлари:**

*Шахснинг жисмоний камолоти*

*Шахснинг маънавий камолоти*

**Шахснинг жисмоний камолоти қонуниятлари:**

1. Одамнинг жисмоний камолоти ёшлик даврида тез ва жадал кечади, ёши ўтган сайин камолот суръати секинлашади.

2. Бола жисмоний жиҳатдан нотекис, яъни айрим даврларда тез, айрим даврларда секин ривожланади.

**Шахснинг маънавий камолоти қонуниятлари:**

1. Одамнинг ёши билан маънавий камолот суръати ўртасида тескари мутаносиб боғланиш намоён бўлади: ёш қанча кичик бўлса, маънавий камолот суръати шунча юқори бўлади.
2. Ёш ўтиши билан маънавий камолот суръати секинлашади.
3. Одамнинг маънавий камолоти нотекис кечади: руҳий фаолиятнинг айрим турлари учун қулай муддатлар мавжуд бўлиб, улар билан шартланган маънавий фазилатлар юксалиши рўй беради.
4. Одам руҳияти ва маънавий фазилатлари ривожланган сари барқарорлик касб этади.

## Педагогика

- таълим, тарбия ва шахс камолоти ҳақидаги фан.
- таълимий ва тарбиявий тартиботлар воситасида ёш авлодни ва катта ёшли одамларни шахсий ва касбий камолотининг барча даврларида тарбиялаш, илм-маърифатли қилиш масалалари билан шуғулланади.
- хусусий таълим ва тарбиявий ишлар методикасининг назарий асоси.

***қамраб олади:***

- ***таълим назарияси (дидактика)***
- ***тарбия назарияси***
- ***педагогик бошқариш назарияси***

***ривожланиш манбалари:***

- таълим-тарбия борасидаги амалий тажрибалар
- фалсафий, педагогик ва психологик адабиётлар
- Ғарб ва Шарқ, жаҳон ва Ватандаги замонавий таълим-тарбия амалиёти
- педагогик тадқиқотлар маълумотлари
- ташаббускор педагоглар иш тажрибалари

**Педагогиканинг** → ***вужуда келиши***

***Қадимги Юнонистон, Рим ва Ғарбий Европа.*** (Демокрит, Сукрот, Платон, Аристотель, Я.А.Коменский ва бошқалар).

***Ўзбекистон худудида ривожланиш босқичлари:***

***Энг қадимги даврдан - XIV асргача бўлган даврда маърифий қарашлар тараққиёти -*** халқ оғзаки ижоди, қадимги ёзма ёдгорликлар, зардуштийлик ва ислом дини, ҳадис илми ва Шарқ уйғониш даври: Хоразмий, Беруний, Форобий, Ибн Сино ва бошқалар.

***XIV-XVI асрларда мактаб ва маърифий ғоялар тараққиёти -*** Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Жомий, Навоий ва бошқалар.

***XVII-XX аср бошларида мактаб ва маърифий ғоялар тараққиёти -*** Бухоро, Хива, Қўқон хонликларида маърифий ғоялар ва муассасалар, Туркистонда рус-тузем мактаблари ва жадидчилик ҳаракати: Беҳбудий, Мунаввар Қори, Сиддиқий, Шакурий, Авлоний, Фитрат ва бошқалар.

***Ўзбекистонда 1917-1990 йилларда маърифий ғоялар, мактаб ва педагогика фанлари тараққиёти:*** коммунистик тарбия: С.Ражабов ва бошқалар.

***Мустақил Ўзбекистонда маърифий ғоялар, таълим тизими ва педагогика фанлари тараққиёти*** – 1991 йилдан ҳозирга қадар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ривожланган хорижий мамлакатлар (АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Франция, Германия) таълим-тарбия тизими билан қиёсий таҳлили .


Педагогика
Объекти
таълим ва тарбия, яъни маърифат соҳаси
Предмети
педагогик жараён, яъни ўқитувчи-тарбиячининг ўқитиш-тарбиялаш фаолияти, ўқувчининг мустақил ўқиши, ўз-ўзини тарбиялаши ва шахснинг камол топиши
Вазифалари:
1. Таълим-тарбия тизимлари ва педагогик жараёнларни бошқариш қонуниятларини очиш.
2. Педагогик амалиёт, фаолият ва инновация тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш.
3. Таълим ва тарбия тузилмалари, уларни бошқаришнинг янги методлари, воситалари, шакллари ва тизимларни ишлаб чиқиш.
4. Таълим ва тарбия истиқболларини башорат қилиш.
5. Педагогик тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш.
Педагогика фани (илми, назарияси) + педагогик амалиёт (фаолият, маҳорат, санъат)

**Педагогиканинг асосий категориялари:**

**тарбия -** одамни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида жамиятда шаклланган ижтимоий-тарихий тажрибани янги авлодга ўтказиш жараёни

**ўз-ўзини тарбиялаш -** инсоннинг ўз-ўзини камол топтириши, мустақил ўқиши ва ўзида ижобий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган тушуниб етилган, мақсадли фаолияти

**таълим -** ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, илмий дунёқарашини шакллантириш, ақлий кучларини ривожлантириш борасида махсус ташкил этилган ва бошқариладиган биргаликдаги ўзаро ҳамкорлиги

- ***жараён сифатида*** – *таълим муассасаларида ҳамда мустақил ўқиш натижасида билим ва кўникмалар, фаолият тажрабаси, қадриятли мўлжаллар ва муносабатлар тизимининг ўзлаштирилиши*
- ***натижа сифатида*** – *билим ва кўникмаларни, тафаккур ва фаолият усулларини ўзлаштиришда эришилган даража – маълумот*
- ***тизим сифатида*** – *ДТС ва таълим дастурларининг ўзаро изчил мажмуи, уларни амалга оширувчи таълим муассасалари ва бошқарув органлари тармоғи*

***билим*** → ***кўникма*** → ***малака***

**мустақил ўқиш -** инсоннинг билим излаш ва уларни ўзлаштириши билан боғлиқ фаол билиш фаолияти

**педагогик жараён -** ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва сифатларини қайта ўзгартиришга йўналтирилган, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида махсус ташкил этилган биргаликдаги ўзаро таъсирлар

**шахснинг ривожланиши -** инсон организмида миқдорий, сифатий ўзгаришлар ва ривожланишлар жараёни ва натижаси

**шахснинг шаклланиши -** инсоннинг иқтисодий, экологик, ижтимоий, психологик, мафкуравий ва бошқа омиллар таъсирида ижтимоий мавжудот сифатида қарор топиш жараёни


Ёш педагогикаси :
мактабгача таълим педагогикаси
умумий ўрта таълим педагогикаси
ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагогикаси
олий таълим педагогикаси
Хусусий методика - дидактика
Умумий педагогика
(тарбиянинг умумий қонуниятларини ўрганадиган таянч илмий фан)
Педагогика фанлари тизими:
Тармоқ (касб) педагогикаси
(спорт, ҳарбий, бадиий, экологик, иқтисодий, ишлаб чиқариш педагогикаси
Махсус (коррекцион) педагогика
(сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика логопедия)
Педагогика тарихи
Ижтимоий педагогика
(оила тарбияси ва ҳуқуқбузарлар ахлоқини тузатиш)


Педагогик
тадқиқот методлари:
Умумилмий методлар:
Назарий методлар:
Эмпирик методлар:
умумназарий
методлар
социологик
методлар
ижтимоий-психологик
методлар
математик
методлар
таҳлил этиш
методи
синтез қилиш
методи
умумлаштириш
методи
кузатиш методи
суҳбат методи
консилиум методи
тажрибани ўрганиш ва
умумлаштириш методи
илмий экспедиция методи
тажриба-синов методи


Педагогик ҳодиса ва жараёнларга маърифий ёндашув
Маърифат:
мақсади
одамни жамиятнинг олий мақсадлари, қадриятлари ва эътиқодлар мажмуи билан таништириш орқали инсон камолотини бошқариш
вазифалари
таълим – ижтимоий-маданий тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш ва уларни ўзлаштириш
тарбия – шахсда ижтимоий хулқ-атвор фазилатларини шакллантириш
ижтимоийлашиш – одамнинг жамиятга киришиши ва қадрият, меъёр ва хулқ-атворлар мажмуини ўзлаштириши
малакали мутахассислар тайёрлаш
мазмуни
Билим, кўникма ва малакалар мажмуи ва шахснинг билиш савияси
(ҳаёт, ишлаб чиқариш шароитлари, илмий билимлар юксалиши ва ижтимоий омиллар таъсирида ўзгариб туради)
узлуксизлиги
мактабгача таълим
умумий ўрта таълим
ўрта махсус, касб-ҳунар таълими
олий таълим
Олий таълимдан кейинги таълим
Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш
Мактабдан ташқари таълим
Маърифатлилик (ўқимишлилик) мезонлари:
Маълумот даражаси - бошланғич, умумий ўрта, ўрта махсус, олий маълумот
Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим натижаси
Билим, кўникма, тафаккур ва фаолият усулларини ўзлаштиришда эришилган даража
Маърифатли одам – ўқимишли (маълумотли) киши


Педагогик жараён
Ўқув-тарбия жараёни
таълим, тарбия ва шахснинг ривожланиш жараёнлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигидан иборат яхлит маърифий тизим
таркибий қисмлари:
субъектлари:
объектлари:
субъектлар ва объектлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик
маъмурият
ўқитувчилар
тарбиячилар
ўқувчилар
талабалар
синф (гурух)
Босқичлари:
мақсади
вазифалари
мазмуни
методлари
шакллари
Тайёргарлик босқичи
Асосий босқич
Якуний босқич
таълим мазмуни: нимага ўргатиш керак?, нимани ўрганиш лозим?
тарбия мазмуни: қандай фазилатларни шакллантириш зарур?

## Педагогик жараён қонуниятлари:

1 2 3 4 5 6 7

***Педагогик жараённинг ривожланиш суръати*** - шахсдаги кейинги ўзгаришлар кўлами олдинги босқичдаги ўзгаришлар кўламига боғлиқлиги

***Шахснинг педагогик жараёнда ривожланиши*** – унинг суръати ва даражаси ирсият, муҳит ва ўқув-тарбиявий фаолиятга, педагогик восита ва услубларга боғлиқлиги

***Ўқув-тарбия жараёнини бошқариш*** – педагогик таъсирлар самарадорлиги ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги қайтар алоқалар жадаллигига, ўқувчига таъсирлар кўлами ва табиатига боғлиқлиги

***Рағбатлантириш*** – педагогик жараён маҳсулдорлиги ўқув-тарбиявий фаолиятни кўзғатувчи ички (мотивлар) ва ташқи (ижтимоий, педагогик, маънавий, моддий) омиллар жадаллиги, уларнинг табиати, ўз вақтида бўлишига боғлиқлиги

***Педагогик жараённинг шартланганлиги*** – ўқув-тарбия жараёнининг бориши ва натижалари шахс ва жамият эхтиёжларига, моддий-техник ва иқтисодий имкониятларга, маънавий-руҳий, санитария-гигиеник, эстетик шароитларга боғлиқлиги

***Ташқи (педагогик) ва ички (билиш) фаолият бирлиги*** – педагогик жараён самарадорлиги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шахсий фаолияти сифатига боғлиқлиги

***Педагогик жараёнда ҳиссий, мантиқий ва амалий жиҳатлар бирлиги*** – ўқув-тарбия жараёни самарадорлиги сезги идроки жадаллиги ва сифатига, идрок натижаларини мантиқий англашга, англаш натижаларини амалда қўллашга боғлиқлиги


педагог
ўқувчи
Педагогик мулоқот -
таълим-тарбия мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишни таъминловчи, педагог ва ўқувчилар ўртасида ўзаро муносабатлар (фикр алмашиш, тушуниш) табиатини белгиловчи усул ва воситалар мажмуи
педагогик фаолиятнинг асосий шакллари – педагогик мулоқот шароитида кечиши, унинг мазмуни – “ўзаро ахборот алмашиниш” эканлиги
ўзига хос жиҳатлари:
ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этиш воситаси
ўқув-тарбия жараёнининг педагогик таъминоти
коммуникатив мулоқот - мавзу бўйича ўзаро фикрлар, қарашлар, қизиқиш ва ҳис-туйғулар алмашинуви
педагогик жараён ва ўқитувчи-ўқувчи муносабатини ташкил этиш услуби
мавзуий мулоқот - мавзу бўйича ўзаро ўзаро муносабатга киришиш
мулоқот шакллари:
нутқий
музокара
педагогик ҳамкорлик - музокарага асосланган икки томонлама жараён
педагог йўл-йўриқларига асосланган
дўстона майлга асосланган
мулоқот услублари:
хушомадгўйликка асосланган
муайян масофада кечадиган
чўчитувчи салбий
мулоқот босқичлари:
гуруҳ билан кечадиган мулоқотни моделлаштириш
гуруҳ билан бевосита мулоқотни ташкил этиш
педагогик жараёнда мулоқотни бошқариш
амалга оширилган мулоқотни таҳлил этиш

**Бўлғуси кичик мутахассис**

- шахси — *касбий фаолият субъекти; ўз касбий фаолиятини амалга оширувчи киши; ўзида биологик, ижтимоий, аҳлоқий, психологик, умуммаданий ва касбий жиҳатларни яхлит бирлаштирган одам*
- ҳаётий қадриятлари — *ўзи, оиласи, яқинлари ва мамлакат хавфсизлиги; бахт-саодат, дўстлик, оилавий ва касбий бурчини бажариш ва ҳ к. ҳамда уларга эришиш воситалари (масъулият, ўз фикрини ҳимоя қилиш, ишдаги қатъият, муваффақиятга интилиш ва ҳ.к)*
- **касбий шартланган шахсий сифатлари:**
  - **ақлий сифатлари** (касбий қобилияти; билимдонлиги; таҳлилий қобилияти ва ҳ.к.)
  - **маънавий сифатлари** (инсонийлик; фуқаролик; хушмуомалалик; ҳалоллик ва ҳ.к.)
  - **мулоқот сифатлари** (киришимлилик; тинглаш-ишонтириш кўникмаси ва ҳ.к.)
  - **иродавий сифатлари** (тиришқоқлик; сабр-тоқатлик ва ҳ.к.);
  - **ташкилотчилик сифатлари** (фаоллик; ташаббускорлик; масъуллик ва ҳ.к.)
- **касбий ва шахсий камолотининг бир бутунлиги ва узлуксизлиги:**
  - ҳаётда ва касбда ўз йўлини белгилаб олиши *(16-20 ёш)*
  - ўз мойиллиги ва қизиқишига мувофиқ энг мақбул фаолият соҳасини излаб топиши *(16-20 ёшдан 25-30 ёшгача)*
  - шахсий ва касбий самарали камол топиши; ундан қониқиши (ёки қониқмаслиги); кескин ўзгариш, тушкунликлар рўй бериши *(25 ёшдан 45-50 ёшгача)*
  - касбий фаолиятнинг поёнига етиши *(45-50 ёшдан 60-65 ёшгача)*
  - шахсий фаолиятда мулоқотнинг етакчилик қилиши *(65 ёшдан умр охиригача)*


Бўлғуси кичик мутахассиснинг мулоқот маданияти -
хулқий билимлар, меъёрлар, қадриятлар ва намуналарни касбий ва ҳиссий мулоқотда табиий ва эркин амалга ошириш кўникмалари мажмуи
шахсий мулоқот мазмуни:
касбий мулоқот кўникмалари:
ўзгаларнинг кучли жиҳатлари, ижобий сифатларини эътироф этишга мўлжал олиш кўникмаси
бошқа одамларнинг ҳиссий ҳолатини тушуниш ва ҳисобга олиш кўникмаси
бошқа бировларга ижобий таъсир кўрсатиш кўникмаси
ўзгаларни фаолиятга эргаштириш ва рағбатлантириш кўникмаси
лўнда мулоқот (саломлашиш, савол бериш, жавоб қайтариш, илтимос қилиш, рад этиш ва ҳ.к.) кўникмаси
ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўзининг кучли жиҳатини билиш кўникмаси
нутқ маданияти
касбий шахслараро мулоқот (ахборот алмашиниш) кўникмаси
касбий фаолиятда ҳамкасбларини идрок этиш ва тушуниш кўникмаси
касбий фаолиятни ҳамкасблари билан биргаликда амалга ошириш кўникмаси
Кичик мутахассиснинг мулоқот маданияти – касбий маҳорат ва самарали фаолият шарти

# II БЎЛИМ

# КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ УМУМИЙ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

**ДИДАКТИКА**

***педагогиканинг таълим ва илм-маърифат муаммоларини тадқиқ этадиган бир қисми***

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, В.Ратке, Я.Коменский ва И.Гербартнинг дидактик қарашлари

**замонавий дидактика – таълим назарияси ва технологиялари ҳақидаги фан**

**Объекти:** таълим соҳаси, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муштарак фаолияти

**Предмети:** ўқитиш ва ўқиш жараёнлари: омиллари, шарт-шароитлари, натижалари

**Вазифалари** кимга, нимани, қачон, қаерда, қандай ўргатиш (ўқитиш) муаммоларини ишлаб чиқиш

**Тушунчалари:** таълим; ўқитиш; ўқиш; маълумот; билим; кўникма; малака; таълимнинг мақсади; таълим мазмуни; таълимнинг ташкилий шакллари, таълим методлари; таълим воситалари; таълим назорати, таълим натижалари

***Хусусий дидактика– таълим (ўқитиш) методикаси.***

***Ҳар бир ўқув фани - ўз методикаси ва технологияларига эгалиги***


Касб-ҳунар коллежларидаги таълим -
таълим олувчиларнинг илмий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, ижодий қобилияти, дунёқараши ва ахлоқий эътиқодини ривожлантириш ҳамда фаол ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган педагогик жараён
Таълим жараёни зиддиятлари – таълимни яхлит мажму сифатида ўз-ўзидан ҳаракатга келтирувчи куч
мақсади
ўқитувчи фаолияти
таълим жараёни – яхлит тизим
таълим мазмуни, методлари, шакллари ва воситалари
ўқувчи фаолияти
натижаси


Касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёнига хос хусусиятлар
ўқитиш
ўқитувчининг таълим-тарбия мақсадларини рўёбга чиқаришга, ўқувчиларнинг билим ва тарбия олиши, уларни англаши ва амалиётда қўллашини таъминлашга йўналтирилган батартиб фаолияти
ўқитувчи томонидан раҳбарлик қилинади;
режали ташкил этилади ва бошқарилади;
яхлит ва умумий жараён;
ўқувчиларнинг ёш бўйича ривожланиш қонуниятлари ва қизиқишларига мос ҳолда табақалаштирилади;
ўқувчилар тарбияси ва камол топишини бошқаради
ўқувчи фаолияти бўлиб, унинг билиши, машқ қилиши ва орттирган тажрибаси асосида хулқ-атвори ва фаолиятида янги ўзгаришлар вужудга келади
ўқиш

**Касб-ҳунар коллежларида таълим жараёни**

***вазифалари:***

- ўқувчиларда ўқув-билиш фаоллигини рағбатлантириш;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш;
- ўқувчиларда тафаккур, ижодий қобилиятни ривожлантириш;
- ўқувчиларда диалектик-материалистик дунёқараш ва маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш

***мақсадлари:***

- ***таьлимий*** – билимларни эгаллаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ***тарбиявий*** – ўқувчиларни ўқув фаолияти орқали тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий сифатлар, қарашлар, эътиқодлар ва бошқа фазилатларни шакллантириш;
- ***ривожлантирувчи*** – ўқувчи шахсида руҳий жараёнлар ва сифатларни шакллантириш.

**Ўқитувчи фаолиятининг моҳияти ва тузилиши**:

- ўқувчиларга машғулот мақсади ва вазифаларини тушунтириш;
- ўқувчиларни янги билимлар (воқеалар, ҳодисалар, қонунлар) билан таништириш;
- билим ва кўникмаларни эгаллаш ва англаш жараёнини бошқариш;
- ўқувчиларнинг илмий қонуният ва қонунларни билиш жараёнини бошқариш;
- назариядан амалиётга ўтиш жараёнини бошқариш;
- ўқувчилар ижодий ва тадқиқий фаолиятини ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг ўқиши ва ривожланишидаги ўзгаришларни текшириш ва баҳолаш

**Ўқувчи фаолиятининг моҳияти ва тузилиши**:

- ўқишга муносабати бўйича шахсий фаолияти;
- янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириши;
- билимларни таҳлил этиши, синтез қилиши, таққослаши, таснифлаши;
- қонуниятларни билиши, сабаб-оқибат алоқадорлигини тушуниши;
- кўникма ва малакаларни ўзлаштириши, уларни таснифлаши;
- муаммоларни мустақил ҳал этиш бўйича амалий фаолияти;
- ўзини-ўзи назорат қилиши, эришган ютуқларини баҳолаши.


ТАЪЛИМНИНГ ТУРЛИ МОДЕЛЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ ҲАМКОРЛИГИ
ўқитувчи
Изоҳли-кўрсатмали таълим
ўқувчи
ўқитувчи
Ривожлантирувчи таълим
ўқувчи
таълим жараёни
ўқитувчи
Муаммоли таълим
ўқувчи
ўқитувчи
Дастурлаштирилган таълим
ўқувчи

**Таълимнинг турли моделларида ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги моҳияти:**

***изоҳли-кўрсатмали таълим***

Ўқитувчи билимларни пардозланган, “тайёр” кўринишда баён қилади, ўқувчилар уларни ўзлаштиради ва аслидай қайтаради. Кўрсатмалилик асосидаги тушунтиришда ўқувчи фаолиятининг етакчи тури - тинглаш ва ёдда сақлаш. Ўрганилган материалларни хатосиз айтиб бериш – машғулот самарадорлигининг бош талаби ва асосий мезони. Мазкур таълимда вақтнинг тежалиши, ўқитувчи-ўқувчи кучининг сақланиши, мураккаб тушунчаларни ўзлаштириш енгиллиги ва педагогик жараённи самарали бошқариш таъминланади.

***Афзаллиги:*** баёндаги батартиблик ва вақтнинг тежалиши.

***Камчилиги***: таълимда шахсни камол топтириш вазифаси тўлиқ амалга ошмаслиги; ўқувчи фаолиятининг маҳсулдор эмаслиги; “тайёр” билимларнинг тақдим этилиши ўқувчиларни мустақил (маҳсулдор) фикрлашдан, ўқув жараёнини шахсга йўналтириш имкониятларидан қисман маҳрум қилади.

***муаммоли таълим***

Ўқувчилар амалий ва билиш хусусиятига эга бўлган ижодий топшириқларни ечиш жараёнига мунтазам қамраб олинади. Ўқитувчи “тайёр” билим бермайди, аксинча ўқувчилар тушунча ва қонуниятларни мустақил излашга йўналтирилади, билимлар уларнинг изланиш, кузатиш, далилларни таҳлил этиш ва фикрлаш фаолияти натижасида ўзлаштирилади. Мазкур таълимда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмаси ва эътиқоди бирмунча самарали шаклланади.

***Афзаллиги:*** ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти, ўқишга қизиқиши ва ижодий кучлари ривожланади.

***Камчилиги***: ўқув материалларини ҳамма вақт қўллаш мумкин эмаслиги; ўқувчиларнинг тайёр эмаслиги; ўқитувчида маҳорат етишмаслиги; кўп вақт талаб этилиши.

## Таълимнинг турли моделларида ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги моҳияти:

***ривожлантирувчи таълим***

Ўқув жараёни ўқувчининг ички имкониятлари ва уларни рўёбга чиқаришга йўналтирилади. Ўқувчиларга мураккаблашиб борувчи кўрсатмали топшириқлар берилади ва улар фаолиятнинг хилма-хил турларига, дидактик ўйинларга, баҳс-мунозараларга жалб этилади. Ўқувчилар бир вақтда ҳам билимларни, ҳам ҳатти-ҳаракат усулларини ўзлаштиради. Бу - ўқувчини камолотга элтади.

***дастурлаштирилган таълим***

Ўрганиладиган, махсус ишлов берилган ўқув материали кичик, осон ўзлаштириладиган миқдорларга ажратилиб, ўқувчига тақдим этилади ва унинг ўзлаштирилиши текшириб борилади. Мазкур таълимнинг моҳияти: “тақдим этиш – ўзлаштириш – текшириш”. **Ўргатувчи дастур** - дастурлаштирилган таълимнинг асоси сифатида ўқув материаллари мажмуи ва улар билан ишлашга оид кўрсатмаларни ўз ичига олади.

**Чизиқли** (топшириқ нотўғри бажарилса, тегишли материалларнинг қайта такрорланиши), **кўптармоқли** (топшириқ нотўғри бажарилса, хатоликларнинг кўрсатилиши) ва **аралаш** ўргатувчи дастурларнинг фарқланиши.

**Афзаллиги:** кичик миқдорлар хатосиз ўзлаштирилади ва юқори натижага эга бўлинади; ўзлаштириш суръати ўқувчи томонидан танланади, ўқувчи олдинги материални ўзлаштирмасдан, кейинги қадамни боса олмайди.

**Камчилиги**: ҳар қандай ўқув материалига “қадам-бақадам” ишлов бериб бўлмайди; ўқувчининг маҳсулдор мулоқоти ва ақлий камол топиши чекланади; таълимда мулоқот ва ҳис-туйғу етишмовчилиги рўй беради.

Мазкур таълим ғоялари янги таълим технологияларини (модулли таълим ва ҳ.к.) вужудга келтирган.

## Таълим қонуниятлари:

*таълим тамойилларида ўз ифодасини топади*

*таълим жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги объектив, муҳим, турғун ва такрорланувчи боғланишлар*

***умумий қонуниятлар**- исталган маърифий жараёнга хос, таълим тизимини яхлит қамраб олади:*

- ***таълим мақсадлари*** - жамият ривожланиш даражаси ва суръатига, унинг эхтиёжлари ва имкониятларига, педагогика фани ва амалиётининг ривожланиш даражасига боғлиқлиги
- ***таълим мазмуни*** - ижтимоий эҳтиёжлар ва таълим мақсадларига, илмий-техник тараққиёт суръати ва таълим олувчилар имкониятларига, таълимнинг ривожланиш даражаси ва таълим муассасаларининг моддий-техник ва иқтисодий имкониятларига боғлиқлиги
- ***таълим сифати*** - таълимнинг олдинги босқичларида эришилган натижаларга, ўрганилган материалнинг табиати ва ҳажмига, уларни ўрганиш муддатига боғлиқлиги
- ***таълим методлари самарадорлиги*** – эгалланган билим ва кўникмаларга, таълим мақсади ва мазмунига, моддий-техник таъминот ва ўқув жараёни ташкил этилишига боғлиқлиги
- ***таълим маҳсулдорлиги*** - бошқарувдаги қайтар алоқалар жадаллиги ва тузатувчи қайта таъсирларга, ички ва ташқи рағбатлантирилишига боғлиқлиги

***хусусий қонуниятлар-*** таълим мажмуининг айрим жиҳатларига таъсир кўрсатади:

- ***таълим натижаси*** - қўлланилган методлар, воситалар ва ўқитувчи маҳоратига боғлиқлиги
- ***таълим натижаси*** - таълим олувчиларнинг билиш фаоллиги, ўқишга эхтиёжи ва кўникмасига боғлиқлиги
- ***таълим натижаси*** - ўқувчилар ўқув имкониятлари, диққати барқарорлиги ва тафаккури хусусиятларига боғлиқлиги
- ***шахс камолоти*** - у мулоқотда бўладиган бошқа шахслар камолоти, мулоқот услублари ва маънавий-ахлоқий муҳит даражасига боғлиқлиги
- ***таълим жараёни самарадорлиги*** - таълим олувчиларда ўқишга эхтиёжлар ва билишга қизиқишлар шаклланишига, ўқишдан қониқиш ва билиш фаоллиги рағбатлантирилишига боғлиқлиги

**Таълим тамойиллари –**
**ўқитувчи фаолиятидаги асосий мўлжал**

***Дидактик тамойиллар ва уларнинг тавсифи:***

*таълим мақсадлари ва қонуниятларига мувофиқ ўқув жараёнининг мазмуни, ташкилий шакллари ва методларини асословчи ва аниқловчи асосий қоидалар*

***илмийлик*** – илмий далиллар ва назариялар аҳамиятини баҳолаш.

***изчиллик*** – янги билимларни ўзлаштиришда олдинги билимларга таяниш.

***батартиблик*** - билимларни муайян педагогик мажмуда узатиш ва ўзлаштириш.

***таълимда онглилик ва мустақиллик*** – ўқувчининг эркин фикрлаши, билим ва кўникмаларни эгаллаш ва ўз ижодий камолотига бўлган шахсий ишонч-эътиқоди.

***назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги*** – фанларни ўрганиш ва ўқувчиларни касбга йўллашда назарий ва амалий тайёргарликни бирга қўшиб олиб бориш.

***кўрсатмалилик*** – таълим жараёнида сезги аъзоларини идрок этишга жалб этиш, ўқув материалини сезги аъзолари орқали қабул қилиш ва ўзлаштириш.

***ҳаммабоплик ва тушунарлилик*** – ўқув материали, унинг ҳажми, таълим шакли ва методларининг илмий-назарий мураккаблик даражасини аниқлаш.

***билимлар пухталиги*** – билимлардан бўлғуси ўқув ва мустақил ишларда фойдаланиш, эсда сақлаш лозим бўлган ахборотларни танлаш.

***ёш ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш*** – таълим жараёни ва ўқувчилар ўқув фаолиятининг энг самарали шакллари ва технологияларини танлаш.

## Таълим мазмуни -

- илмий билим, кўникма ва малакалар, дунёқараш, маънавий-ахлоқий ғоялар ва ижтимоий-ижодий тажриба унсурларидан иборат мажму;
- шахснинг ўз йўлини ўзи белгилашга, ўзлигини намоён этиш ва жамиятни ривожлантиришга йўналтирилганлиги

### *Таълим мазмунини танлаш омиллари:*

- **жамият томонидан битирувчиларга қўйилган ижтимоий, касбий ва маданий талаблар**
- **таълим мазмунининг дидактик тамойилларни қаноатлантириш даражаси**
- **таълим босқичларининг ўқувчилар психологик имконияти ва шахс камолотига мувофиқлиги**
- **шахснинг таълим олишга бўлган эҳтиёжлари**

### *Таълим мазмунини шакллантириш тамойиллари*:

- ***инсонийлик*** - умуминсоний қадриятлар ва инсон саломатлиги устуворлиги, шахснинг эркин камол топиши;
- ***илмийлик*** - билимларнинг илмий, ижтимоий-маданий тараққиёт ютуқларига мувофиқлиги;
- ***изчиллик*** - ҳар бир янги тушунча олдин ўрганилган тушунчаларга таяниши, таълим мазмуни шу асосда режалаштирилиши;
- ***тарихийлик*** - фан тармоғи ёки инсон фаолияти ривожининг тарихи акс этиши, машҳур олимлар фаолияти ёритилиши;
- ***батартиблик*** - билим ва кўникмалар тартиб билан тизим сифатида ифодаланиши;
- ***ҳаёт билан боғлиқлик*** - билим ва кўникмалар чинлигини амалиётда текшириб кўриш усули, таълимни амалиёт билан мустаҳкамлаш воситаси;
- ***ҳаммабоплик ва тушунарлилик*** - ўқув дастурлари ва дарсликларда илмий билимларни баён этиш усули; илмий тушунча ва терминларнинг энг мақбул сони, уларни киритиш тартиби;
- ***ўқувчилар тайёргарлик даражаси ва ёш имкониятларига мувофиқлиги*** - ўзлаштириш учун турли даражали билим ва кўникмалар тизими таклиф этилиши.

**Таълим мазмунининг тузилиши**:

***Чизиқли тузилиш*** –
ўқув материалининг қисмлари фақат бир марта ўрганилади ва узлуксиз кетма-кетлик ҳосил қилади; унда изчиллик, батартиблик, ҳаммабоплик ва тушунарлилик тамойилларига амал қилинади (тарих, мусиқа каби ўқув фанлари мазмуни).

***Концентрик (битта умумий марказли) тузилиш*** –
билимларга қайта мурожаат этилади - “жон” киритилади; мазмун аста-секин кенгайиб боради, янги маълумотлар билан бойитилади (физика, кимё, биология каби ўқув фанлари мазмуни).

***Бурама чизиқли тузилиш*** –
асосий муаммо (масала) назарда тутилиб, унга боғлиқ билимлар доираси кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади (педагогика, психология каби ўқув фанлари мазмуни).

***Аралаш тузилиш*** –
чизиқли, концентрик ва бурама чизиқли тузилишларнинг ўзаро уйғун бирикмаси - мазмуннинг айрим қисмлари турли усулларда моҳирлик билан баён қилинади.

## Таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар:

**Таълим тўғрисидаги қонунлар -**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ва таълимга оид бошқа қонунлари.

**Давлат таълим стандартлари (ДТС) –**

тегишли таълим турида ўқувчини ўқитиш ва тарбиялашга қўйиладиган талаблар кўрсаткичларининг мазмуни:

- ***умумий ўрта таълим ДТС*** (мактаб ва ихтисослашган мактаб);
- ***ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ДТС*** (академик лицей ва касб-ҳунар коллежи);
- ***олий таълим ДТС*** (бакалавриат ва магистратура).

**Ўқув режаси ва фани –**

- ***ўқув режаси -*** ўқув даврлари, ўқув фанлари ва уларнинг гуруҳлари рўйхати ва ҳажмини, уларни ўрганиш изчиллиги ва ўқув фаолияти турларининг соатлар бўйича тақсимотини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.
- ***ўқув фани*** - таълим муассасасида ўрганиш учун фаннинг мувофиқ соҳаларидан танлаб олинган билим, кўникма ва малакалар, меъёрлар ва қадриятларнинг дидактик асосланган тизими.

**Ўқув дастури-**

муайян ўқув фани бўйича таълим мазмунининг энг зарур билим, кўникма ва малакалар мажмуини ва ўқув материалини ўзлаштириш даражаларини очиб берувчи меъёрий ҳужжат.

**Ўқув адабиёти –**

муайян ўқув фани бўйича ўқув дастурига мувофиқ энг зарур билим, кўникма ва малакалар мажмуи келтирилган, уларни ўзлаштириш дидактикаси ёритилган манба.

***Ўқув адабиёти турлари:*** дарслик, ўқув қўлланма, луғат, маълумотлар тўплами, лекциялар тўплами, методик қўлланма, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва ҳ.к.

**Ўқув-услубий мажмуа –**

муайян ўқув фани ёки касбни (таълим йўналиши ёки мутахассисликни) тўлиқ ва сифатли ўрганиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатлар ва таълим воситалари мажмуи.


Таълим методлари
***Таълим методи*** *- ўқитувчининг ўқувчи билан, ўқувчиларнинг бир-бири, табиат ва жамият билан таълимий мулоқотини ташкил этиш, ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва ақлий кучларини ривожлантириш усули*
***Таълим усули*** *– методнинг таркибий қисми, айрим унсури*
Таълим методлари таснифи:
Билим манбаларига кўра таълим методлари
Дидактик мақсадларига кўра таълим методлари
Билиш фаолияти табиатига кўра таълим методлари
Ўқув-билиш фаолияти тузилмасидаги ўрнига кўра таълим методлари

**Таълим методлари**

***билим манбаларига кўра:***

***дидактик мақсадларига кўра:***

***<u>янги билимни ўзлаштириш методлари</u>:***

- оғзаки баён,
- суҳбат,
- китоб билан ишлаш,
- мунозара,
- лаборатория иши ва ҳ.к.

***<u>эгалланган билимларни мустаҳкамлаш методлари</u>:***

- машқ,
- амалий иш ва ҳ.к.

➢ ***<u>оғзаки методлар</u>***:

- ***тушунтириш*** – объект, ҳодиса ва тушунчаларнинг белгилари ва қонуниятларини шарҳлаш;
- ***ҳикоя*** – материални тавсифий шаклда нутқий, изчил баён этиш;
- ***маъруза*** – ҳажмдор материални нутқий баён этиш;
- ***суҳбат*** – ўрганилган ёки янги материални “савол-жавоб” сўзлашуви йўли билан тушунтириш ёки баҳолаш;
- ***баҳс-мунозара*** – муайян муаммо бўйича ўзаро фикр алмашиш ва ҳ.к.

➢ ***<u>кўрсатмали методлар</u>:***

- ***намунавий мисол келтириш*** – харита, фотосурат, расм, чизма ва ҳ.к. ёрдамида жараён ёки ҳодисанинг рамзий белгиларини кўрсатиш;
- ***намойиш қилиш*** – ҳодисанинг ўзгариш суръатини, нарсанинг ташқи кўриниши ва ички тузилишини очиб кўрсатиш;
- ***видеометод*** – атроф-муҳитдаги ҳодисаларни мультимедиа воситасида намойиш этиш ва ҳ.к.

➢ ***<u>амалий методлар</u>:***

- ***лаборатория иши*** – махсус ускуна ва жиҳозлардан фойдаланиб, мустақил илмий-тажриба ўтказиш;
- ***амалий иш*** – олинган билимларни амалиётда қўллаш кўникмасини шакллантириш;
- ***машқ*** – ўқув ҳаракатларини қайта-қайта бажариш;
- ***ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати*** – ўқув амалиётини ўташ.

**Таълим методлари**

***билиш фаолияти табиатига кўра:***

- ***тушунтириш-мисол келтириш методи*** – ўқитувчи турли воситалар ёрдамида тайёр ахборотни билдиради, ўқувчи уни идрок этади, англайди ва эсда сақлайди;
- ***қайта тиклаш методи*** - ўқитувчи ахборотни тайёр кўринишда тушунтиради, ўқувчи уни ўзлаштиради ва қайта тиклайди, хотирлайди;
- ***муаммоли-баён методи*** – ўқитувчи вазифаларни ўртага қўяди ва ўзи ҳал этади, ўқувчи тайёр билимларни, хулосаларни қабул қилади, англайди ва ўқитувчининг фикрий ҳаракати ва исботлаш мантиғини кузатиб боради;
- ***қисман-изланиш (савол-жавоб) методи*** – ўқитувчи ўқувчини излаш амалларини бажаришга жалб этади, ўқувчи топшириқни қисман мустақил бажаради;
- ***тадқиқий метод*** – ўқувчининг билимларни ижодий излаши (билимини орттириш, нарса ёки ҳодисани текшириш, хулоса қилиш, олган билими ва кўникмасини амалда қўллашга ўрганиш)

***ўқув-билиш фаолияти тузилмасидаги ўрнига кўра:***

- фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш методлари;
- фаолиятга ёрдам бериш ва рағбатлантириш методлари;
- фаолият самарадорлиги ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари.


Таълимни ташкил қилиш шакллари -
муайян тартиб ва усуллар асосида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг баҳамжиҳат амалга ошириладиган ташқи кўринишлари
ўқувчилар сонига кўра:
жамоавий, гуруҳли ва якка тартибли шакллар
ўқув машғулотлари давомийлигига кўра:
45 дақиқалик, 90 дақиқалик ва ҳ.к.
ўқиш ўрнига кўра:
таълим муассасаси ва ундан ташқари шакллар
Таълимнинг ноанъанавий шакллари
Таълимнинг бошқа ташкилий шакллари:
экскурсиялар;
ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари;
семинарлар;
факультатив машғулотлар;
маслаҳатлар;
қўшимча машғулотлар;
уйдаги ўқув ишлари.
Таълимни ташкил қилишнинг асосий шакли –
синф - дарс шакли
Синфдан (аудиториядан) ва таълим муассасасидан ташқари машғулотлар:
тўгараклар;
клублар;
олимпиадалар;
танловлар;
ўйинлар;
кўргазмалар ва ҳ.к.
Таълимнинг ташкилий шаклларига қўйилган умумий талаблар

## Дарс - таълимнинг асосий шакли

### Замонавий дарсга қўйилган асосий талаблар:

- шахс ривожланишини қўллаб-кувватлаш ва фаоллаштириш
- дарсда дидактик тамойиллар ва қоидаларнинг ўзаро уйғун нисбатини таъминлаш
- ўқувчилар қизиқиши ва лаёқати асосида билиш фаолиятига зарурий шароитлар яратиш
- ўқувчилар англайдиган даражада фанлараро алоқадорлик ўрнатиш
- ўқувчининг ривожланиш даражаси ва олдин ўрганган билими ва кўникмаларига таяниш
- дарсни пухта режалаш ва лойиҳалаштириш

- дарсни фаннинг энг янги ютуқлари, илғор педагогик технологиялар ва педагогик қонуниятлар асосида ташкил этиш
- ўқув-тарбиявий фаолият босқичлари мантиқийлиги ва жўшқинлигини таъминлаш
- педагогик воситалардан самарали фойдаланиш
- ўқувчининг шахсий тажрибасига, ҳаёт, ишлаб чиқариш фаолиятига таяниш
- билим, кўникма ва малакаларни, тафаккур ва фаолиятнинг тўғри усулларини шакллантириш
- ўқиш ва билимлар ҳажмини доимий кўпайтириб боришга эҳтиёжни шакллантириш

## Дарснинг асосий турлари:

**Аралаш дарс:**

- ўқувчилар билимлари (уйга берилган топшириқлар) пухталигини текшириш;
- ўқитувчининг ўқувчилар билан янги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши бўйича биргаликдаги ҳаракати (янги мавзуни ўрганиш);
- ўрганилган материлни мустаҳкамлаш ва машқлар бажариш;
- билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилишини баҳолаш (ёки балл қўйиш);
- уйга берилган топшириқлар юзасидан кўрсатмалар бериш.

**Янги билимларни эгаллаш дарси (маъруза дарс)**

**Кўникма ва малакаларни шакллантириш дарси (амалий дарс)**

**Билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарси**

**Билимларни умумлаштириш ва тартибга солиш дарси**

**Назорат-синов дарси**

**Ноанъанавий дарс –** ўқувчиларда ўқув меҳнатига қизиқишни вужудга келтириш ва уни сақлаб қолишга йўналтирилган ноанъанавий тузилмали ўқув машғулоти.

**Ноанъанавий дарсларнинг турлари:** маъруза дарси; семинар дарси; ўйин дарслари (мусобақа, аукция, танлов ва ҳ.к.), маслаҳат дарси; экскурсия дарси; синов дарси; амалий ўйин дарслари (“суд”, конференция, матбуот анжумани); билоғонлар дарси; ижодиёт дарси; ижодий ҳисобот дарси; компьютер дарси; умумлаштириш дарси; хаёлиёт дарси; концерт дарси; театрлаштирилган дарс; фанлараро дарс.

## Таълим жараёнини ташкил қилиш воситалари -

*ўқув жараёни мақсадига эришишда фойдаланиладиган материаллар ва “қуроллар”; билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда ўқувчи ва ўқитувчи томонидан фойдаланиладиган моддий ёки мукаммал объектлар*

ахборот манбаи сифатидаги мукаммал воситалар

ўқув материалини ўзлаштириш қуроли сифатидаги моддий воситалар

**Таълим воситаларининг турлари:**

- **ўқув-методик ҳужжатлар**: ДТС; ўқув режаси; ўқув дастури; дарслар жадвал; амалиёт дастури; ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ва ҳ.к.;
- **машғулотнинг дидактик воситалари**: табиий объектлар (модель, макет ва ҳ.к.); кўрсатмали воситалар (чизма, расм, фотосурат, диаграмма ва ҳ.к.); географик хариталар; шартли белгилар мажмуи (нота, математик ишора, географик шартли белги ва ҳ.к.); техник воситалар (диапроектор, магнитофон, видеомагнитофон, асбоб-ускуналар, телевизор, компьютер ва ҳ.к.); лаборатория жиҳозлари (пробирка, кимёвий реактив, микроскоп ва ҳ.к.); ўқув-компьютер дастурлари; машқ мосламалари ва қурилмалари, технологик хариталар ва ҳ.к.;
- **ўқувчилар учун таълим воситалари**: дарслик (электрон дарслик), ўқув қўлланма; ўқиш китоби; маълумотнома; машқ ва масалалар тўплами; чизмалар тўплами; касбга ўргатиш бўйича қўлланмалар ва ҳ.к.;
- **ўқитувчилар учун дидактик воситалар**: психология, педагогика ва хусусий методика; ўқув-услубий мажмуалар, услубий ишланмалар ва ҳ.к.

**I. Таълим жараёнини ташкил қилиш воситалари**:

- ***ахборот воситалари*** - дарслик, ўқув қўлланма; илмий китоб ёки журнал; ёрдамчи адабиёт, жадвал, харита; фоторасм, плакат; ўқитувчи сўзи;
- ***услубий воситалар*** - ўқув режаси, ўқув дастури; услубий ишланма; электрон дарслик ёки қўлланмалар; ўргатувчи модуллар; назорат топшириқлари; ўз-ўзини назорат қилиш саволлари;
- ***техник воситалар*** – ўқув-техника воситалари; умумий ва махсус жиҳозлар.

**II. Таълим жараёнини бошқариш воситалари:**

- топшириқлар бериш;
- рағбатлантириш;
- вақт ва иш меъёрларини белгилаш;
- кўрсатмалар бериш;
- қоидаларни тушунтириш;
- иш тартибларини тушунтириш;
- ўқиш технологияларини тушунтириш;
- қарорлар қабул қилиш;
- маслаҳатлар бериш;
- тавсиялар этиш.

**дидактик аҳамияти** – ўқув материалининг ўзлаштирилишини тезлаштириш


Таълим сифати -
таълимнинг ижтимоий тизим, жараён ва натижа сифатида шахс, жамият ва давлат эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқлиги; инсон камолоти эҳтиёжларини қондириш имкониятини таъминловчи таълим хизматларининг истеъмол хусусиятлари мажмуи
Таълим сифатини аниқловчи асосий омиллар:
таълим муассасасининг интеллектуал-маънавий салоҳияти
педагоглар таркиби
ўқувчи-битирувчилар
ўқув-методик таъминот
моддий-техник таъминот
Таълим сифатини педагогик ташхислаш тамойиллари:
адолатлилик
мунтазамлик
кўргазмалилик

## Педагогик назорат -

- *педагогик жараённинг таркибий ва якунловчи қисми;*
- *ўқувчиларда билим ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш*

***Назоратнинг вазифалари*:**
таълимий; тарбиявий; ривожлантирувчи; йўналтирувчи; услубий; ташхислаш; истиқболни режалаштириш

### Назорат турлари ва изчиллиги:

- ***ўқувчилар билим даражасини олдиндан аниқлаш*** - ўқув йили бошида, курс ёки бўлимни ўрганишдан олдин;
- ***жорий текшириш (назорат)*** - ҳар бир мавзуни ўрганишда билимларнинг ўзлаштирилиши;
- ***оралиқ текшириш (назорат):*** мавзуий - муайян мавзулар ўрганилгандан кейин билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши;
- ***даврий*** - бўлим ёки катта мавзу бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши;
- ***якуний текшириш (назорат)*** - чорак (семестр) ва ўқув йили охирида эришилган таълим олганлик даражаси ташхиси.

### Назорат қилиш методлари –

ўқув жараёни ҳақида маълумот олишга, унинг самарадорлигини рўёбга чиқаришга имкон берадиган ташхисий фаолият услублари:

- **оғзаки назорат** – савол-жавоб шаклидаги сўров (ёппасига, гуруҳли, якка тартибда), суҳбат, синов, оғзаки имтиҳон, матнни ўқиш;
- **ёзма назорат** – назорат иши, диктант, баён, иншо, реферат, тест, ёзма синов ва имтиҳон;
- **амалий назорат** – амалий ва лаборатория ишлари, илмий-тажриба ва синов ишлари, масалалар ечиш, чизма ва хариталар чизиш, асбоб-ускуналар ясаш ва ҳ.к.;
- **дастурлаштирилган назорат** - компьютердан фойдаланган ҳолда;
- **рейтинг назорати** - ўқувчилар билим савияси ва ўзлаштириш даражаси кўрсаткичларини жорий (оғзаки сўров, тест, суҳбат, назорат иши, уй вазифасини текшириш), оралиқ (ёзма ва оғзаки сўров, тест) ва якуний (таянч тушунча ва ибораларга асосланган "ёзма иш") аниқлаш ва баҳолаш.

***Текшириш*** (билим ва кўникмаларни аниқлаш) ҳамда ***баҳолаш*** жараёнлари, уларнинг бирлиги.

### *Назорат қилиш шакллари*:

- оммавий назорат қилиш;
- гуруҳни назорат қилиш;
- якка тартибда назорат қилиш;
- ўз-ўзини назорат қилиш.

**Ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолашга қўйилган педагогик талаблар**

***Ўзлаштириш*** - ДТСда (ўқув дастурида) белгиланган ва ўқувчи амалда эгаллаган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ўртасидаги нисбатни ифодаловчи таълим самарадорлиги кўрсаткичи.

***Ўзлаштириш кўрсаткичи***: Б = А Т * 100 % (Б – ўзлаштириш баҳоси; А – амалда ўзлаштирилган билим, кўникма, малакалар ҳажми; Т – ўзлаштириш учун таклиф этилган билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ҳажми).

***Баҳо*** – ўқувчилар ўқишини рағбатлантириш ва унга таъсир кўрсатиш воситаси.

***Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари***:

5 баллик тизимда:

- “5” баҳо - тўлиқ эгаллаган;
- “4” баҳо – етарли даражада эгаллаган;
- “3” баҳо – етарли даражада эгалламаган;
- “2” баҳо – эгалламаган;

100 баллик тизимда:

- “5”баҳо – 100-85 балл тўплаган;
- “4” баҳо – 84-70 балл тўплаган;
- “3” баҳо – 69-55 балл тўплаган;
- “2” баҳо – 54-0 балл тўплаган.

***Ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолашга қўйилган педагогик талаблар*****:**

- ҳар бир ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолаш;
- ўқувчининг ўзлаштириш назоратини бутун таълим жараёни давомида мунтазам ўтказиш;
- назорат ва баҳолашни хилма-хил шаклларда ўтказиш;
- ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни тўлиқ қамраб олиш;
- ўқувчилар ўзлаштиришини адолатли баҳолаш;
- ўзлаштиришни ҳисобга олишнинг турли методикасини табақалаштирилган ҳолда қўллаш;
- ўзлаштиришни ҳисобга олишда барча ўқитувчилар талаблари бир хиллигини таъминлаш.

# III БЎЛИМ

# АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ

**Касб-ҳунар таълими – ўқувчиларни касбга тайёрлаш мазмуни**

**Назарий касбий таълим**
**(назарий тайёргарлик)**

**Амалий касбий таълим**
**(амалий тайёргарлик)**

***Назарий ўқув фанлари (курслари) мажмуи:***

- **Умумий технология**
- **Махсус технология**
- **Технологик техника**
- **Тармоқ иқтисодиёти**
- **Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш**
- **Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси**
- **Тармоқ экологияси**

***Ўзаро узвийлашган амалиёт турлари мажмуи:***

- **Махсус фанлар бўйича амалий-лаборатория машғулотлари**
- **Бир ёки бир неча махсус технология фанлари бўйича ўқув амалиёти**
- **Ишлаб чиқариш (технологик) амалиёти**
- **Диплом олди ишлаб чиқариш амалиёти**

**Битирув малакавий (диплом) иши**

## Амалий касбий таълим жараёнининг дидактик моҳияти




Амалий касбий таълим жараёнининг таркибий қисмлари
Амалий касбий таълим жараёнининг мазмуни
Ўқувчилар томонидан касб бўйича меҳнат фаолиятни бажаришга оид амалий билим, кўникма ва малакалар мажмуининг эгалланиши
Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш
Меҳнат жараёнини режалаштириш
Меҳнат жараёнини амалга оширишга тайёргарлик кўриш
Меҳнат жараёнини амалга ошириш
Меҳнат жараёнининг бориши ва натижаларини назорат қилиш
Меҳнат жараёнига хизмат кўрсатиш

## Амалий касбий таълим жараёнининг таркибий қисмлари



## Амалий касбий таълим жараёнининг таркибий қисмлари

### Амалий касбий таълим воситалари:

**Ўқув-моддий жиҳозланиши:**

- дастгоҳлар,
- верстаклар,
- стендлар,
- ўқув-ишлаб чиқариш қуроллари,
- ўқув хоналари,
- машқ майдончалари,
- машқ мосламалари,
- машиналар,
- ишчи ва назорат- ўлчов асбоблари,
- хом ашё, материаллар ва ҳ.к.

**Ўқув-техник ҳужжатлар:**

- жиҳозлар паспортлари,
- ишчи чизмалар,
- иш тарзи ва йиғув чизмалари,
- технологик хариталар,
- технологик жараёнлар хариталари,
- иш сифатига техник талаблар,
- ишлаб чиқариш йўриқномалари

ва ҳ.к.

**Ўқувчилар учун ўқув қўлланмалар:**

- дарсликлар,
- ўқув қўлланмалари,
- маълумотнома лар,
- стандартлар ва меъёрлар жадваллари,
- амалий-лаборатория ишларини бажаришга оид кўрсатмалар,
- илғор иш усуллари хариталари

ва ҳ.к.

**Машғулотнинг дидактик воситалари:**

- йўриқномалар,
- йўриқли технологик хариталар,
- кўп содир бўлувчи хатоликлар ва уларни бартараф этиш усуллари жадвали,
- кўрсатмали қуроллар,
- таълимнинг техник воситалари,
- материаллар ва тайёр маҳсулот намуналари ва б.

**Усталар учун методик қўлланмалар:**

- амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва унинг методикаси бўйича кўрсатма ва қўлланмалар,
- хусусий методика,
- методик ишланмалар,
- ёрдамчи қўлланмалар,
- илғор тажрибаларга оид методик тавсиялар ва ҳ.к.


Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш –
– амалий касбий таълим жараёнининг асосий мақсади
Ўқувчилар касбий маҳорати мезонлари – кўрсаткичлари:
Ўқув-меҳнат фаолиятининг сифати
Юқори меҳнат унумдорлиги
Меҳнатнинг тўғри усулларини эгаллаши
Меҳнатнинг илғор (янги) усулларини эгаллаши
Меҳнат фаолиятининг иқтисодий-экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги
Техник маданияти
Меҳнатдаги мустақиллиги
Меҳнатга ижодий ёндашиши
Меҳнат маданияти

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Ўқув-меҳнат фаолиятининг сифати**

- **Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини оқилона, педагогик асосланган ҳолда танлаш.**
- **Ўқувчиларнинг амалий касбий таълимини юқори даражада ўқув-моддий жиҳозлаш.**
- **Ўқувчиларнинг сифатли меҳнатини оқилона ташкил қилиш ва унга ўргатиш методикасини жорий этиш.**
- **Ўқувчиларга ўз-ўзини назорат қилиш усулида таълим бериш, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларида ўзаро ва жамоатчилик сифат назоратини ташкил этиш.**
- **Нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини жорий этиш.**
- **Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари сифатини оширишда моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини қўллаш.**

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Юқори меҳнат унумдорлиги**

- **Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини меъёрлашни педагогик жиҳатдан тўғри белгилаш.**
- **Ўқитувчи-касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга иш вақтидан оқилона фойдаланишга қаратилган йўл-йўриқлар бериш.**
- **Ўқувчиларнинг ўз ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати унумдорлигини ошириш йўлларини мустақил излаб топишига йўналтирилган махсус топшириқларни бажариш.**
- **Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда вақтни тежашга имкон берувчи юқори унумли технологияларни кўп қўллаш.**
- **Амалий касбий таълимни ташкил этишда гуруҳли шаклларни кенг жорий этиш.**

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Меҳнатнинг тўғри усулларини эгаллаши**

- **Касб-ҳунар асосларини дастлабки эгаллаш жараёнида меҳнатнинг тўғри усулларини пухта ўрганиш.**
- **Касб-ҳунар асосларини йўриқ хариталарни қўллаш орқали ўрганиш.**
- **Ўқитувчи-касб таълими устасининг амалий касбий таълим босқичлари давомида ўқувчиларнинг меҳнат усулларини тўғри қўллашига доимий талабчанлиги.**
- **Ўқувчиларда ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатининг тўғри усулларини шакллантиришда машқ қилиш аппаратлари ва жиҳозларидан самарали фойдаланиш.**
- **Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати усулларини тўғри бажаришига уларнинг амалий тайёргарлигини баҳолаш мезонларидан бири сифатида қараш.**

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Меҳнатнинг илғор (янги) усулларини эгаллаши**

- ❖ **Амалий касбий таълимнинг дастлабки босқичларидан бошлаб ўқувчиларга эгаллаши мумкин бўлган энг илғор меҳнат усулларини ўргатиш .**
- ❖ **Меҳнатнинг илғор усулларини эгаллашга имкон берувчи ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлаш.**
- ❖ **Ўқувчилар билан меҳнатнинг янги, илғор усулларини эгаллаш бўйича махсус машқлар ташкил қилиш.**
- ❖ **Ўқувчиларнинг корхонадаги малакали ишчи ёки мутахассис иш ўринида меҳнатнинг илғор усулларини бевосита ўрганишини ташкил этиш.**
- ❖ **Машқ қилиш аппаратлари ва жиҳозларида меҳнатнинг илғор усулларини бажариб кўриш.**

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Техник маданияти**

- **Амалий касбий таълим жараёнини назария ва амалиётнинг ўзаро узвий алоқадорлигида ташкил этиш, ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнида ўз билимларини амалда қўллашини рағбатлантириш, ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатида ўқувчиларнинг онглилик даражасини ошириш.**

- **Юқори технологик интизомга амал қилиш шарт-шароитларини яратиш.**

- **Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини илғор, замонавий технологияли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқиш жараёнида ташкил қилиш.**

- **Янги, замонавий жиҳозлар ва ускуналарнинг технологик имкониятларидан унумли фойдаланишга имкон берувчи ўқув-ишлаб чиқариш ишлари технологиялари ва тартиботини танлаш.**

- **Ўқувчиларнинг замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириши бўйича махсус машқлар ташкил этиш (ҳаракатли жиҳоз-ускуналар ёки машқ қилиш аппаратларида).**

**Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари**

**Меҳнатдаги мустақиллиги**

- **Ўқувчиларни ишлаб чиқариш жараёнида мустақил қарор қабул қилиш талаб этиладиган шароитларга (вазиятларга) тушириш.**
- **Хилма-хил ишлаб чиқариш вазиятларида ўқувчиларнинг мустақил қарор қабул қилиши учун махсус машқлар бажаришини ташкил этиш.**
- **Ўқувчилар билан ишлаб чиқаришга оид иш ўйинларини ўтказиш.**
- **Ўқувчиларни машғулотлар ва уй вазифаларини бажариш жараёнида ташхислаш ва башоратлашга оид технологик топшириқларни ечишга йўналтириш.**
- **Ўқувчиларни ишларнинг бориши ва натижалари бўйича ўз-ўзини мунтазам назорат қилишига ўргатиш.**
- **Ўқувчиларни жорий хатоликлар, қийинчиликлар ва иш натижалари таҳлилига, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш йўлларини биргаликда излашга жалб қилиш.**

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Меҳнатга ижодий ёндашиши**

- **Ўқувчиларни билим ва кўникмаларини ижодий қўллаш шароитларига мумкин қадар тез-тез тушириш.**
- **Амалий касбий таълимнинг фаол шакллари ва усуллари: суҳбат, мунозара, технологик топшириқларни ечиш, ўқувчиларнинг ихтирочилик таклифларини муҳокама этиш, уларнинг технологик жараёнларни мустақил ишлаб чиқиши ва шу кабиларни кенг жорий этиш.**
- **Ўқувчиларни ижодий мазмундаги топшириқларни бажаришга жалб этиш: носозликларни қидириш, ихтирочилик, мосламалар конструкцияси, модернизация, технологияларни такомиллаштириш ва ҳ.к.**
- **Ўқувчиларнинг ижодий ютуқларини кенг намойиш этиш; ўқувчилар ижодий фаолияти бўйича тажриба алмашинувини ташкил этиш.**

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Меҳнат маданияти**

- **Ўқувчиларни ўз ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини батафсил режалаштиришга ўргатиш.**
- **Ўқувчиларда меҳнат ва иш ўринларини тўғри ташкил этиш одатини шакллантиришга доимий эътибор қаратиш.**
- **Ўқувчиларда ишлаб чиқариш эстетикаси, саришталик, виждонлилик, шараф ва ғурур, касбий нафосат фазилатлари ва меҳнат жараёнида ўзаро мулоқот маданиятини шакллантириш.**
- **Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатида хавфсиз шарт-шароит яратиш.**
- **Ўқувчиларга ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда хавфсизлик қоидалари ҳақида мунтазам йўриқлар бериб бориш.**
- **Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари жараёнида ўқувчиларнинг хавфсизлик қоидаларига амал қилишини мунтазам назоратга олиш.**

## Ўқувчиларда касбий маҳорат асосларини шакллантириш йўллари

**Меҳнат фаолиятининг иқтисодий-экологик мақсадга мувофиқлиги**

- **Ўқувчиларда бажараётган меҳнат фаолиятини иқтисодий-экологик таҳлил этиш қобилиятини шакллантириш.**
- **Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларида иқтисодий-экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ технологияларни танлашини рағбатлантириш.**
- **Ўқувчиларни бажараётган меҳнат жараёнларини иқтисодий-экологик асослашга, имкони бўлган иқтисодий-экологик ҳисоблашларни бажаришга, ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг иқтисодий-экологик жиҳатдан қулай ва хавфсиз усулларини қўллашга ўргатиш.**
- **Ўқувчиларда касбий иқтисодий ва экологик маданиятни шакллантириш.**

## Касбий билим, кўникма ва малакалар

**Касбий билим** – инсоннинг касбий билиш фаолияти натижаси; *меҳнат фаолияти* учун зарур бўлган маълумотлар; касбий қонуниятлар ва қонунлар, шунингдек меҳнат фаолияти усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши, муайян тизимга солиниши ва хотирада мустаҳкамланиши. Назарий ва амалий касбий билимлар фарқланади.

**Касбий кўникма** – инсоннинг ўзида мавжуд бўлган касбий билимлари асосида амалий *ҳатти-ҳаракатларни* бажариш усули; иш шароитида мўлжал олиш, зарур усуллардан фойдаланиш ва қўйилган вазифани ечиш учун *ҳаракатларни бажаришга тайёрлик* қобилияти. Касбий кўникмалар шаклланганлик нуқтаи назаридан бошланғич, оралиқ ва тугал даражаларга бўлинади.

**Касбий малака** – инсоннинг касбий фаолиятни, унинг айрим таркибий қисмларини *автоматлашган тарзда* моҳирлик билан бажариш қобилияти; касбий кўникмаларни кўп марта такрорлаш ва машқ қилиш натижасида одат тусига кириб қолган иш услуби. Меҳнат фаолиятининг автоматлашуви қанча юқори бўлса, малака даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Тугал касбий кўникмалар – касбий малаканинг бошланғич даражаси. Юқори касбий маҳорат - кичик мутахассиснинг ишлаб чиқаришдаги бевосита касбий фаолияти жараёнида эгалланади.

### Касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ўзаро боғлиқлиги



**Касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда технологик ва меҳнат жараёнлари**

***Технологик жараён*** – моддий ва номоддий ишлаб чиқаришда муайян моддий ёки маънавий маҳсулот олиш жараёни.

***Меҳнат жараёни*** – технологик жараёнлар билан боғланган инсон фаолияти. У бир-бирига узвий бўйсунувчи қуйидаги даражаларга бўлинади:

технологик жараённинг алоҳида ўзига хос жиҳатларига мос келувчи айрим ақлий ва жисмоний ҳатти-ҳаракатлардан иборат ***амал даражаси***

технологик жараённинг ўзига хос жиҳатларига мос келувчи айрим амаллардан иборат хусусий мақсадли ***усул даражаси***

технологик жараёнга мос келувчи айрим усуллардан иборат ***жараён даражаси***

Касбий кўникма ва малакаларни қайси бир даража билан боғлаб, қолганлари билан боғламаслик мумкин эмас. Масалан, жараён даражасини бажариш қобилиятини “малака” деб, ҳатти-ҳаракат ёки усулларни бажариш қобилиятини “кўникма” деб аташга ҳеч қандай асос йўқ.

Касбий кўникма ва малакалар меҳнат фаолиятининг “***амал-усул-жараён***” даражалари ўзлаштирилган пайтдагина шаклланади.

**Касб-ҳунар коллежларида амалий касбий таълим жараёнида қуйидагича йўл тутилади:**

- даставвал ҳатти-ҳаракатларнинг мўлжалли асослари яратилади;
- кейин ибтидоий кўринишдаги бир қатор таянч меҳнат жараёнлари ўзлаштирилади;
- сўнг ўзлаштирилган меҳнат жараёнлари мукаммаллаштирилади ва янгилари ўзлаштирилади;
- сўнгра меҳнат жараёнлари секин-аста мураккаблаштирилади ва бир-бирига уйғун боғлиқ ишлар бажарилади.

## Ҳаракатнинг мўлжалли асослари (ҲМА)




| ҲМА турлари | ҲМА моҳияти | Касбий таълим жараёни хусусияти |
|---|---|---|
| 1-тури | Фақат ҳаракат ва унинг маҳсули намунаси асосида мўлжал олиш. | «Намуна ва хато» усулидаги таълим |
| 2-тури | Ҳаракат ва унинг маҳсули намунаси, шунингдек “ҳаракатни қандай тўғри бажариш керак” йўриғи асосида мўлжал олиш. | «Мен бажаргандай бажар», «Йўриқномада кўрсатилганидек бажар» қабилидаги таълим |
| 3-тури | Ҳаракатни бажариш усуллари ва воситаларини мустақил излаш (ўқитувчи-касб таълими устаси раҳбарлигида мўлжал олиш) | «Ўйлаб кўр ва ўзинг бажар» қабилидаги таълим |



**Амалий касбий таълимни махсус фанлар билан ўзаро боғлаш йўллари**

**Махсус фанлар:**

- Ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти мазмуни ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда махсус фанлар бўйича ўқув материалларини танлаш ва уларни ўрганишни режалаштириш. Бунда назарияни амалиётдан олдин ўрганиш таъминланиши зарур.
- Махсус фанларни ўрганишда ўқув-ишлаб чиқариш амалиётига оид аниқ мисоллардан фойдаланиш; технологик мавзуларни хусусан, «бинар» машғулотларни бевосита лаборатория ва устахоналарда ташкил қилиш.
- Ўқувчиларда махсус фанларни ўрганиш жараёнида назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилувчи шакл ва методлардан фойдаланиш: амалий-лаборатория ишлари; ишлаб чиқариш хужжатлари ва маълумотномалар билан ишлаш; технологик хариталар тузиш; чизмаларни ўқиш ва тушуниш; мосламаларни конструкциялаш ва ҳ.к.

**Амалий касбий таълим:**

- Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларнинг махсус фанлардан олган билимларини эътиборга олиб кириш йўриқномалари учун материаллар танлаш.
- Ўқувчиларнинг махсус фанлар бўйича ўзлаштирган билимларидан турли хил мустақил ишларни бажариш жараёнида фойдаланиш.
- Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида махсус фанлардан олинган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилувчи турли хил машқларни бажариш: техник ҳисоблашлар; ишлов бериш, йиғиш ва таъмирлаш жараёнларини ишлаб чиқиш; иш тартибларини танлаш; жадваллар, стандартлар, меъёрлар ва ҳисоблаш формулалари ва шу кабилардан фойдаланиш.

**Амалий касбий таълим жараёни тамойиллари:**



# IV БЎЛИМ

# АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


Амалий касбий таълим методлари -
ўқитувчи (касб-таълими устаси) билан ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолият усуллари бўлиб, улар ёрдамида ўқувчилар томонидан касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилишига эришилади, уларда касбий маҳорат асослари шакллантирилади, меҳнатга муносабат, қараш ва эътиқодлар тарбияланади, ақлий ва жисмоний кучлар ҳамда ижодий қобилиятлар ривожлантирилади.
Оғзаки методлар:
Кўрсатмали методлар:
Амалий методлар:
Тушунтириш ҳикоя,
Суҳбат
Ёзма йўриқнома ҳужжатларини қўллаш
Техник адабиётлар ва ҳужжатлар билан ишлаш
Меҳнат усуллари ва жараёнларини намойиш этиш
Кўрсатмали қуролларни намойиш этиш
Таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш
Ўқувчиларнинг мустақил кузатиши
Машқлар
Амалий-лаборатория ишлари
Техник-ишлаб чиқариш топшириқларини ечиш
Иш (ишлаб чиқариш) ўйинлари

**Тушунтириш методи -** *касбий объект, ҳодиса ва жараёнларнинг қонуниятлари ва тушунчаларнинг белгиларини шарҳлаш*

**Тушунтириш мазмуни ва методикасининг хусусиятлари**

- Бошқа методлар ва методик усуллар билан уйғунлиги
- Мазмуннинг тадбиқий, амалий хусусияти
- Сабаб-оқибат боғланишларини очиб бериши, исбот қилиши ва асослилиги
- Мазмунни ифода этишнинг аналитик-синтетик хусусиятлари, мантиқан тўғрилиги
- Мавзунинг баёни жараёнида ўқувчилар фаоллигини ошириши
- Жумлаларнинг қисқа ва аниқлиги, йўриқли кўрсатма ва тушунтиришлар

**Ўқитувчи-касб таълими устаси нутқига қўйилган талаблар**

- Адабий ва техник саводхонлиги
- Овозни бошқара олиши (оҳанг баландлиги, талаффузи)
- Жонли сўзлашиш оҳанги
- Нутқнинг ҳиссиётга бойлиги
- Мақсадли имо-ишоралар
- Энг мақбул овоз баландлиги ва тезлиги
- Ифода этишнинг аниқлиги, сўзлаш «софлиги»
- Овоз баландлиги ва тезлигини ўзгартира олиши
- Ўзини тутиш ҳолатларининг табиийлиги
- Тиним ва маъноли эътиборни ўрнида қўллай олиши



**Машғулотда тушунтириш методининг қўлланилиши**
(Жиззах вилоятидаги Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи. “Ветеринария” йўналиши. Махсус фан ўқитувчиси - Х.Тотлибоев)




**Машғулотда ҳикоя методининг қўлланилиши**
**(**Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи. «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш» йўналаши. Махсус фан ўқитувчиси – М.Ғозиев)

**Суҳбат методи -**

*ўрганилган ёки янги материални “савол-жавоб” сўзлашуви йўли билан баҳолаш ёки тушунтириш бўлиб, ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш ишлари муҳокамасига фаол жалб этиладилар*

**Кириш йўриғи:**

- *ўқувчилардан махсус фанлар ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти бўйича олдин ўрганилган материалларини сўраш;*
- *ўқувчиларга меҳнат усуллари ва жараёнларини кўрсатиш ҳамда тушунтириш давомида саволлар бериб бориш;*
- *ўқувчиларнинг берилган саволларга жавоблар қайтариши;*
- *ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш усуллари ва технология-ларининг турли кўринишларини биргаликда жамоа бўлиб муҳокама этиш;*
- *кириш йўриғи материалларининг ўзлаштирилиш сифатини текшир-иш мақсадида ўқувчилардан сўраш.*

**Жорий йўриқ:**

- *ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариши давомида берган саволларига жавоблар қайтариш;*
- *ўқувчилар томонидан иш усулларининг онгли равишда қўлланилишини назорат қилиш;*
- *ўқувчиларни хатоликлар ва қийинчиликлар сабабларини англашга, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усулларини аниқлашга йўллаш;*
- *ўқув-ишлаб чиқариш ишини бажаришнинг турли вариант-ларини биргаликда муҳокама этиш;*
- *топшириқлар бажарилишининг жорий ва якуний таҳлили.*

**Якуний йўриқ:**

- *машғулотнинг ўқув ва ишлаб чиқариш якунларини жамоа бўлиб муҳокама этиш;*
- *ўқувчиларни бажарилган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўз-ўзини таҳлил этиш ва баҳолашга ўргатиш;*
- *машғулотда ўқувчилар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган ютуқларни таҳлил қилиш;*
- *уйга берилган топшириқларни бажариш усуллари ва мазмунини кўриб чиқиш.*


Суҳбат ўтказишда фойдаланиладиган саволлар гуруҳлари
Суҳбатга оид саволлар гуруҳлари:
Назарий билимларни амалда қўллашга оид саволлар
Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш усуллари ва воситаларини аниқлашга оид саволлар
Носозликлар, нуқсонлар, бузилишлар ва шу кабиларни излашга оид саволлар
Носозликлар ва нуқсонлар сабабларини тушуниш, уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш йўлларини излашга оид саволлар
Ҳаракатлар, жараёнлар ва усуллар оқибатларини тушунишга оид саволлар
Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш усуллари ва воситаларини танлашга, таққослашга, қиёслашга оид саволлар
Фанлараро алоқаларни ўрнатиш ва излашга оид саволлар

**Машғулотларда суҳбат ўтказиш йўл-йўриғи методикаси масалалари**

- Савол, қоидага биноан, бутун гуруҳга берилади, сўнгра, бир оз вақтдан кейин жавоб бериш учун маълум бир ўқувчи чақирилади.
- Бир пайтнинг ўзида бир неча савол бериб бўлмайди - бу ўқувчилар фикрини тарқоқ қилади.
- Ўқувчиларнинг бир-бирига ва ўқитувчи-касб таълими устасига берган саволлари рағбатлантирилади.
- Саволларга хоҳиш бўйича жавоб бериш таклиф этилади; ўқувчиларга тез-тез ўйлаб кўриш, ўртоғининг жавобини баҳолаш, жавоблардаги хатоларни тузатиш, ўз фикрини айтиш каби таклифлар билан мурожаат қилинади.
- Суҳбат таълимнинг бошқа методлари - тушунтириш, усулларни кўрсатиш, кўрсатмали қуролларни намойиш этиш, кузатиш ва шу кабилар билан қўшиб олиб борилади.
- Фақат фаол ўқувчилар жавобини тинглаш билан чегараланиб қолинмайди, суҳбатга бошқалар ҳам жалб этилади. Суҳбатда барча доимо фаол бўлишига эришиш лозим.

- Машғулотларда «табиий ноаниқлик»ни кенг қўллаш: ишларнинг энг мақбул тартибини танлаш ва ҳисоблаш, иш қуроллари ва мосламалари ҳамда технологияларнинг энг яхши вариантларини танлаш, асосий йиғиш чизмаларини тузиш ва ҳ.к.
- Суҳбат чоғида ўқувчилар диққатини муҳокама этилаётган ўқув материали моҳиятини ташкил этувчи асосий боғловчи далилларга, ҳолатлар ва хулосаларга қаратиш; натижада ўқув материалларининг нисбатан кўпчилик ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва уларга тушунарли бўлишига эришиш.
- Умумий тусдаги тушунтириш ва жавоблардан қаноат ҳосил қилмаслик керак; қўшимча саволлар бериш билан ўқувчилардан аниқ жавоблар олишга эришиш зарур.
- Ўқувчи жавоб беришда қийналаётган бўлса, бошқа ўқувчини чақиришга шошилмаслик керак; унга тушунарлироқ бўлган йўналтирувчи саволлар берган маъқул, тўғри жавобга яқинлаштирувчи маълум далилларни эслатиш ҳам мумкин.
- Суҳбат якунида албатта хулосалар чиқарилиши лозим.



**Машғулотда суҳбат методининг қўлланилиши**
(Наманган вилоятидаги Наманган ахборот технологиялари ва транспорт касб-ҳунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник–механик” йўналиши. Касб таълими устаси - Э.Миртоев)




**Машғулотда тушунтириш методининг қўлланилиши**
(Тошкент вилоятидаги Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи. “Тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технологи” йўналиши. Касб таълими устаси - Н.Сайфуллаева)

**Ёзма йўриқли ҳужжатларнинг асосий турлари:**

**Йўриқли хариталар:**

- меҳнат жараёнларини ўрганишда қўлланилади;
- меҳнат жараёнларини ташкил қилувчи меҳнат усулларини бажариш кетма-кетлиги, қоидаси, воситалари ҳамда назорат ва ўз-ўзини назорат усулларини ёритади.

**Йўриқли-технологик ва технологик хариталар:**

- мажмуий хусусиятга эга бўлган ишларни бажа-ришда қўлланилади;
- ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда технологик кетма-кетлик, изчиллик, техник талаб-лар ва меҳнатнинг мақбул усуллари ҳамда восита-ларини акс эттиради.

**Ўқув алгоритмлари:**

- ўқувчиларни мураккаб жиҳозларни созлаш, уларни ишга тушириш, носозликларга ташхис қўйиш ва хизмат кўрсатишга ўргатишда қўлланилади;
- ишларни турли вази-ятларда бажаришнинг аниқ қоидалари ва изчиллигини кўрсатади.

**Топшириқлар хариталари:**

- ўқувчиларга мураккаб ишлаб чиқариш шароитларида таълим беришда қўлланилади;
- мураккаб жиҳозлар-нинг вазифалари ва тузилишини ўрганишда, уларни ишга тушириш, созлаш ва хизмат кўрсатишга оид топши-риқларда, шунингдек йиғилган тажрибаларни умумлаштиришда фой-даланилади.

**Ёзма йўриқли ҳужжатларга қўйилган асосий талаблар:**

**Ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти дастурларига мос келиши.**

**Нисбатан мазмуний якунланганлиги-жараёнлар ёки тугалланган технологик жараёнларнинг муайян қисмларини акс эттириши**

**Шакли ва тузилишининг ҳар хиллиги; фойдаланишда қулайлиги**

**Аниқ ўқув-ишлаб чиқариш шароитларида намунавий тавсиялар ва қўллаш имкониятларига мослиги**

**Ўқувчилар ишига қўйилган ўқув-ишлаб чиқариш талабларининг аста-секин мураккаблашиб бориши**

**Йўриқли кўрсатмаларнинг аниқ, тушунарли ва техник саводли бўлиши**

**Кўрсатмалилик – йўл-йўриқ аҳамиятига эга бўлган чизмалар, расмлар, жадваллар билан намойиш этилиши**

**Иш усулларининг тўғри бажарилиши ва уларнинг сифат мезонлари акс эттириши; ўз-ўзини назорат усуллари ва хавфсизлик талабларининг ёритилиши**



**Машғулотда ёзма йўриқли ҳужжатларнинг қўлланилиши**
(Тошкент шаҳридаги Сергели политехника касб-ҳунар коллежи.
“Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник–механик” йўналиши.
Касб таълими устаси - Ш.Тўйчибоев).




**Машғулотда ёзма йўриқли хужжатларнинг қўлланиши**
(Тошкент вилоятидаги Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи.
“Тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технологи” йўналиши. Касб таълими устаси - Н.Сайфуллаева)

**Ёзма йўриқли ҳужжатларни қўллаш методикаси масалалари**

- ***Ҳар бир ўқувчини ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда йўриқли ҳужжатлар билан таъминлаш.***
- ***Кириш йўриғи асосий қисмининг мазмуни ва изчиллигини йўриқли тавсиялар, технологик хариталар ёки ўқув алгоритмлари билан мослаштириш.***
- ***Ёзма йўриқли ҳужжатлардан ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш усулларини кўрсатиш ҳамда тушунтириш жараёнида фойдаланиш.***
- ***Ўқувчиларни иш бошланишидан олдин ёзма йўриқ ҳужжатларини мустақил ўрганишга жалб қилиш.***

- ***Ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнида ёзма йўриқли ҳужжатлардан мустақил фойдаланишга ўргатиш.***
- ***Ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш шарт-шароитларининг ўзгаришини акс эттирувчи тузатишларни ёзма йўриқли ҳужжатларга киритишга жалб этиш.***
- ***Ўқувчиларни ёзма йўриқли ҳужжатларда баён қилинган тавсиялар асосида технологик жараёнларни мустақил режалаштиришга жалб қилиш.***

**Йўриқли харита (намуна)**

| **Йўриқли харита.** | ***Нивелирни иш ҳолатига келтириш, рейкадан саноқ олиш.*** |
|---|---|
| **Машқ бажариш:**<br>**1.Нивелирни иш ҳолатига келтириш.**<br>**2.Рейкадан саноқ олиш.** | **Асбоб-ускуналар, жиҳозлар:** ***нивелир, штатив (уч оёқ), нивелир рейкалари (таёқчаси), ўқув адабиётлари, дафтар, чизғич, қалам, ўчирғич.***<br>**Иш объекти:** ***ўқув-геодезик майдонча, нивелир станцияси, ишчи ва қоровул қозиқлар билан мустаҳкамланган нуқталар.*** |
| **Ишни бажариш тартиби** | **Йўриқли кўрсатма ва тушунтиришлар.** |
| ***1.Тайёргарлик ишлари***<br>***2.Нивелирни штативга маҳкамлаш (расм)***<br>***3.Асбобни иш холатига келтириш (расм)*** | **1-машқ. *Нивелирни иш ҳолатига келтириш*:**<br>☑ Нивелир, штатив ва нивелир рейкаларини ўқув гуруҳи (звеноси) учун қабул қилиб олинг, уларнинг иш ҳолатини текшириб кўринг.<br>☑ Нивелирни штативга маҳкамланг, штатив устки текислигини тахминан ётиқ ҳолатга келтириб ўрнатинг. Штатив оёқларини ерга яхшилаб ботиринг.<br>☑ Нивелирнинг кўриш трубасини иккита кўтариш винти устига келтириб, кўтариш винтларини қарама-қарши томонга бураш орқали доиравий адилак пуфакчасини кўриш трубасига тик (фаразий) чизиқ устига келтиринг. Учинчи кўтариш винти ёрдамида пуфакчани ўртага келтиринг. Асбобни ўз ўқи атрофида 180°га буринг. Пуфакча ўртадан қочмаса, асбоб иш ҳолатида ҳисобланади, акс ҳолда - иш қайтадан бажарилади. |
| ***4.Рейкани ўрнатиш ва ундан саноқ олиш (расм)*** | **2-машқ. *Рейкадан саноқ олиш*:**<br>Рейкани нивелир станциясидан 50-60 м масофага ўрнатинг. Нивелирнинг кўриш трубасини мўлжал ёрдамида рейкага тўғриланг ва қотиргич винт билан маҳкамланг, кремальера винти ёрдамида кесишган нуқтани топинг, қаратиш винти ёрдамида иплар тўри тик ипини рейканинг ўртасига келтиринг, элевацион винт ёрдамида цилиндрик адилак пуфакчаси ярим паллаларини туташтиринг. Иплар тўрининг ўртадаги ётиқ чизиғи орқали рейкадан саноқ олинг. |

## Йўриқли-технологик харита (намуна - парча)

| Болғанинг ишчи чизмаси | | Оғирлиги 400 гр бўлган чилангарлик болғасини ясаш учун йўриқли - технологик харита | | Материал | | Пўлат № 7 | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ярим маҳсулот | | Келтирилган шакл | |
| | | | | Иш тоифаси | | 2 | |
| | | | | Ишчи вақт меъёри | | 3 соат | |
| | | | | Ўқувчи вақт меъёри | | 12 соат | |
| № | Тайёрлаш тартиби | Йўриқли кўрсатма ва техник талаблар | Эскиз | Асбоблар: | | Мослама ва жиҳозлар | Вақт меъёри |
| | | | | Қиркувчи | Ўлчовчи | | |
| 1. | *Келтирилган шаклни чизма бўйича текшириш* | Ёриқларга йўл қўйилмайди. Ишлов беришга ўтказиш бир текисда бўлиши керак, меъёрдан четга чиқишлар - 1 мм дан ортмаслиги лозим. | | | *Ўлчов чизғичи, штангенциркуль* | | *10 мин.* |
| 2. | *Болғанинг тўртбурчак қисмини қоралама арралаш* | Чизғич остида битта ён текислигини «тоза каби» арралаш, сўнгра қолган текисликларни ҳам. Арралашдан кейинги тўртбурчак ўлчамлари 25,3 × 25,3 мм бўлиши лозим. | | *Ясси арра №1* | *Ўлчов чизғичи, штангенциркуль, 90°ли бурчак* | *Дастгоҳ, қисқич* | *4 соат* |
| 3. | *Зарб бериш жойини, товон, тешик ва йўниқ қирраларини белгилаш* | Белгилашни тўртбурчакли томондан бошланг. Товонни бир томон текисликдан белгиланг, тешик чегараси - ўлчам бўйича, қирраларни йўниш - ҳар томондан. | | *Чизғич, кернер* | *Ўлчов чизғичи, белгилаш циркули* | *Белгилаш тахтаси, 200 гр ли болға* | *20 мин.* |

**Харита-топшириқ (намуна-мисоллар)**

**I.Жиҳозларни ўрганиш бўйича харита-топшириқлар:**

| Топшириқлар мазмуни: | Топшириқларни бажариш натижалари: |
|---|---|
| 1. Иш ўрнида аппаратлар жойлашувини ўзингизда бор бўлган чизма билан таққосланг. | Аниқлаш чизмаси |
| 2. Узлуксиз полимерлаш аппаратининг биринчи қисми хомаки нусхасини чизинг, улаш учун барча мосламаларни (механизмларни) белгиланг. | Қисмнинг хомаки нусхаси |
| 3. Узлуксиз полимерлаш аппаратининг энг мақбул иш режимидаги асбоб-ускуналар номи, уларнинг техник тавсифи ва ҳар бирининг кўрсаткичларини ёзинг. | Иш дафтарига қайд қилиш |
| 4. Ҳар бир асбоб-ускунанинг нимадан далолат беришини, кўрсаткичларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш чегаралари қандай бўлишини изоҳланг. | Иш дафтарига қайд қилиш |
| 5. Узлуксиз полимерлаш аппарати кўриш ойнасининг созлиги ва лактамли симлар изоляцияси созлигини текширинг. | Текширув натижаси хақида аппаратчига хабар бериш |

**II.Электр жиҳозларига хизмат кўрсатувчи электр монтёри вазифаларини ўрганиш бўйича харита-топшириқ:**

***1.Навбатчи электр монтёри навбатчиликни қабул қилиб олаётганида электр токини тақсимловчи асбоб ўрнатилган шчитнинг электр жиҳозларини кўрикдан ўтказишни қандай тартибда бажаришини кузатинг ва ёзиб олинг.***

***2.Электр двигателларининг тезкор қайта қўшилиши қандай амалга ошишини кузатинг. Қайта қўшилиш чизмасини тузинг.***

**Техник адабиётлар ва ҳужжатлар билан ишлаш**

| Адабиётлар билан ишлаш турлари: | Ўқувчилар ишини ташкил этиш методикаси масалалари |
|---|---|
| *Машғулотларда ўрганилган материалларни дарсликлар (ўқув қўлланмаси, матнлар) дан фойдаланиб такрорлаш* | ➢ Такрорланадиган материалларни аниқ кўрсатиш.<br>➢ Тўлдириш ва бошқа топшириқлар учун назорат саволлари, вазифалари ва жадваллар тарқатиш.<br>➢ Дарслик ва қўлланма материалларини ўрганиш асосида топшириқларни бажариш усулларини тушунтириш. |
| *Ўқувчиларнинг маълумотномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан мустақил ишлаши* | ➢ Маълумотномалар, ДТСТ (Давлат тармоқ стандартлари тизими), ҚМ ва Қ (Қурилиш меъёрлари ва қоидалари) ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш қоидаларини тушунтириш.<br>➢ Ўқувчилар учун маълумотномалар, меъёрий адабиётлар ва ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича махсус машқлар ташкил этиш.<br>➢ Ўқувчиларга ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнида маълумотномалар ва ҳужжатлардан тартибли фойдаланиш йўлларини ўргатиш. |
| *Ўқувчиларни ишлаб чиқариш йўл-йўриқлари ва қоидалари билан таништириш* | ➢ Ишлаб чиқариш йўл-йўриқлари, қоидалари, лавозим вазифалари ва шу кабиларни тушунтирувчи ўқишлар.<br>➢ Ўқувчилар билан ўрганилган йўл-йўриқлар, қоидалар ва бошқа йўриқли ҳужжатлар материалларини мустаҳкамлаш бўйича суҳбатлар ташкил этиш.<br>➢ Ишлаб чиқариш йўл-йўриқлари ва қоидалари (корхоналардаги хавфсизлик, электр хавфсизлиги, Давшаҳартехназорат талаблари ва бошқалар) бўйича ўқувчилар билимини махсус синовдан ўтказиш. |
| *Ўқувчилар ишида корхоналарда қўлланиладиган технологик ҳужжатлардан фойдаланиш.* | ➢ Ўқувчилар учун технологик ҳужжатларни ўрганиш бўйича машқлар ташкил этиш.<br>➢ Ўқувчиларга технологик ҳужжатлар талабларига риоя этиш бўйича йўл-йўриқлар бериш.<br>➢ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда ўқувчиларнинг технологик ҳужжатлардан қандай фойдаланишини жорий назорат қилиш. |




**Машғулотда техник адабиётлар ва ҳужжатлар билан ишлаш методининг қўлланилиши**
(Наманган вилоятидаги Наманган ахборот технологиялари ва транспорт касб-ҳунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник–механик” йўналиши.



**Ўқувчиларни ишлаб чиқариш йўл-йўриқлари ва қоидалари билан тақдимот шаклида таништириш**
(Самарқанд вилоятидаги Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи)


Меҳнат усуллари ва жараёнларини намойиш этиш
Меҳнат усулларини оддий иш маромида кўрсатиш:
Ҳаракатлар (амаллар) ва усулларни секинлаштирилган ҳолда кўрсатиш
Меҳнат ҳаракатларининг (амалларининг) нозик ҳолатларида тўхташ
Меҳнат усулларни таркибий қисмларга бўлиш ва уларни кўрсатиш
Усуллар таркибига кирувчи алоҳида ҳаракатларни (амалларни) кўрсатиш



**Машғулотда меҳнат усуллари ва жараёнларини намойиш этиш методининг қўлланилиши**
(Қашқадарё вилоятидаги Қовчин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи. "Металларга ишлов бериш" ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – Ш.Пирназаров).




**Машғулотда меҳнат усуллари ва жараёнларини намойиш этиш методининг қўлланилиши**
(Навоий вилоятидаги Навоий кончилик касб-ҳунар коллежи. "Технологик машиналар ва жиҳозлар" йўналиши. Касб таълими устаси – Р.Тангатаров).

**Меҳнат усуллари ва жараёнларини намойиш этиш**

***Меҳнат усуллари ва жараёнларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш шарт-шароитлари:***

- Ўқувчиларга кўрсатилаётган усулни сифатли ўзлаштириши учун қулай вазиятлар яратиш
- Кўрсатилаётган усулларнинг яхши кўринишини таъминлаш (иш ўрнини танлаш, ёритилганлик, ўқувчилар жойлашуви)
- Усулларни кўрсатиш билан моҳиятини тушунтиришни бирга қўшиб олиб бориш
- Усулларни кўрсатиш билан кўрсатмали қуроллардан фойдаланишни бирга қўшиб олиб бориш
- Йўриқли хариталар ва бошқа йўриқли ҳужжатлардан тўғри фойдаланиш
- Қийин ўзлаштириладиган усулларни такрор кўрсатиш
- Кўрсатилаётган усулларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини йўл-йўлакай назорат қилиб бориш
- Ўқувчига усулларни иш ўрнида якка тартибда кўрсатиш



**Машғулотда меҳнат усуллари ва жараёнларини намойиш этиш методининг қўлланилиши**
(Навоий вилоятидаги Нурота қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи. “Зоотехния “ ўқув-лаборатория хонаси. “ Зоотехния” йўналиши Махсус фан ўқитувчиси – Ў.Каримов)



**Машғулотда кўрсатмали қуролларни намойиш этиш методидан фойдаланиш**
(Навоий вилоятидаги Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи. “Саноат корхоналари электр жиҳозлари” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси –А.Халилов)


Кўрсатмали ўқув қуролларини намойиш этиш
турли мазмундаги ахборотлар манбаи
Кўрсатмали қуролларнинг ўқув вазифалари:
тушунтириш, суҳбат ва кўрсатишга оид мисол ва намуналар келтириш
Кўрсатмали ўқув қуролларининг турлари:
Аслий ўқув қуроллари:
Тасвирий ўқув қуроллари:
Аралаш ўқув қуроллари:
Асбоб-ускуналар (жиҳозлар)
Асбоб-ускуналар қисмлари, мосламалар
Меҳнат қуроллари намуналари
Тайёр маҳсулот намуналари
Плакатлар, чизмалар, жадваллар, суратлар
Китоб суратлари, расмлари
Ўқув-ишлаб чиқариш ҳужжат-лари
Моделлар ва нусхалар
Ҳаракат-ланувчи плакатлар
Электрли чизмалар
Коллекция-лар (тўпламлар)
Мавзуий тахталар



**Машғулотда электрли чизмалардан фойдаланиш**
(Наманган вилоятидаги Наманган ахборот технологиялари ва транспорт касб-ҳунар коллежи. “Йўл ҳаракати қоидалари” ўқув хонаси. Касбий таълим устаси - Э.Миртоев)




**Машғулотда асбоб-ускуналар қисмларини кўрсатиш**
(Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи. “Қишлоқ хўжалик машиналари” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – Д.Худайназарова)

**Кўрсатмали ўқув қуролларини намойиш этиш методикаси масалалари**

- Кўрсатмали ўқув қуролларини намойиш этиш меҳнат усулларини кўрсатиш, техник талабларни таҳлил этиш, ишларни бажариш технологиялари кабиларни кўрсатиш билан табиий мос келиши керак.
- Кўрсатмали ўқув қуроллари ўрганилаётган материаллар мазмуни ва вақтига кўра зарурат бўлганда намойиш қилиниши керак.
- Намойиш этишни сўзлаш билан мувофиқлаштириб бориш лозим. Сўзлаш кўрсатмали қурол намойишини бошлаб беради, давом эттиради ва якунлайди.
- Машғулотни кўрсатмали қуроллар ва бошқа воситалар намойиши билан "кўмиб" ташлаш ярамайди.
- Намойиш этиш жараёнида ўқувчининг барча сезги органлари: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва бошқаларни мумкин қадар ишга солиш зарур.

- Намойиш этилаётган кўрсатмали қуролнинг аниқ, яхши кўриниши учун шарт-шароитлар яратиш.
- Ҳаракатланувчи ва илгарилаб борувчи ўқув қуролларидан фақат юриш, ҳаракат жараёнида фойдаланиш керак.
- Бажарилган ишлар, шунингдек асбоблар, мосламалар ва шу кабилар намуналарини махсус мавзуий тахталарда мужассам қилиш мақсадга мувофиқ. Бу - таққослаш ва умумлаштириш учун шароитлар яратади.
- Қайта ишлаш, йиғиш, ишга тушириш каби ишлаб чиқариш технологияларини тушунтиришда технологик ўтишлар кетма-кетлигида ишланган (йиғилган, ўрнатилган) намуналарни қўллаш талаб этилади.
- Ўлчамлари кичик табиий ва сунъий объектлардан тарқатма материаллар сифатида кенг фойдаланиш лозим.

## Таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш

**Машқ қилиш аппаратлари ва жиҳозлари:**

- ўқувчиларда меҳнат усуллари ва жараёнларини ўрганишнинг дастлабки босқичида илк кўникмалар ҳосил қилиш;
- ўқув шароитларида турли режим ва вазиятлардаги мураккаб аппаратларга хизмат кўрсатишга оид меҳнат кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилиш;
- ўқувчиларда махсус касбий сифатларни машқ қилиш: кузатувчанлик, таъсиротларга муносабат, диққат-эътибор, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ҳ. к.

**Ўқув киноси (кино-, видеофильмлар, фильмлардан парчалар):**

- иш жараёни, хизмат кўрсатиш ҳамда жиҳозлар ва асбоб-ускуналарнинг ўрнатилишини намойиш қилиш;
- иш усуллари ва жараёнларини намойиш этиш: тасвирни тезлаштириш ва секинлаштириш; кадрни тўхтатиш; турли хил режалар тузиш; овоз бериш; кўп марта қайтариш; тасвирни чизиш-мультипликация ва шу кабилар;
- юқори малакали мутахассисларнинг махсус тасвирга олинган иш усуллари ҳамда мураккаб жиҳозларга хизмат кўрсатиш усулларини намойиш этиш;
- асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг кичик қисмларигача бўлган ишлаш жараёнларини катталаштириб намойиш этиш;
- хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш жараёнларини намойиш этиш: пайвандлаш; қиздириб ишлов бериш; металлургия жараёнлари ва шу кабилар.

**Диафильмлар, слайдлар, транспарантлар:**

- объектлар, жараёнлар ва ҳодисалар, уларнинг ўзаро боғланган таркибий қисмларини ўрганиш;
- кўрсатмали воситалардан доимий фойдаланиш;
- мураккаб технологик жараёнларни изоҳлаш учун меҳнат усулларини кўрсатиш ва ишлов бериш, йиғиш, ўрнатиш, хизмат кўрсатиш кабилар бўйича суратлар ва расмлар;
- кодоскоплардан мураккаб тасвирларни намойиш этиш учун фойдаланиш.

## Таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш

### Компьютер ва мультимедиа тизими

- мураккаб машқ қилиш аппаратлари ва жиҳозларининг ишини бошқариш учун фойдаланиш;
- ўқувчиларга маълумотлар базаси хизматини кўрсатиш;
- дастурлаштирилган таълим режимида турли техник тизимлар носозликларини бартараф этиш ва ташҳизлашнинг техник вазифаларини ҳал этиш учун қўллаш;
- носозликларни излаш ва уларнинг табиатини аниқлаш учун катта-кичик объектлар ва “хавфли” технологик жараёнларни, шунингдек бориш (қўл узатиш, яқинлашиш) қийин бўлган жойлардаги механизмларнинг қисмлари ва тугунларига ишлов бериш, уларни йиғиш ва қисмларга ажратиш усулларини ўрганиш.

### Шахсий компьютерларнинг педагогик дастурли воситаси

- ўқувчиларнинг зарурий ўқув ахборотларини олиши;
- ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиш, уларнинг ўз билим ва кўникмаларини ўзлари назорат қилиши;
- ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг тўғри технологиялари ва режимларини танлаш;
- ўқув жараёнининг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш ва тез ўрганиш; ўргатувчи дастур”ларни қўллаган ҳолда дастурлаштирилган таълимни амалга ошириш.

### Видеоёзув

- ўқув хонасига келтириш ёки жойлаштириш мумкин ёки имконияти бўлмаган асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар, ишларни бажариш усулларини ўрганиш: электр пайвандлаш, электр токи, заҳарли газлар билан ишлаш ва ҳ.к.;
- ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини кейинчалик таҳлил қилиш учун видеоёзувга тушириш.

### Овозли ёзув

- ҳаракатдаги машина, аппарат ва механизмларнинг турли овозли тавсифларини (шовқинлар, тақкиллашлар, ритмлар ва ҳ. к.) эшитиш;
- машина ва механизмларни созлаш ва ташхислашнинг эшитиб кўриш усулини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг техник эшитиш қобилиятларини ривожлантириш бўйича махсус машқлар бажариш.




**Машғулотда техник воситалардан фойдаланиш.**
(Навоий вилоятидаги Нурота қишлоқ хўжалик  касб-ҳунар коллежи. “Зоотехния” ўқув лаборатория хонаси. Махсус фан ўқитувчиси – Ў.Каримов)




**Машғулотда техник воситалардан фойдаланиши.**
(Навоий вилоятидаги Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи.  “Чилангарлик ишлари” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - М.Турниёзов)

## Ўқувчиларнинг мустақил кузатишлари

**Ўқувчиларни мақсадга йўналтирилган кузатишларга ўргатишнинг методик усуллари:**

- ***Ўқувчиларга объектларни кузатиш мақсадлари, уларни ташкил қилиш, объектларда ўзини тутиш ва хавфсизлик қоидаларини тушунтириш.***
- ***Ўқувчиларга кузатишлар пайтида содир бўлиши мумкин бўлган мураккаблик ва қийинчиликлар тўғрисида маълумотлар бериш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатиш.***
- ***Ўқувчиларга кузатишига якун ясаш учун карточка-топшириқлар ва саволлар тарқатиш.***
- ***Ўқувчиларни кузатишлари жараёнида доимий назоратга олиш, уларга ёрдам кўрсатиш (таққослаш, хулосалар чиқаришга йўналтириш, қайд этиш ва ҳ.к. ҳақида кўрсатмалар бериш) .***
- ***Ўқувчиларга кузатишлар натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш мазмуни ва уни расмийлаштириш қоидаларини тушунтириш.***
- ***Ўқувчиларнинг мустақил кузатишларини умумлаштириш ва уларга якун ясаб бориш.***



**Машғулотда ўқувчиларнинг мустақил кузатишлари**
(Қашқадарё вилоятидаги Қовчин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – Т.Нуров)




**Машғулотда ўқувчиларнинг мустақил кузатишлари**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши политехника касб-ҳунар коллежи. “Сув, газ ва канализация тизимлари жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси. Касб-таълими устаси – Г.Сайфиева).

**Машқ методи -** *муайян ҳатти-ҳаракатларни онгли равишда такомиллаштириш учун уларни кўп марта такрорлаш. Машқлар натижасида ўқувчиларда касбий кўникма ва малакалар шаклантирилади.*

**Машқ методига қўйилган асосий талаблар:**

- ❖ **Ҳар бир машқ ўзаро боғланган аниқ ўқув (нимани ўрганиш?) ва ишлаб чиқариш (нимани бажариш?) мақсадларига эга бўлиши керак.**
- ❖ **Ҳар бир машқ натижасида ўқувчи олға силжиши, касбни эгаллашда навбатдаги қадамни қўйиши зарур.**
- ❖ **Машқлар касб таълими устаси раҳбарлигида амалга оширилади. Раҳбарликнинг асоси - машқнинг ўқув мақсадларини амалга оширишдан иборат.**
- ❖ **Ўқувчиларда амалий ҳатти-ҳаракатларни бус-бутун ва аниқ мўлжалга олиш асослари мавжудлиги.**
- ❖ **Ўқувчиларда ўқув-ишлаб чиқариш ишларига қизиқиш ва ижобий баҳслашувнинг мавжудлиги.**
- ❖ **Ўқувчиларда босқичли машқларнинг мақсадлари, уларни рўёбга чиқариш ва натижалари бўйича аниқ тасаввурлар мавжудлиги.**

**Машқ - амалий касбий таълимнинг асосий методи**

**Машқлар тизимига хос хусусиятлар:**

**Машқларнинг мақсади, мазмуни ва ўқув жараёнидаги ўрнига кўра ўзаро изчиллиги ва боғлиқлиги**

**Машқлар мазмунининг дидактик мақсадлар, ўқув-техник талаблар ва ўқувчиларнинг мустақиллик даражасига кўра аста-секин мураккаблашиб бориши**

**Машқлар давомийлиги ва улар ўртасидаги танаффусларни курслар бўйича машқлар ўтказиш мақсадлари ва мазмунига мос ҳолда тўғри мувофиқлаштириб бориш**

**Машқларнинг мақсадли даражалари:**

**Тўғрилик**

**Аниқлик**

**Тезкорлик**

**Мустақиллик**

**Ижодкорлик**



## Машқ - амалий касбий таълимнинг асосий методи

**Машқлар таснифи:**

| **Машқ турлари:** | **Мақсадлари:** |
|---|---|
| ***Меҳнат амалларини ўзлаштириш машқлари*** | ➢ Ўқувчиларда йўриқли харита ва касб таълими устаси томонидан кўрсатилган намуна бўйича меҳнат ҳаракатларини (амалларини) тўғри бажаришга оид дастлабки кўникмаларни шакллантириш. |
| ***Меҳнат усулларини ўзлаштириш машқлари*** | ➢ Ўқувчиларда йўриқли харита кўрсатмалари ва касб таълими устаси томонидан кўрсатилган намунага мувофиқ ўрганилаётган меҳнат усулларини тўғри ва сифатли бажариш кўникмаларини шакллантириш.<br>➢ Ўқувчиларнинг махсус билимларини кенгайтириш ва такомиллаштириш. |
| ***Меҳнат жараёнларини ўзлаштириш машқлари*** | ➢ Ўқувчиларда эгалланаётган касбга хос умумий меҳнат усулларини бажариш кўникмаларини шакллантириш, уларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш.<br>➢ Ўқувчиларда мажмуий ишларни бажариш жараёнида турли кўринишдаги иш усулларини қўллаш кўникмаларини шакллантириш.<br>➢ Ўқувчиларда ишлаб чиқариш мустақиллиги ва техник маданиятни шакллантириш.<br>➢ Ўқувчиларнинг махсус билимларини кенгайтириш ва такомиллаштириш.<br>➢ Ўқувчиларда меҳнатга ижодий муносабатни шакллантириш. |
| ***Технологик жараёнларни бошқариш машқлари*** | ➢ Ўқувчиларда узлуксиз ҳаракатдаги аппарат ва жиҳозларнинг технологик жараёнларини бошқариш, уларнинг боришини бевосита ва билвосита кўрсаткичлар асосида автоматик тартибга солувчи жиҳозларни созлаш кўникмаларини шакллантириш.<br>➢ Ўқувчиларнинг махсус билимларни кенгайтириш ва такомиллаштириш. |

## Машқ қилиш аппаратида машқлар бажариш

**Машқ бажариш воситаларига қўйилган техник талаблар:**

- бўлғуси кичик мутахассислар меҳнат фаолиятининг психологик мазмунига мослиги;
- нозик ва бузилиш ҳолатларида аксарият учрайдиган тўсқинлик ва носозликларни бартараф этишни бажариб кўриш;
- кичик мутахассисни ҳақиқий иш шароитига тушириб кўриш: шовқин ва ёруғлик таъсиротлари, асбоблар кўрсаткичлари, тезкор ҳаракат зарурияти, рангларни ажрата олиш ва ҳ. к.

**Машқ бажариш воситаларига қўйилган дидактик талаблар:**

- машғулотларда турли шарт-шароитлар, режимлар ва ҳолатларни бажариб кўриш имконияти;
- машғулотларда тўсқинлик ва носозликлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар лойиҳалаш ва такрорлаш имконияти;
- машғулотларда машқларни узлуксиз, такрорий бажариш ва унга мослашиш имкониятлари.

## Машқ қилиш аппаратларининг намунавий таркибий чизмаси

**Машқ бажариш қисми**

***Ўқувчининг машқ қилиш аппарати билан ўзаро алоқа қилиш воситалари таъминланган иш ўрни:*** клавиатура, тугмачалар, мурватлар, тутгичлар, қайта қўшгичлар, сургичлар ва ҳ. к.

**Ахборот қисми**

***Ўқувчининг машқ қилиш аппарати билан ўзаро таъсири натижаларини акс эттирувчи воситалар***: дисплей, экран, табло, асбоблар, ёруғлик ва овоз таъсиротлари, телефон ва ҳ. к.

**Назорат-бошқарув пульти**

***Касб таълими устаси ва ўқувчи учун машқнинг бориши ва муваффқиятини муҳим кўрсаткичлар билан қайд қилувчи воситалар***: хатолар сони, тезлик, аниқлик, мувофиқлашганлик ва ҳ.к.


Ўқувчининг машқ қилиш аппаратида машқлар бажаришининг намунавий чизмаси
I. Тайёргарлик жараёни:
Касб таълими устаси томонидан ўқувчига машқ қилиш аппаратидаги муайян ҳолат ва машқни бажариш тартиби бўйича топшириқнинг берилиши
Ўқувчи томонидан топшириқлар мазмунининг таҳлил этилиши
Машқ қилиш аппаратида бажариш лойиҳалаштирилган тизим ҳолатини аниқлаш, унинг катталиклари ва тавсифини, меъёрдан четга оғишларни изоҳлаш
II. Машқни бажариш жараёни:
Машқ қилиш аппаратининг ахборот қисми маълумотлари асосида тизим ҳолатини жорий назорат қилиш
Ўқувчининг тизимни меъёрга келтириш бўйича машқ қилиш аппаратининг бошқариш органлари билан ишлаши (фаолият усулларининг ҳосил қилиниши)
Ўқувчи томонидан тизимни меъёрга келтириш алгоритмининг аниқланиши ва қарор қабул қилиниши
III. Хулоса чиқариш жараёни:
Ўқувчи ва касб таълими устаси томонидан машқ қилиш аппаратининг бошқарув пульти кўрсаткичлари бўйича машқ бажарилишининг таҳлил этилиши
Ўқувчилар томонидан машқ қилиш аппаратида бажарилган амалларнинг асосланиши




**Машғулотда машқ методининг қўлланилиши**
(Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи. “Чилангарлик” ўқув устахонаси)




**Машғулотда машқ методининг қўлланилиши**
(Тошкент вилоятидаги Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи. “Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - Ф.Набиева)

## Амалий-лаборатория машғулотлари

### Амалий-лаборатория машғулотларининг таснифи:

| Амалий-лаборатория машғулотларининг турлари | Намуналар | Касблар |
|---|---|---|
| ➢ ***Машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, аппаратлар, уларнинг ишлаши, тузилишини таҳлил қилиш ва кузатиш.*** | ❖ **Қисмларга ажратиш-йиғиш ишлари.**<br>❖ **Бажариладиган иш мазмунига кўра иш турини белгилаш.**<br>❖ **Майдонча бурчакларини ҳисоблаш.** | • ***Геодезиячи уста.***<br>• ***Геодезиячи уста.***<br>• ***Геодезиячи уста.*** |
| ➢ ***Назорат–ўлчов асбоб–ускуна-ларидан фойдаланиш усуллари-ни ўрганиш.*** | ❖ **Теодолит, пўлат лента, вехалардан фойдаланиш.** | • ***Геодезиячи уста.*** |
| ➢ ***Носозлик, тузатиш, ишга тушириш ва созлаш кабиларни ташхис қилиш.*** | ❖ **Теодолитни синаб кўриш ва текшириш.**<br>❖ **Пўлат лентада масофа ўлчаш.**<br>❖ **Микроскопдан саноқ олиш.** | • ***Геодезиячи уста.***<br>• ***Геодезиячи уста.*** |

## Амалий-лаборатория машғулотлари

### Амалий-лаборатория ишларига раҳбарлик қилиш методикаси масалалари

#### Кириш йўриғи:

- Бажарилиши керак бўлган ишнинг мақсадини аниқлаш.
- Бажариладиган ишни ўқувчиларда мавжуд бўлган билим ва тажрибалар билан боғлаш.
- Ўқувчиларни амалий-лаборатория ишиин бажариш тартиби билан таништириш.
- Ўқувчиларга ишни бажаришнинг асосий усулларини кўрсатиш.
- Ўқувчиларнинг иш ўринларини ташкил этиш ва хавфсизлик қоидаларини тушунтириш.
- Маълумотларни қайд қилиш дафтарини юритиш, иш натижаларини расмийлаштириш ва ҳисобот ёзиш бўйича кўрсатмалар бериш.

#### Жорий йўриқ:

- Ўқувчиларга ишни бажариш жараёнида ёрдам кўрсатиш.
- Ўқувчиларнинг саволларига жавоблар қайтариш, ишни бажариш усулларини қайта кўрсатиш.
- Ишни бажариш кетма-кетлиги ва маромини сақлаш.
- Ўқувчилар ишини жорий ва якуний назорат қилиш.
- Асбоб-ускуналар кўрсаткичларининг тўғри қайд этишини ва маълумотларни қайд қилиш дафтарининг тўғри юритилишини текшириш.
- Ўқувчилар иш ўринларининг ташкил этилиши ва хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини назорат қилиш.

#### Хулосалар чиқариш:

- Кузатишлар ва тажриба-синов давомида олинган натижалар бўйича ўқувчилардан оғзаки сўраш.
- Иш давомида олинган натижаларни ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилиш ва асосий хулосаларни шакллантириш.
- Амалий-лаборатория ишининг натижалари бўйича ўқувчилар томонидан ёзилган ёзма ҳисоботларни таҳлил қилиш.
- Ўқувчилар томонидан бажарилган амалий-лаборатория ишини баҳолаш.



**Машғулотда амалий-лаборатория ишининг бажарилиши**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши политехника касб-ҳунар коллежи.
Касб таълими устаси – Г.Сайфиева).



**Машғулотда амалий-лаборатория ишининг бажарилиши**
(Жиззах вилоятидаги Пахтакор маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи.
“Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси- Ф.Боймуродова)

# Амалий касбий таълимнинг интерфаол методлари ва шакллари

## Иш (ишлаб чиқариш) ўйинларини ўтказиш

| *Иш (ишлаб чиқариш) ўйинларини ўтказишга хос вазиятлар ва топшириқлар турлари:* | |
|---|---|
| ➢ Ишлов бериш (йиғиш, созлаш, тўғрилаш ва ҳ.к) носозликларини уларнинг ўлчамлари, асбоб-ускуналар кўрсаткичлари ва тавсифи бўйича аниқлаш.<br>➢ Кичик мутахассислар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини оғзаки, ёзма топшириқлар ёки машқ қилиш аппаратларидаги асбоблар кўрсаткичлари бўйича берилган технологик жараёнларнинг меъёрида боришидан четга чиқишлар шароитида (ҳатто бузилиш ҳолатигача) аниқлаш.<br>➢ Ўқувчилар томонидан ишлаб чиқилган ёки касб таълими устаси томонидан таклиф этилган технологик жараёнлар вариантларини таҳлил этиш, улардан энг қулай вариантларини танлаш. | ➢ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш давомида кўп учрайдиган хатоликларни таҳлил этиш, уларнинг сабаблари ва бартараф этиш усулларини аниқлаш ҳамда олдини олиш.<br>➢ Касб таълими устаси томонидан машиналар, агрегатлар, асбоблар, аппаратлар ва ҳ.к.лар ишида атайин қилинган носозликларни аниқлаш.<br>➢ Асбоб-ускуналар ва жиҳозлардан фойдаланиш, ишларни бажариш технологияларининг турли вариантларида меҳнат унумдорлиги ва сифатини ошириш йўлларини белгилаш. |

### Иш ўйинларини ўтказишнинг намунавий тузилиши:

1. Вазифани белгилаш, ўқувчиларни ўйинга киритиш →
2. Гуруҳларни ташкил этиш ва вазифаларни тақсимлаш →
3. Вазиятни ўрганиш, ўйин қоидасини тушунтириш →
4. Гуруҳларга ролларни тақсимлаш →
5. Ўйинни ўтказиш жараёни →
6. Касб таълими устаси ва ўқувчи-ҳакам томонидан ўйинга якун ясаш →
7. Ўйиндаги қулай вариантлар муҳокамаси →
8. Ўйинга якун ясаш




**Машғулотда иш (ишлаб чиқариш) ўйинларининг ташкил этилиши**
(Жиззах вилоятидаги  Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - С. Тошқулов)



**Машғулотда иш (ишлаб чиқариш) ўйинларининг ташкил этилиши**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши политехника касб-ҳунар коллежи)

## Техник топшириқларни ечиш - ижодий табиатли топшириқларни бажариш

| Техник топшириқларнинг умумлашган турлари: | Ижодий топшириқларнинг умумлашган турлари: |
|---|---|
| ❖ Содир бўлиши мумкин бўлган носозликлар сабабларини аниқлаш.<br>❖ Ишланмалар тартиблари ва мосламалар ишини аниқлаш.<br>❖ Автоматлашган жиҳозларнинг бошқарув дастурларини ишлаб чиқиш.<br>❖ Жадваллар, диаграммалар, маълумотлардан зарурий маълумотларни топиш.<br>❖ Машина, агрегат, қурилма ва шу кабилар ишларининг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.<br>❖ Асосий чизмалар ёрдамида йиғиш чизмасини тузиш.<br>❖ Машина, механизм ва шу кабиларнинг тузилиш чизмаларидан фойдаланиб ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш кўрсаткичлари ва режимларини аниқлаш. | ❖ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг сифати ва самарадорлигини оширувчи мослама ва бошқа жиҳозлар лойиҳасини тузиш.<br>❖ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш технологияларини такомиллаштириш.<br>❖ Ишлов бериш, йиғиш, созлаш ва хизмат кўрсатиш каби технологик жараёнларни мустақил ишлаб чиқиш.<br>❖ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда меҳнатни ташкил этишни қулайлаштириш.<br>❖ Иш вақтини, материаллар ва энергияни иқтисод қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>❖ Ишлов бериш, ўрнатиш ва созлаш усулларини, мосламалар, агрегатлар, қурилмалар ва шу кабиларни бошқаришнинг қулай вариантларини танлаш ва асослаш. |




**Машғулотда техник-ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши политехника касб-ҳунар коллежи. Касб таълими устаси Г.Сайфиева).




**Машғулотда ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши**
(Тошкент вилоятидаги Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи. “Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - Ф.Набиева)

# V БЎЛИМ

# АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ


Амалий касбий таълимнинг ташкилий шакллари тизими:
Амалий касбий таълим жараёнини ташкил қилиш шакллари:
Дарс
Дарсдан ташқари
Ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилиш шакллари:
Оммавий-гуруҳли
Бўлинма- кичик гуруҳли
Якка тартибда
Касб таълими устаси фаолиятини ташкил этиш шакллари:
Устани ўқув гуруҳига бириктириш
Устани ўқув устахонасига бириктириш
Ишларни бўлинма (кичик гуруҳ) шаклида ташкил этиш
Бир гуруҳда бир неча уста бўлиб ишлаш



**Ўқув устахонасидаги дарс машғулоти**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши саноат касб-ҳунар коллежи, “Чилангарлик ишлари” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – А.Қодиров).



**Ўқув устахонасидаги дарс машғулоти**
(Навоий вилоятидаги Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи. “Саноат корхоналари электр жиҳозлари” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – А.Халилов)



**Дарсдан ташқари машғулотларга тайёргарлик кўриш**
(Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи. “Механик ишлов бериш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – Ф.Узоқов.).



**Ўқув устахонасида дарсдан ташқари машғулот**
(Фарғона вилоятидаги  Марғилон енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежи. ”Тикувчилик” ўқув устахонаси. “Ёш чеварлар” тўгараги аъзолари)

## Амалий касбий таълим дарслари таснифи:

| Дарснинг турлари: | Дарс мақсади ва мазмунининг тавсифи: |
|---|---|
| *Кириш дарси* | ➢ Ўқувчиларни танланган касб, келгусида бажариладиган амалий ишлар мазмуни ва тавсифи, ўқув устахоналаридаги интизом ҳамда хавфсизлик қоидалари билан таништириш.<br>➢ Ўқувчиларни соҳа корхонаси билан таништириш. |
| *Меҳнат усуллари ва жараёнларини ўрганиш дарси* | Йўриқли хариталар тавсиялари ва касб таълими усталарининг йўриқли кўрсатма ҳамда тушунтиришлари асосида ўқувчиларда ўрганилаётган меҳнат жараёнлари усулларини турли вазиятларда тўғри ва сифатли бажариш бўйича илк кўникмаларни шакллантириш. |
| *Мажмуий табиатли оддий ишларни бажариш дарси* | Ўқув устахоналари ва лабораторияларида олдин ўрганилган меҳнат жараёнларини ўз ичига олган, касб учун умумий бўлган мажмуий табиатли ишларни бажаришда ўқувчиларнинг турли вазиятларда меҳнат усулларини бажариш кўникмаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш. |
| *Мажмуавий табиатли мураккаб ишларни бажариш дарси* | ➢ Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, лабораториялари ва ишлаб чиқариш шароитларида олдин ўрганилган технологик жараёнлар ва меҳнат усулларига мос келувчи, касб учун умумий бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш кўникма ва малакаларини шакллантириш.<br>➢ Ўқувчиларда касбий мустақиллик ва ўз-ўзини назорат қилиш сифатлари ҳамда кўникмаларини ривожлантириш.<br>➢ Ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини режалаштиришга ўргатиш, уларда техник маданият ва меҳнатга ижодий муносабатни тарбиялаш. |
| *Назорат-текшириш дарси* | Ўқувчилар ўзлаштирган касбий билим, кўникма ва малака даражаларини режали аниқлаш. |



**Касб таълими устасининг ўқув устахонасига бириктирилиши**
(Самарқанд вилоятидаги Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи. “Кенг ассортиментдаги кийимлар модельер конструктори” йўналиши. Касб таълими устаси - Д. Бахриева)



**Касб-таълими устасининг ўқув лабораториясига бириктирилиши**
(Фарғона вилоятидаги Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи. “Компьютер ва компьютер тармоқларини созлаш ва таъмирлаш” йўналиши. Касб таълими устаси – Ж.Низомиддинов)

## Амалий касбий таълим дарсининг тузилиши:

<table>
<tr><th>Дарснинг ташқи тузилиши:</th><th>Дарснинг дидактик тузилиши:</th><th>Мазмуни:</th></tr>
<tr><td rowspan="3">Кириш йўриғи</td><td>Мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши</td><td>➢ Мавзуни эълон қилиш ва дарснинг мақсадини тушунтириш.<br>➢ Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари, кўрсатмали қўлланмалар, кинопарчалар, диафильмлар ва шу кабиларнинг намуналарини намойиш этиш.</td></tr>
<tr><td>Ўқувчиларнинг билим ва тажрибаларини фаоллаштириш.</td><td>➢ Ўқувчилардан махсус фанлар ва амалий касбий таълим дарсларида ўтилган материалларни сўраш.<br>➢ Касб таълими устасининг машғулотга тааллуқли бўлган махсус фанлар ўқув материалларини такрорлаши.<br>➢ Ўқувчилар томонидан олдин ўзлаштирилган иш усулларини қайта қўллаш.</td></tr>
<tr><td>Ҳаракатнинг мўлжалли асосларини шакллантириш</td><td>➢ Машғулотда бажарилиши зарур бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг технологик кетма-кетлиги ва усулларини кўрсатиш ва тушунтириш.<br>➢ Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган меҳнат амалларини тажрибавий бажариб кўриш, топшириқни бажариш технологиялари, усуллари ва тартибини мустақил аниқлаш.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Асосий қисм:<br><br>ўқувчилар томонидан машқлар бажарилиши (мустақил ишлар)</td><td>Ҳаракатнинг янги усулларини шакллантириш (ишлаб чиқиш)</td><td>➢Ўқувчиларнинг меҳнат усуллари ва жараёнларини ўзлаштиришлари бўйича машқлар бажариш.<br>➢ Касб таълими устасининг ўқувчиларга якка тартибда ва гуруҳ тарзида йўриқлар бериши.</td></tr>
<tr><td>Ҳаракатнинг ўзлаштирилган усулларини амалда қўллаш (мустаҳкамлаш, ривожлантириш)</td><td>➢ Ўқувчиларнинг меҳнат жараёнларини ўзлаштиришлари бўйича машқлар бажариши.<br>➢ Ўқувчиларнинг технологик жараёнларни бошқариш бўйича машқлар бажариши.<br>➢ Касб таълими устасининг ўқувчиларга якка тартибда ва гуруҳ тарзида йўриқлар бериши.<br>➢ Ўқувчиларда ишлаб чиқариш тажрибаларини ҳосил қилиш, ижодий қобилиятни ривожлантириш.</td></tr>
<tr><td>Якуний йўриқ</td><td>Хулосалар чиқариш</td><td>Дарснинг ўқув-ишлаб чиқариш натижаларини якунлаш.</td></tr>
</table>



**Ўқув устахонасида оммавий-гуруҳли дарс машғулоти**
(Жиззах вилоятидаги Пахтакор маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи .
”Тикувчилик ишлаб чиқариши” устахонаси)



**Ўқув устахонасида бўлинма (кичик гуруҳли) дарс машғулоти.**
(Фарғона вилоятидаги Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежи.
”Тикувчилик ишлаб чиқариши” устахонаси)

## Қўшма (бинар) дарс -

*махсус фанлар (махсус технология) билан ўқув-ишлаб чиқариш таълимининг ўзаро боғланган материалларини касб таълими устаси билан махсус фан ўқитувчисининг биргаликда қўшиб ўрганиши.*

## Қўшма (бинар) дарснинг асосий белгилари:

- Амалий ва назарий таълимнинг ягона қўшма машғулотда бирлашуви
- Икки хил (бинар) мақсаднинг мавжудлиги: билимларни ўзлаштириш ва уларни амалда қўллаш (кўникма ва малакалар)
- Дарснинг назарий ва амалий қисмлари мазмунининг узвий боғлиқлиги
- Билимларни ўзлаштириш ва илк кўникмалар шаклланиши жараёнлари ва уларнинг ўзаро қўшилиши
- Билим ва кўникмалар бир пайтда ўзлаштири-лишининг моддий-техник ва методик таъминлан-ганлиги

## Қўшма (бинар) дарс ўтказишда махсус фан ўқитувчиси ва касб таълими устаси фаолиятининг мақбуллашуви

| Касб таълими устаси фаолияти: | Махсус фан ўқитувчиси фаолияти: |
|---|---|
| ***Ўқувчиларни дарсга мақсадли йўналтириш*** | |
| ➢ Дарс мавзусига боғлиқ ҳолда олдин ўзлаштирилган меҳнат усуллари ва жараёнларининг бажарилиш сифатини назорат қилиш.<br>➢ Ўқувчиларга ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда мавзу бўйича назарий билимларни қўллаш усулларини тушунтириш. | ➢ Олдин ўрганилган ўқув материаллари бўйича ўқувчилардан сўраш.<br>➢ Ўрганилаётган мавзунинг назарий масалаларини баён қилиш.<br>➢ Ўқувчиларнинг саволларига жавоблар қайтариш. |
| ***Ўқувчиларнинг назарий материаллар ва касб таълими устаси кўрсатган амалларни ўзлаштириш сифатини назорат қилиш*** | |
| ➢ Ўрганилаётган меҳнат усуллари ва жараёнларини шакллантириш машқи давомида ўқувчиларга жорий йўриқлар бериб бориш. | ➢ Ўқувчилар томонидан машқларнинг онгли равишда бажарилиши ва назарий билимларнинг амалиётда қўлланишини назорат қилиш. |
| ***Якуний йўриқлар бериш*** | |



**Қўшма (бинар) дарс жараёни**
(Самарқанд вилоятидаги Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт коллежи. «Кенг ассортиментдаги кийимлар модельер конструктори» йўналиши. Махсус фан ўқитувчиси - Г.Мардонова ва касб таълими устаси - Д.Бахриева)




**Ўқув устахонасида якка тартибдаги машғулот**
(Тошкент шаҳридаги Сергели политехника касб-ҳунар коллежи. “Чилангарлик ” ўқув уста хонаси. Касб таълими устаси - Ш.Тўйчибоев).

## Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этиш шакллари

| Шакллар: | Моҳияти: | Афзалликлари: | Камчиликлари: |
|---|---|---|---|
| ***Оммавий-гуруҳли*** | ➢ Дарснинг мақсади – барча гуруҳлар учун бир хил. Гуруҳдаги барча ўқувчилар бир хил ёки бир турдаги топшириқларни бажарадилар.<br>➢ Меҳнат жараёнларини оммавий равишда ўрганишда қўлланилади. | ➢ Таълимни кўламли амалга оширишга имкон беради.<br>➢ Касб таълими устасининг кучи ва вақтини иқтисод қилади.<br>➢ Ўқувчиларни жамоа бўлиб ишлашга ўргатади. | ➢ Таълимни якка тартибда амалга ошириш имкониятини бермайди. |
| ***Бўлинма-кичик гуруҳли*** | ➢ Ҳар бир бўлинма (кичик гуруҳ) бошқа бўлинма (кичик гуруҳ)лардан фарқ қиладиган ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажарадилар.<br>➢ Ўқув-меҳнат жараёнларини оммавий бўлмаган шаклда ўрганиш ва мажмуий ишларни бажаришда қўлланилади. | ➢ Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларига табақалашган ҳолда раҳбарликни амалга оширишга имкон беради.<br>➢ Ўқувчилар ўртасида ўзаро ёрдам ва ўзаро назоратни ташкил этиш имконини беради. | ➢ Касб таълими устасининг ўқувчиларни назорат қилиши ва уларга йўл-йўриқ бериш борасидаги ишларини қийинлаштиради.<br>➢ Машғулотни режалаштириш ва унинг моддий-техник тайёргарлиги қийинлашади. |
| ***Якка тартибда*** | ➢ Ўқувчилар мазмунан турлича ишларни бажаришга жалб этилади.<br>➢ Мажмуий табиатли ишларни бажаришда қўлланилади. | ➢ Ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини мумкин қадар ҳисобга олишга, уларнинг фаолиятига якка тартибда раҳбарликни амалга оширишга имкон беради. | ➢ Машғулотни режалаштириш ва унинг моддий-техник тайёргарлиги мураккаблашади.<br>➢ Ўқувчиларнинг биргаликда ишлаш имконияти йўқолади. |



**Ўқув устахонасида якка тартибдаги машғулот**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши саноат касб-ҳунар коллежи. “Металларга ишлов бериш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – А.Алиқулов).



**Ўқув устахонасида бўлинма (кичик гуруҳ) машғулоти**
(Сурхондарё вилоятидаги Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи. «Ҳайвонлар жарроҳлиги» ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - М.Чориев)

## Касб таълими устасининг меҳнатини ташкил қилиш шакллари

| Шакллари: | Моҳияти: | Афзаллиги: | Камчилиги: |
|---|---|---|---|
| ***Касб таълими устасини ўқув гуруҳига бириктириш*** | ➢ Касб таълими устаси ўқув гуруҳини таълим жараёнининг бошидан охиригача “олиб боради”. У ўқувчилар жамоасининг ҳаёт-фаолияти ташкилотчиси, уларнинг тарбиячиси ва касб таълими ўқитувчиси ҳисобланади.<br>➢ Ўқувчиларни касб доирасидаги мутахассисликлар бўйича амалий тайёрлашда қўлланилади. | ➢ Ўқув-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш имконияти ортади. Ўқувчилар ҳаёти ва фаолиятидаги турли ташкилий муаммолар ҳамда тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконияти яратилади. | ➢ Касб таълими устасидан амалий касбий таълими мазмунига алоқадор барча ишлар бўйича ҳар томонлама касбий тайёргарлик талаб этилади.<br>➢ Касб таълими устасининг ўқув устахонасига (лабораториясига) нисбатан масъулияти пасаяди. |
| ***Касб таълими устасини ўқув устахонасига бириктириш*** | ➢ Касб таълими устаси турли ўқув гуруҳлари билан ўзига бириктирилган ўқув устахонада амалий касб таълимни амалга оширади.<br>➢ Ўқувчиларни касб доирасида амалий тайёрлашда қўлланилади. | ➢ Амалий касбий таълим сифатини ошириш имконияти яратилади. Касб таълими устасининг ўқув устахонасини жиҳозлаш бўйича масъулиятини оширади. | ➢ Касб таълими устасининг ўқув жамоасидаги ташкилий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишдаги иштироки пасаяди.<br>➢ Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш имконияти пасаяди. |
| ***Касб таълими устаси ишини бўлинма-кичик гуруҳ шаклида ташкил этиш*** | ➢ Мутахассисликлар бўйича ўқув гуруҳига бириктирилган касб таълими усталари таълимнинг барча босқичларида бўлинма - кичик гуруҳларга бирлашадилар. | ➢ “ Касб таълими устаси - гуруҳ” ва “ Касб таълими устаси - устахона” шаклларини тўғри уйғунлаштириш имконияти яратилади.<br>➢ Касб таълими усталарининг ўзаро алмашинуви ва ёрдами амалга ошади.<br>➢ Тажрибали касб таълими усталарининг ёш усталарга мураббийлик қилиш имконияти яратилади. | ➢ Ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва ҳисобга олиш қийинлашади.<br>➢ Гуруҳларда ўқув-тарбия жараёнига раҳбарлик қилишда масъулиятсизлик эҳтимоли кучаяди. |



**Касб таълими устасининг ўқув гуруҳига бириктирилиши.**
(Тошкент шаҳридаги Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи. “Чилангарлик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - Э.Красикова).




**Касб таълими устаси ишини бригада шаклида ташкил этиш**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши саноат касб-ҳунар коллежи.
Касб таълими устаси- Б.Рахматов).

## VI БЎЛИМ

## АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎҚУВ-МОДДИЙ ЖИҲОЗЛАНИШИ

## Ўқув устахоналари (лабораториялари)

### Ўқув–ишлаб чиқариш муҳитига қўйиладиган талаблар:

***Майдони бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ) талабларига мослик:***
*(бир ўқувчи ҳисобида):*
●Дастгоҳларда – 6-12 $м^2$
●Чилангарлик, элекр йиғиш ва ҳ.к. – 4,0-4,5 $м^2$
●Электр, газ пайвандлаш ишлари – 7,5-9,0 $м^2$
●Дурадгорлик, механик ишлар– 10-12 $м^2$

***Иш шароитининг мақбуллиги:***

●Ҳажми - бир ўқувчига 13 $м^3$ дан кам эмас.
●Ҳарорати - 16-20 $^0$ С.
●Шамоллатиш - бир ўқувчига 20 $м^3$/соат.
●Шовқин даражаси - 70 ДБ гача.

***Жиҳозларни меъёрида ўрнатиш ва ишлатиш шарт-шароитларига мувофиқ:***

●Дастгоҳлар, темирчилик, машина йиғиш, қурилиш-пардозлаш ва ҳ.к. – 1-қаватда.
●Чилангарлик, электр йиғиш, тикувчилик ва ҳ.к. – 2- ва 3-қаватларда.

***Санитария, гигиена ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқик:***
●Ёнғин ва портлашга хавфли бўлимлар изоляцияси.
●Чанг ва газ ажралувчи хоналарни изоляциялаш.
●Зарурий кўтарма-механик курил-малар мавжудлиги.
● Эшикларнинг етарли ўлчамга эгалиги.
● Ёнғинга қарши ўт ўчириш воситалари ва ёнғин ҳолатида

***Меъёрида ёритилганлик:***
*Табиий ёритилганлик:*
● Деразалар майдони пол майдонининг 6/1дан кам бўлмаслиги.
●Ёруғ тус берувчи бўёқларни қўллаш.
●Тўсиқли жойларда деразадан ёритилиш билан чироқли ёритилишни уйғунлаштириш.
*Сунъий ёритилганлик:*
●умумий - 100-150 лк

***Ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига мувофиқлик:***

●Девор, шифт ва жиҳозларнинг ранги ва туси (ҚМваҚ га мослиги).
●Ягона услубда жиҳозлаш ва мебелларни жойлаш.
●Дераза ва полларни яхшилаб тозалаш имкониятининг мавжудлиги.



**Ўқув устахонасининг ўқув–ишлаб чиқариш муҳити.**
(Самарқанд вилоятидаги Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи. “Чилангарлик” ўқув устахонаси)



**Ўқув устахонасининг ўқув–ишлаб чиқариш муҳити.**
(Тошкент шаҳридаги Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи. “Чилангарлик” ўқув устахонаси)

## Ўқув устахоналари (лабораториялари)

### Ўқув устахоналари (лабораториялари) мазмуни ва ташқи жиҳозланиши

**Мазмуни ва ташқи жиҳозлашга қўйилган талаблар**

- *Ягона эстетик услубда жиҳозланиши*
- *Ўлчамларнинг ҳисобга олинганлиги*
- *Санитария-гигиена ҳолатининг юқорилиги*
- *Ўқув–ишлаб чиқариш хужжатлари сақланиши*
- *Яхши «ахборот манбаи» эканлиги*
- *Касб таълими устасининг намунавий иш ўрни*

**Ўқув устахонаси ташқи жиҳозларининг *намунавий рўйхати:***

- **«Касбий тавсифнома»** - деворий плакат.
- **«Ҳавфсизлик қоидалари»** - деворий плакат.
- **«Ёнғин хавсизлиги қоидалари»** - деворий плакат.
- **«Ўқувчиларнинг хулқ-атвор қоидалари»** - деворий плакат.
- **«Ўқувчиларга меҳнат ва иш ўрнини ташкил этиш бўйича эслатма»** - деворий плакат.
- **Ўқувчиларнинг ўқув - ишлаб чиқариш ишлари**дан намуналар кўргазмаси.
- **Маълумотли жадваллар.**
- **Гуруҳнинг деворий газетаси.**



**Ўқув устахоналари (лабораториялари) мазмуни ва жиҳозланиши.**
(Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежи.
«Тикувчилик» ўқув устахонаси)



**Ўқув устахоналари (лабораториялари) мазмуни ва жиҳозланиши.**
(Тошкент шаҳридаги Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи.
"Чилангарлик" ўқув устахонаси)



**Ўқув устахоналари (лабораториялари) мазмуни ва жиҳозланиши.**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи).



**Ўқув устахоналари (лабораториялари) мазмуни ва жиҳозланиши.**
(Қашқадарё вилоятидаги Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи).




**Ўқув устахоналари (лабораториялари) мазмуни ва жиҳозланиши.**
(Фарғона вилоятидаги Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежи)



**Ўқув устахоналари (лабораториялари) мазмуни ва жиҳозланиши.**
(Қорақалпоғистон Республикасидаги 2-сон Нукус саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи. «Донни сақлаш ва қайта ишлаш» ўқув устахонаси).

## Ўқув устахоналари (лабораториялари)

### Ўқувчининг иш ўрни ва унга қўйилган талаблар:

**Ўқувчи иш ўрнининг асосий таркибий қисмлари:**

- Ўқув устахонасида меҳнат қуролларидан меъёрида фойдаланиш ва уларни жойлаштириш учун зарур бўлган майдон
- Жиҳозлар, асбоб-ускуналар, ўқув ва техник ҳужжатларни сақлаш ва жойлаштириш учун мосламалар
- Ўқув-ишлаб чиқариш жиҳозлари
- Иш ўринларига бириктирилган кўтарма-транспорт воситалари (аравачалар, таллар, кўтаргичлар ва ҳ.к.)
- Материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва чиқиндиларни сақлаш ва жойлаштириш учун мосламалар
- Меҳнат хавфсизлиги шарт-шароитлари ва меъёрий меҳнат ҳолатини таъминловчи мосламалар

**Асосий талаблар:**

- Жиҳозларнинг техник созлиги ва хавфсизлик талабларига мос келиши
- Авария сигнализацияси ва касб таълими устаси билан масофадан алоқа ўрнатиш воситалари билан жиҳозланиши
- Иш ўрнининг етарли ёритилганлиги ва эргономика талабларига жавоб бериши
- Жиҳозларга жорий хизмат кўрсатиш, уларни тозалаш ва йиғиштириш учун қулайликлар

# Ўқувчи иш ўрнининг жиҳозланиши ва унга қўйилган талаблар:




***Чилангар-ўқувчи иш ўрнини жиҳозлашда якка тартибда фойдаланиладиган доимий асбоблар рўйхати:***

1. **Исканжа баландлигини бўйга ростлаш учун тутқич -** калит
2. **Металл чизғич-**1 дона
3. **Чизғич-**1 дона
4. **Белгилаш циркули-**1 дона
5. **Тўғриловчи локал чизғич-**1 дона
6. **Тўғриловчи, ясси, чилангарлик, 90° бурчакли чизғич-**1 дона
7. **Кернер-**1 дона
8. **Штангенциркуль ШЦ-1-**1 дона
9. **Массаси (400-500) грамм бўлган чилангарлик пўлат болғаси-** 1 дона
10. **Чилангарлик зубилоси-**1 дона
11. **Турли эговлар** – 4-5 дона
12. **Супурги –** 1 дона



**Ўқувчи иш ўрни ва унинг жиҳозланиши**
(Фарғона вилоятидаги Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи.
“Таъмирлаш” ўқув лабораторияси.



**Ўқувчи иш ўрни ва унинг жиҳозланиши**
(Самарқанд вилоятидаги Самарканд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи)



**Автомобиль ҳайдовчисининг машқ қилиш аппарати мажмуи**



**Тик пармалаш дастгоҳи мажмуи**

## Ўқув устахоналари (лабораториялари)

**Касб таълими устасининг иш ўрнига қўйилган умумий талаблар:**

- Ўқув-техник ва эстетик жиҳатдан намунали жиҳозланиши
- Жиҳозлар, ўқув–техник хужжатлар, таълимнинг техник ва дидактик воситаларининг жойлаштирилиши, сақланиши ва улардан фойдаланиш
- Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда меҳнат усулларини самарали кўрсатишга имкон берувчи меъёрий шароитлар билан таъминланиши: махсус мосламалар билан жиҳозланиши, ёритилиши
- Ўқув устахонаси жиҳозланиши билан хона ўлчамлари ва хусусиятларининг кўламли ва методик бирлиги
- Кириш, жорий ва якуний йўриқ бериш пайтида ўқувчилар жойлашадиган махсус майдончалар мавжудлиги
- Илғор тажриба ютуқлари, илмий тавсиялар ва таълим мазмунини такомиллаштириш асосида ўқув-техник ва дидактик жиҳозланишни мунтазам янгилаш ва тўлдириш

## Ўқув устахоналари (лабораториялари)

### Касб таълими устаси иш ўрнининг жиҳозланиши

#### Мажбурий жиҳозланиш:

- *Кўтарилган жой, стол, стул; видеопроектор; синф хат тахтаси (доскаси)*
- *Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда меҳнат усулларини намойиш этувчи қурилмалар*
- *Ўқувчилар иш ўрнига энергия (электр токи, сиқилган газ, ёқилғи газ ва ҳ.к.) бериш ва узиш қутиси*
- *Асбоб-ускуна, материал, ҳужжат ва дидактик воситаларни сақлаш учун мосламалар*
- *Барча ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича дидактик воситалар ва ўқув-техник ҳужжатлар*
- *Таълимнинг дидактик ва техник воситаларидан фойдаланиш қурилмалари*

#### Қўшимча жиҳозланиш:

- Ўқувчиларга йўриқлар беришда уларнинг ўтириши учун мосламалар
- Видеомагнитофон ва видеокамера мажмуи
- Таълим воситалари учун қўшма (методик) жовон
- Экранли воситалар учун парда (экран)
- Препараторлик хонаси
- Электромагнит доска
- Таълимнинг техник воситалари, сигнализация ва ўқувчилар билан тезкор алоқа боғлашни масофадан бошқариш пульти
- Назорат қилувчи ва «ўргатувчи» компьютер ва мультимедиа қурилмалари




**Касб таълими устасининг иш ўрни ва жиҳозланиши**
(Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи.
“Йўл ҳаракати хавфсизлиги” ўқув лабораторияси)



**Касб таълими устасининг иш ўрни ва жиҳозланиши**
(Тошкент шаҳридаги Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи,
“Радиоалоқа” ўқув устахонаси).

## Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси

**«Автомобилларнинг ички ёнув двигателлари» ўқув лабораторияси**




**Шартли рақамлар:**

1. Айланувчи махсус тахтага ўрнатилган автомобиль двигатели
2. Айланувчи махсус тахтага ўрнатилган автомобиль двигатели
3. Айланувчи махсус тахтага ўрнатилган автомобиль двигатели
4. Карбюраторлар
5. Автомобилнинг қирқимли двигатели
6. Автомобиль уланиши
7. Узатишлар қутиси
8. Автомобилнинг олдинги кўприги
9. Автомобилнинг орқа кўприги
10. Машина ва механизмларнинг кичик ўлчамли деталлари ва қисмлари
11. Дастгоҳлар

## Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси

**«Қишлоқ хўжалик машиналари ички ёнув двигателлари» ўқув лабораторияси**




**Шартли рақамлар:**

1. Трактор двигателлари
2. Трактор двигателлари
3. Трактор двигателлари
4. Трактор уланиши
5. Тракторнинг узатиш қутиси
6. Тормоз (секинлатгич) тизими
7. Трактор кўприги
8. Трактор двигателлари қирқимлари мажмуи
9. Қирқимли двигатель
10. Двигателларни йиғиш ва қисмларга ажратиш учун махсус тахта
11. Мосламалар
12. Узатиш қутиси, ёқилғи насоси, уланиш қирқимлари
13. Деталларнинг асл намуналари

## Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси

### «Темирчилик» ўқув устахонаси




**Шартли рақамлар:**

1. Ҳаво сўриш парраги бўлган темирчилик карнайи
2. Ҳаво парраги
3. Исканжали дастгоҳ
4. Кўмир учун қути
5. Асбоб-ускуналар учун темир стол
6. Сандон
7. Тоблаш учун махсус идиш
8. Карнай тортқичи
9. Чиқиндилар учун қути
10. Ёнғинга қарши қути
11. Йўл-йўриқлар бериш жойи
12. Касб таълими устаси учун стол ва стул

## Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси

### «Электр-газ пайвандлаш» ўқув устахонаси




**Шартли рақамлар**:

1. Электр пайвандлаш аппарати
2, 7. Пайвандлаш учун металл столлар
3, 8. Металл стуллар
4. Электр тақсимоти тўсиғи
5. Ток улаш-узиш мосламаси (қўшгич-ажратгич)
6. Ёнғинга қарши қути
9. Нуқтали пайвандлаш мосламаси
10. Исканжали дастгоҳ
11. Чиқинди қутиси
12. Стол усти пармалаш дастгоҳи

**Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси**

**«Техник хизмат кўрсатиш» ўқув лабораторияси**




**Шартли рақамлар**:

1. Қаров ўраси
2. Мой бочкаси
3. Стол усти пармалаш дастгоҳи
4. Устунли пармалаш дастгоҳи
5. Аккумулятор батареяларини зарядлаш мосламаси
6. Ёнғинга қарши қути
7. Исканжали чилангарлик дастгоҳи
8. Машина исканжаси
9. Асбоб-ускуналар қутиси
10. Чиқиндилар қутиси
11. Автогенератор
12. Компрессор

**Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси**

## «Чилангарлик-механика» ўқув устахонаси




**Шартли рақамлар**:

1. Чилангарлик дастгоҳи
2. Пармалаш дастгоҳи
3. Қайраш дастгоҳи
4. Металлга ишлов бериш дастгоҳи
5. Токарлик дастгоҳи
6. Чиқиндилар қутиси
7. Касб таълими устаси иш ўрни
8. Электр тақсимоти тўсиғи
9. Диаметри 8 - 20 мм бўлган пармалар тўплами
10. Стол усти пармалаш дастгоҳи

**Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси**

**"Йўл машиналари, автомобиль ва тракторлар тузилиши ҳамда улардан фойдаланиш" ўқув лабораторияси**




**Шартли рақамлар**:

1. Айланувчи махсус тахтага ўрнатилган бульдозер двигатели.
2. Айланувчи махсус тахтага ўрнатилган экскаватор двигатели.
3. Бульдозернинг узатмалар қутиси.
4. Экскаваторнинг узатмалар қутиси.
5. Бульдозернинг олдинги кўприги.
6. Экскаваторнинг олдинги кўприги.
7. Бульдозернинг орқа кўприги.
8. Экскаваторнинг орқа кўприги.
9. Автогрейдер модели.
10. Асфальт ётқизиш машинасининг модели.
11. Бульдозер, экскаватор ва бошқа йўл шиналарининг кичик ўлчамли деталлари ва стендлари.
12. Дастгоҳлар.

## Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) жиҳозларни жойлаштиришнинг намунавий чизмаси

### "Геодезия" ўқув устахонаси




**Шартли рақамлар**:

1. Теодолит GST 20
2. Нивелир NA 820
3. Рейка (3-метрлик)
4. Масофа ўлчагич (50-100 метр узунликда)
5. Болғалар.
6. Қозиқлар.
7. Штативлар.
8. Кипрегель КА-2
9. Теодолит ТС-600Е
10. Дисто RS 232
11. Калькуляторлар.
12. Столлар (чизма тахталари билан жиҳозланган)
13. Стуллар
14. Геодезик асбоб-ускуналар деталлари ва қисмлари турадиган жой
15. Касб таълими устаси иш ўрни.

# VII БЎЛИМ

# АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ МАЖМУИЙ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ

## Амалий касбий таълимнинг мажмуий методик таъминоти тизими

**Амалий касбий таълимнинг мажмуий методик таъминоти тизими**

- **Мажмуда амалий касбий таълим ўқув дастурлари мавзулари бўйича ўқув материалларининг асосий масалаларини қамраб олиш**
- **Мажмуда амалий касбий таълимнинг турли воситаларини уларнинг дидактик функциялари ва умумлашган ўқув вазиятларни ҳисобга олган ҳолда қўллаш**
- **Мажмуда амалий касбий таълим жараёнининг барча босқичларини акс эттириш:**
  **1) ҲМАни вужудга келтириш;**
  **2) фаолиятнинг янги усулларини шакллантириш;**
  **3) фаолиятнинг ўзлаштирилган усулларини амалда қўллаш;**
  **4) назорат (ўз-ўзини назорат);**
  **5) хулосалар чиқариш**
- **Мажмуда амалий касбий таълим жараёнининг маърифий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишни таъминлаш**
- **Мажмуада касб таълими устасининг ўқитиш ва ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш**
- **Мажмуда иқтисодий ва хавфсизлик омиллари, санитария-гигиена ва экологик талабларни ҳисобга олиш**

**Амалий касбий таълимнинг мажмуий методик таъминоти мазмуни**

**Ўқув-методик ҳужжатлар:**

- Ўқув режалари.
- Ўқув амалиёти дастурлари.
- Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхати.
- Гуруҳларнинг ишлаб чиқариш фаолияти режаси.
- Ўқувчиларнинг кўчиш жадваллари.
- Ишлаб чиқариш амалиёти дастурлари.
- Ўқув-ишлаб чиқариш ишларига ўқув-техник ва технологик талаблар ва бошқ.

**Ўқувчилар учун таълим воситалари:**

- Дарсликлар.
- Ўқув қўлланмалари.
- Маълумотномалар.
- Масалалар тўплами.
- Иш чизмалари тўпламлари.
- Касбга ўргатиш бўйича қўлланмалар (йўриқли хариталар тўпламлари).
- Технологик жараёнлар хариталари тўпламлари ва бошқалар.

**Дарснинг дидактик воситалари:**

- Аслий ва тасвирий кўрсатмали қўлланмалар.
- Ахборот-комуникация технологиялари воситалари.
- Машқ қилиш аппаратлари ва қурилмалари.
- Йўриқли хариталар.
- Йўриқли-технологик ва технологик хариталар ва бошқалар.

**Касб таълими устаси учун дидактик воситалар:**

- Касблар бўйича хусусий методика.
- Касблар бўйича ахборотлар материаллари.
- Ўқув дастурлари мавзулари бўйича методик ишланмалар.
- Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари учун йўриқли ва технологик хариталар тўплами.
- Иш ўйинларини ўтказиш учун методик ишланмалар ва бошқалар.

## Амалий касбий таълимнинг дидактик воситалари

| Таълим воситалари: | *Дидактик функциялари (имкониятлари):* | *Қўлланиладиган ўқув вазиятлари:* |
|---|---|---|
| ***Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари*** | ➢ мазмунан қуйидагиларни қамраб олади:<br>-касбга оид ишларни бажариш техникаси ва технологиялари ҳақида зарурий маълумотлар;<br>-иш усуллари ва қоидалари ҳақида тавсиялар;<br>-назорат усуллари ва воситалари ҳақида маълумотлар;<br>-зарурий ахборот материаллари.<br>Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дарсларини онгли ўзлаштиришда махсус фанлар материалларини мустақил ўрганиш ва такрорлаш асосий манба ҳисобланади. | ➢ навбатдаги машғулотларга тайёргарлик кўришда;<br>➢ касбга оид амалий ишларни бажаришнинг ўқув-технологик жараёнларини мустақил ишлаб чиқишда. |
| ***Масалалар ва топшириқлар тўплами*** | ➢ ишлаб чиқариш вазиятларини таҳлил этиш, машқ-масалалар ечиш ва лаборатория–амалий ишларни бажаришда ўқувчиларга тезкор топшириқлар бериш имкониятини яратади. | ➢ ишлаб чиқариш вазиятларида қарорлар қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришда;<br>➢ ташхислаш машқларини бажаришда;<br>➢ иш ўйинларини ўтказишда. |
| ***Ахборотномалар*** | ➢ ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш ва режалаштиришда зарурий ахборотлар олиш манбаи ҳисобланади, ёрдамчи адабиётлардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга имкон беради. | ➢ масалалар ечишда;<br>➢ технологик жараёнларни мустақил лойиҳалашда;<br>➢ мосламаларни конструкциялашда ва ҳ.к. |

## Амалий касбий таълимнинг дидактик воситалари

| Таълим воситалари: | *Дидактик функциялари (имкониятлари):* | *Қўлланиладиган ўқув вазиятлари:* |
|---|---|---|
| ***Тасвирий кўрсатмали қўлланмалар*** *(плакатлар, жадваллар, чизмалар, фотосуратлар ва ҳ.к.)* | ➢ ўқув ахборотларини расмлар, жадваллар, чизмалар ва сонли шаклларда етказади. Ўрганилаётган объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг ташқи кўриниши, ички тузилиши, ишлаш тамойилларини кўрсатишга, миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ёритишга имкон беради. | ➢ бажариладиган ишлар тамойили ва тузилишини, вазифаси, сон ва сифат кўрсаткичларини намойиш этиш ва мустақил ўрганишда; ➢ меҳнатга оид ҳатти-ҳаракатларни бажариш усуллари (услублари) тасвирини яратишда. |
| ***Моделлар*** | ➢ ҳаракатлар тамойилларини, таркибий қисмларнинг ўзаро таъсири ва боғланишини, ҳаракатдаги механизмлар ҳаракатини юзага келтирувчи кучларни ўрганиш имкониятини яратади. | ➢ ҳаракатлар тамойилларини, таркибий қисмларнинг ўзаро таъсири ва боғланишини, ҳаракатдаги механизмлар ҳаракати занжирини намойиш этиш ва мустақил ўрганишда; ➢ механизмларни созлаш ва бошқариш усулларини машқ қилишда. |
| ***Макетлар, муляжлар, эталон маҳсулотлар*** *(деталлар)* | ➢ ўрганилаётган объектлар қисмларининг кўламли нисбати, ўзаро алоқаси, жойлашиши, йиғилиши, ишлов берилишига қўйилган техник талаблар, ташқи кўриниши, тузилиши, шакли, ўлчамлари ва ранги ҳақида аниқ маълумотлар олишга имкон беради. | ➢ ўрганилаётган объектлар ҳақидаги умумий маълумотларни мустақил ўзлаштириш ва тушунтириш жараёнида; ➢ кириш йўриғини бериш ва намуна-эталон машқларини бажариш жараёнидаи. |

## Амалий касбий таълимнинг дидактик воситалари

| Таълим воситалари: | *Дидактик функциялари (имкониятлари):* | *Қўлланиладиган ўқув вазиятлари:* |
|---|---|---|
| ***Экранли қўлланмалар:*** *ўқув киноси (кинофильм, кинофрагмент) видеоёзувлар* | ➢ жараёнлар ва вазиятларни уларнинг ривожланиш суръатида ёритади ва меҳнатга оид ҳатти-ҳаракатларни (амалларни) бажариш усулларини намойиш этиш воситаси ҳисобланади.<br>Янги техника ва технологияларни, меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиш имконини беради. Ўрганилаётган ҳаракатларнинг суръати ва маромини секинлаштиришга, унинг элементларини кўзғатмасдан намойиш этишга, заруратга қараб ўзлаштирилаётган ҳаракатларни бир неча бор қайта кўрсатишга имконият яратади. | ➢ бевосита бажариб кўрсатиш имконияти бўлмаган жараёнларни тезлаштириб ёки секинлаштириб кўрсатиш ва тушунтиришда;<br>➢ машина, механизм ва агрегатларнинг ички тузилишини ўрганишда;<br>➢ ўқувчиларда кириш йўриғи жараёнида ўзлаштириладиган меҳнат усулларининг тасвирий образини ҳосил қилишда;<br>➢ ўқувчиларнинг машқлар бажариш жараёнини видеотасвирга олиш ва таҳлил этишда. |
| ***Диафильмлар, диапозитивлар, слайдлар*** | ➢ ўқув материаллари мантиғига мувофиқ ўзаро боғлиқ тасвирлар тизимини ҳосил қилиш имконини беради ва ахборотларнинг мустақил манбаи ҳисобланади. | ➢ ўзаро боғлиқ объектлар, жараёнлар ва ходисаларни ўрганишда;<br>➢ ўзлаштирилаётган меҳнат усулларининг тасвирли образини яратишда;<br>➢ жиҳозларга хизмат кўрсатиш усулларини ўрганишда. |
| ***Транспарантлар*** | ➢ кодоскоп орқали тасвирларни ва ясси моделларни катталаштирилган ҳолда намойиш этиш имконини яратади. | ➢ ўрганилаётган объектлар ва уларнинг таркибий қисмлари тасвирини, чизмалар ва жадвалларни, шунингдек жараён ва ҳодисаларнинг моделлаштирилган шаклларини намойиш этишда. |

## Амалий касбий таълимнинг дидактик воситалари

| Таълим воситалари | *Дидактик функциялари (имкониятлари):* | *Қўлланиладиган ўқув вазиятлари:* |
|---|---|---|
| ***Аслий (табиий) кўрсатмали қўлланмалар*** | ➢ ўрганилаётган объектларнинг ташқи кўриниши, тузилиши, таркибий қисмлари ҳаракатлари ва хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари, шунингдек, уларни қўллаш, бошқариш ва созлаш усулларини ўзлаштириш ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга имкон беради. | ➢ ўқувчиларга кириш йўриғини бериш жараёнида жиҳозлар, мосламалар, асбоб- ускуналар ва шу кабиларнинг вазифаси, тузилиши, хоссалари, бажариш ва қўллаш усуллари, созлаш ва ишга туширишни тушунтириш ва намойиш этишда. |
| ***Ўқувчилар учун дидактик материаллар ва ҳужжатлар*** *(ишчи чизмалар, техник талаблар, топшириқ-карточкалар, умумлашган хатоликлар жадвали, баҳолаш мезонлари ва ҳ.к.)* | ➢ ўқувчиларга дарс ва дарсдан ташқари турли хил ўқув топшириқларини, ўз-ўзини назорат қилиш материалларини, йўриқнома ва ахборотнома материалларини тез тақдим этиш имконини беради.<br>Таълим жараёнини индивидуаллаштириш имконини яратади. | ➢ кириш йўриғини ўтказишда;<br>➢ ўқувчиларнинг машқлар, лаборатория-амалий ишлар, ўқув ва уй вазифаларини бажаришида;<br>➢ бажариладиган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўз-ўзини назорат ва таҳлил қилишда. |
| ***Овозли ёзув*** | ➢ магнитофон орқали ишлаётган машина, механизм ва аппаратларнинг турли овоз тавсифларини (шовқин, тақиллашлар, маромлар ва ҳ.к.) эшиттириш имконини беради | ➢ машина ва механизмларни эшитиш орқали ташхислаш ва созлаш усулларини бажариш ва намойиш этишда;<br>➢ ўқувчиларнинг техник эшитиш қобилиятини ривожлантириш бўйича махсус машғулотлар ва машқлар ўтказишда. |

## Амалий касбий таълимнинг дидактик воситалари

| Таълим воситалари: | *Дидактик функциялари (имкониятлари):* | *Қўлланиладиган ўқув вазиятлари:* |
|---|---|---|
| ***Машқ қилиш аппаратлари ва жиҳозлари*** | ➢ техник объектларнинг тузилиши ва вазифаларини моделлаштиради;<br>➢ назария ва амалиётнинг ўзаро алоқасини таъминлайди;<br>➢ бузилиб қолиш ва ишдан чиқиш хавфларини четлаган ҳолда ўқувчиларни аниқ ишлаб чиқариш шароитларига яқинлаштиради;<br>➢ техник объектларнинг турли иш режимларини кўп марта қайтариш ва ўқувчилар томонидан бажариб кўриш, мураккаб иш шароитлари ва авария ҳолатларини ҳисобга олиш имкониятини беради;<br>➢ ўз-ўзини назорат қилиш усулларини ривожлантиради. | ➢ ўқув шароитларида мураккаб ишлаб чиқариш жиҳозларига хизмат кўрсатиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишда. |
| ***Машқ бажариш қурилмалари*** *(қирқишда зарб беришни ўрганиш, арралаш ва қирқишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ҳ.к.)* | ➢ енгил шароитларда ишларни бажариш усулларини ўзлаштириш имконини беради;<br>➢ усулларни бажаришга қўйилган талаблар тавсифини баҳолаш имкониятини яратади;<br>➢ усуллар бажарилишининг тўғрилигини тез назорат қилиш ва ўзини-ўзи назорат қилишни таъминлайди. | ➢ меҳнат жараёнларини бажариш усулларини ўрганишнинг илк босқичларида бошланғич кўникмаларни ҳосил қилишга оид машқларда. |

**Амалий касбий таълимнинг дидактик воситалари**

| Таълим воситалари | *Дидактик функциялари (имкониятлари):* | *Қўлланиладиган ўқув вазиятлари:* |
|---|---|---|
| ***Йўриқли харитaлар*** | ➢ иш турлари ва меҳнат усулларини бажариш кетма-кетлиги, қоидалари ва техник талаблари ҳақида йўриқли кўрсатмалар ва тушунтиришларни ўз ичига олади. | ➢ иш жараёнлари, вазифалари ва иш турларини бажариш орқали меҳнат усулларини ўрганиш ва шакллантиришда. |
| ***Йўриқли-технологик (технологик) харитaлар*** | ➢ мажмуий табиатли ишларни бажаришда технологик кетма-кетликларни, йўриқли кўрсатмалар ва техник талабларни, иш воситалари ва тартибларининг технологик моҳиятини очиб беради. | ➢ мажмуий табиатли ўқув-ишлаб чиқариш ишларни бажаришда. |
| ***Шахсий компьютерларнинг педагогик дастурли воситалари*** | ➢ таълим жараёнини компьютерлар билан мулоқот режимида индивидуаллаштиришга, технологик ва меҳнат жараёнларини ривожланиш суръатида моделлаштиришга имкон беради ва ўқув ахборотларининг мустақил манбаи ҳисобланади. | ➢ қуйидаги мақсадларда қўлланилади:<br>-зарурий техник ва технологик ахборотларни олиш;<br>-ўқувчиларнг билим ва кўникмаларини назорат қилиш , ўз-ўзини назорат қилиш;<br>-ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг энг мақбул технологиялари ва режимларини танлаш (бажариш);<br>-ўқув жараёни натижаларига тезкор статистик ишлов бериш. |

# VIII БЎЛИМ

# АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ


Амалий касбий таълимни режалаштириш
Амалий касбий таълимни режалаштириш вазифалари:
Ўқув-ишлаб чиқариш таълимини меъёрида ўқув-моддий жиҳозлаш учун шарт-шароитлар яратиш
Ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш рўйхатлари, ҳажми ва муддатларини аниқлаш
Ўқув-ишлаб чиқариш таълими режалари ва дастурларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш. Касб таълими устасининг машғулотларга сифатли тайёрланиши учун шарт-шароит яратиш
Ўқув-ишлаб чиқариш таълими эҳтиёжларига ажратилган молиявий ва моддий воситалардан тўғри фойдаланишни таъминлаш
Ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаолиятини оқилона мувофиқлаштиришни таъминлаш
Ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўқув-ишлаб чиқариш ишларини тўғри танлашни таъминлаш

## Амалий касбий таълимни режалаштириш





**Ўқув-ишлаб чиқариш таълимини меъёрида ўқув-моддий жиҳозлаш учун шарт-шароитлар яратилиши**
(Қашқадарё вилоятидаги Ковчин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – Т.Нуров)




**Ўқув-ишлаб чиқариш таълими эҳтиёжларига ажратилган моддий воситалардан тўғри фойдаланишнинг таъминланиши**
(Самарқанд вилоятидаги Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи. “Газ таъминоти тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - М.Мирзаев)



**Касб таълими устасининг машғулотларга сифатли тайёрланиши учун шарт-шароит яратилиши**
(Қашқадарё вилоятидаги Қовчин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси – Т.Нуров)




**Ўқув-ишлаб чиқариш таълими эҳтиёжларига ажратилган моддий воситалардан тўғри фойдаланишнинг таъминланиши**
(Навоий вилоятидаги Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи)

## Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлаш

**Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлашга қўйилган умумий талаблар:**

- Ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати объектларининг муҳимлиги (аҳамияти)
- Ишларнинг касб учун умумийлиги; замонавий техника ва технологиялар, меҳнатнинг илғор усулларини эгаллаш имконияти
- Ўқув-ишлаб чиқариш таълими дастурларининг мазмунан техник ва технологик талабларга, ишлар қийинлиги ва мураккаблигига мос келиши
- Ўқувчиларнинг ишларни мураккаблик ва аниқлик даражаси, вақт меъёри, зарурий билимлар ҳажми ва жисмоний зўриқиш мезонлари бўйича бажара олиши
- Ишларнинг ўқув-ишлаб чиқариш таълими жараёни доирасида аста-секин мураккаблашиб бориши
- Ишларнинг хилма-хиллиги (шакли, ўлчами, меҳнат усуллари ва жараёнлари, қўлланиладиган материаллар ва уларнинг сифатга қўйилган техник талаблар бўйича)




**Ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати объектлари**
(Навоий вилоятидаги Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи)



**Ўқувчиларнинг ишларни мураккаблик ва аниқлик даражаси, вақт меъёри, билимлар ҳажми ва жисмоний зўриқиш мезонлари бўйича бажариши**
(Самарқанд вилоятидаги Сиёб қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи. “Газ таъминоти тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - М.Мирзаев)



**Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг замонавий техника ва технологиялар, меҳнатнинг илғор усуллари асосида эгалланиши**
(Қашқадарё вилоятидаги Қовчин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси –Н.Хаитов).



**Ўқув ишлаб чиқариш ишларининг хилма-хиллиги (шакли, ўлчами, меҳнат усуллари, қўлланиладиган материаллар ва сифатга қўйилган техник талаблар бўйича)**
(Тошкент шаҳридаги Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи. “Чилангарлик” ўқув устахонаси).

**Амалий касбий таълимнинг турли босқичларида ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

***Меҳнат жараёнларини ўрганиш бўйича ўқув-ишлаб чиқариш ишлари:***

- ўрганиладиган меҳнат жараёнлари мазмунан илғор бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлаш;
- меҳнат жараёнлари ва маҳсулотлари кўп қисмли бўлган ишларни босқичма-босқич бажаришни ташкил этиш;
- коллеж доирасида юқори ва қуйи курс ўқувчиларининг касб бўйича мураккаб ишларни бажаришини биргаликда ташкил этиш;
- мураккаб меҳнат усуллари ва жараёнларини бажариб ўрганиш учун ўқув-машқ ишларидан фойдаланиш.

***Ўқув устахоналарида бажариладиган мажмуий ўқув-ишлаб чиқариш ишлари:***

- турли ҳолат ва шаклларда олдин ўрганилган меҳнат жараёнларини ўз ичига олувчи ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлаш;
- мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқишда коллеж миқёсида касблараро кооперацияни ташкил этиш;
- мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқишда коллеж ва таянч корхона ўртасида кооперация ташкил этиш;
- ўқув устахоналарининг ўқув-моддий жиҳозланиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозимлигини ҳисобга олиш.

***Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида бажариладиган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари:***

- ишлаб чиқариш соҳаси, таянч корхона ва ўқувчилар касби ҳамда мутахассислигига мувофиқ бўлиши;
- замонавий илғор техника ва технологиялар, касб бўйича унумли меҳнат усулларини эгаллаш имкониятларини таъминлаш;
- меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усулларини эгаллаш имкониятини таъминлаш;
- ўқувчилар меҳнати ва экологик хавфсизлиги шарт-шароитларини таъминлаш.



**Меҳнат жараёнларини ўрганиш бўйича танланган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари**
(Самарқанд вилоятидаги Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи. “Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўргатиш, таъмирлаш ва ишлатиш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - Б.Турабов)



**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида танланган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг бажарилиши**
(Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари)




**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида танланган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг бажарилиши**
(Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари)



**Меҳнат жараёнларини ўрганиш бўйича танланган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг бажарилиши**
(Тошкент шаҳридаги Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи. “Чилангарлик” ўқув устахонаси)


Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштириш
Ўқувчилар томонидан меҳнат жараёнларини ўрганишда бажариладиган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари фақат ишлаб чиқариш таълимини режалаштириш учун меъёрлаштирилади. Бунда ўқувчиларга вақт (ишлаб чиқариш) меъёрлари маълум қилинмайди.
Ишлаб чиқариш амалиёти шароитлари ва ўқув устахоналарида ўқувчилар томонидан бажариладиган мажмуий ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ҳамма вақт меъёрлаштирилади. Бунда вақт (ишлаб чиқариш) меъёри ўқувчиларга маълум қилинади.
Ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини меъёрлашнинг ўқув-тарбиявий аҳамияти
Ўқувчилар касбий маҳоратини шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади
Ўқувчилар ўзлаштиришини баҳолашнинг холис мезонларидан бири ҳисобланади
Ўқувчиларнинг юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи тезкор иш усулларини ўзлаштиришини рағбатлантиради
Амалий касбий таълимни оқилона режалаштириш учун дастлабки маълумотларни қайд этишга имкон беради
Ўқувчиларда мақсад сари интилишни тарбиялайди, ижодий қобилиятларни ривожлантиради, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаоллигини рағбатлантиради
Ўқувчиларда ўқув вақтига нисбатан тежамкорлик муносабатини тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатади

**Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхати:**
(намунавий шакл)

200_/__ ўқув йили ______ семестри учун.    Курс ____
Йўналиш номи: ______________________________________________
Касб номи: ______________________________________________
Дастур номи ______________________________________________

| Мавзуни ўрганиш вақти (ойи) | **Дастур мавзулари** (кичик мавзулар) **номи ва тартиб рақами** | **Мавзуни** (кичик мавзуни) **ўрганишга ажратилган вақт** (соатларда) | | | | **Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари** | | Ишнинг мураккаблик даражаси (тоифаси) | Ишчи (ишлаб чиқариш) вақти меъёри | Ўқувчи (ишлаб чиқариш) вақт имеъёри | Бир ўқувчига тўғри келувчи ишлар сони | Бажарилганлиги тўғрисида белги |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | шу жумладан: | | | Номи | Деталлар ва чизмаларнинг тартиб рақамлари | | | | | |
| | | | Йўриқ беришга | Амалий машқ бажаришга | Ишлаб чиқариш фаолиятига | | | | | | | |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** | **10** | **11** | **12** | **13** |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

**Гуруҳнинг ўқув устахонасидаги ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти режаси**
(намунавий шакл)

200_/___ўқув йили _____ семестри учун. Курс ____ Гуруҳ №______
Йўналиш номи: ________________________________________________
Касб номи: ___________________________________________________
Касб таълими устаси ____________________________________
Гуруҳдаги ўқувчилар сони ____ нафар.
Гуруҳнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига ажратилган умумий вақт жамғармаси_______ соат.
Дастур номи ________________________________________________

| Дастур мавзуларининг номи ва тартиб рақами | Мавзуга ажратилган соатлар миқдори | Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари номи | Гуруҳга берилган ишлар миқдори (ҳажми), (гуруҳли топшириқ) | Иш бирлигига нисбатан ўқувчи вақт (ишлаб чиқиш) меъёри | Гуруҳли топшириқни бажаришга ажратилган жами соат | Эслатма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | | | | | |

Гуруҳнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти учун умумий вақт жамғармаси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\mathbf{B_{ичф} = (B_{ич} - B_{й} - B_{м}) \bullet n}$$

бу ерда:

**$B_{ич}$** - ***дастур бўйича мазкур давр учун ажратилган умумий вақт***
**$B_{й}$** - ***кириш ва якуний йўриқлар ўтказиш учун зарур бўлган вақт***
**$B_{м}$** - ***амалий машқларни бажариш учун зарур бўлган вақт***
**n** - ***гуруҳдаги ўқувчилар сони***



**Гуруҳнинг ўқув устахонасидаги ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти**
(Тошкент шаҳридаги Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи, “Электр пайвандлаш” ўқув устахонаси).



**Гуруҳнинг ўқув устахонасидаги ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти**
(Навоий вилоятидаги Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи. “Саноат корхоналари электр жиҳозлари” ўқув устахонаси)

## Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари режасининг бажарилишини ҳисоблаш

**1.Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари мажмуини тайёрлаш режасининг бажарилиши** (% ҳисобида):

$$\sum В_{ўқ} \;/\; \sum В_{ичф}) \bullet 100\%$$

Бу ерда:

$\sum В_{ўқ}$ - яроқли ҳолатда тўлиқ топширилган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ҳисобланган ўқувчи соат-меъёридаги вақт йиғиндиси;

$\sum В_{ичф}$- ишлар мажмуи ҳисобидан келиб чиқилиб, ишлаб чиқариш фаолиятига (бир ўқувчи ёки гуруҳга) ажратилган режали вақт.

2.**Муайян давр (ой, чорак, ярим йиллик, ўқув йили) учун бир ўқувчининг ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти режасининг бажарилиши** (% ҳисобида):

$$\sum В_{ўқ} \;/\; \sum В_{ичф}) \bullet 100\%$$

Бу ерда:

$\sum В_{ўқ}$ - муайян даврда яроқли ҳолатда тўлиқ топширилган барча ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ҳисобланган ўқувчи соат-меъёридаги вақт йиғиндиси;

$\sum В_{ичф}$ - муайян даврда ўқувчининг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига ажратилган режали вақт.

3. **Муайян давр (ой, чорак, ярим йиллик, ўқув йили) учун ўқув гуруҳининг ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти режасининг бажарилиши** (% ҳисобида):

$$\sum В_{ўқ} \;/\; \sum В_{ичф}) \bullet 100\%$$

Бу ерда:

$\sum В_{ўқ}$ - гуруҳнинг муайян даврда яроқли ҳолатда топширилган барча ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ҳисобланган ўқувчи соат-меъёридаги вақт йиғиндиси;

$\sum В_{ичф}$ - муайян даврда гуруҳнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига ажратилган режали вақт.

**Ўқувчиларнинг иш ўринлари бўйича**
**АЛМАШИНУВ ЖАДВАЛЛАРИ ТУРЛАРИ** (намунавий)

***1. Гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг иш ўринлари бўйича алмашинувини кўзда тутувчи жадвал***

| Алмашиниш даври / Ўқувчилар бўлинмаси (кичик гуруҳлар) | 1 .....дан.....гача (кун, соат) | 2 .....дан.....гача (кун, соат) | 3 .....дан.....гача (кун, соат) | 4 .....дан.....гача (кун, соат) |
|---|---|---|---|---|
| ① *Биринчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | ① | ④ | ③ | ② |
| ② *Иккинчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | ② | ① | ④ | ③ |
| ③ *Учинчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | ③ | ② | ① | ④ |
| ④ *Тўртинчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | ④ | ③ | ② | ① |

***2.Гуруҳдаги фақат битта бўлинма (кичик гуруҳ) алмашинувини кўзда тутувчи жадвал***

| Алмашиниш даври / Ўқувчилар бригадаси (бўғини) | 1 ...дан...гача (кун, соат) | 2 ...дан...гача (кун, соат) | 3 ...дан...гача (кун, соат) | 4 ...дан...гача (кун, соат) |
|---|---|---|---|---|
| ① *Биринчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | ① | | | |
| *Иккинчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | | ① | | |
| *Учинчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | | | ① | |
| *Тўртинчи бўлинма (кичик гуруҳ)* | | | | ① |

**Битта мавзуни ўрганишда бўлинмалар (кичик гуруҳлар) бўйича**
**АЛМАШИНУВ ЖАДВАЛИ** (намунавий)

**№ 8 - “Пармалаш, тешиклар очиш ва ёйиш” мавзусини ўрганиш бўйича ўқувчилар бўлинмалари (кичик гуруҳлари) -18 соат**
**Ихтисослик: *чилангар.* Таълим даври - *иккинчи курснинг биринчи ярми***

| **Ўқув ҳафталари** | **8** | **9** | **10** | **11** | **12** | **13** | **14** | **15** | **16** | **17** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ҳафталик соатлар** | **12** | **12** | **12** | **12** | **12** | **12** | **12** | **12** | **12** | **12** |
| ***1-кичик гуруҳ -*** (5 ўқувчи) | | **8-мавзу** | | | **7-мавзу – арралаш** | | | **9-мавзу – мажмуий ишлар** | | **Назорат-текширув ишлари** |
| ***2-кичик гуруҳ -*** (5 ўқувчи) | | **7-мавзу – арралаш** | | **8-мавзу** | | | | | | |
| ***3-кичик гуруҳ -*** (5 ўқувчи) | | | **9-мавзу** | | **8-мавзу** | | | | | |
| ***4-кичик гуруҳ -*** (5 ўқувчи) | | | | | | | **8-мавзу** | | | |
| ***5-кичик гуруҳ -*** (5 ўқувчи) | | | | | | **9-мавзу – мажмуий ишлар** | | | **8-мавзу** | |

**Бўлинма (кичик гуруҳ) ичидаги**
**АЛМАШИНУВ ЖАДВАЛИ***
(намунавий)

**№ 8-“Пармалаш, тешиклар очиш ва ёйиш” мавзусини ўрганиш бўйича ўқувчилар бўлинмаси (кичик гуруҳи) -18 соат**
**Ихтисослик - *чилангар.* Таълим даври - *иккинчи курснинг биринчи ярми***

<table>
<tr><th>Мавзуни ўрганиш кунлари</th><th colspan="4">Душанба</th><th colspan="5">Сешанба</th><th colspan="5">Чоршанба</th></tr>
<tr><td>Соатлар</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td><td>1</td></tr>
<tr><td>А ўқувчи<br>Б ўқувчи<br>В ўқувчи</td><td colspan="7">Дастгоҳларда пармалаш ва тешиклар очиш- 7 соат</td><td colspan="2">Пармани ўткирлаш 2 соат</td><td>Дастакли пармада пармалаш 1 соат</td><td colspan="2">Электр пармада пармалаш 2соат</td><td colspan="2">Ёйиш 2 соат</td></tr>
<tr><td>Г ўқувчи<br>Д ўқувчи</td><td colspan="2">Пармани ўткирлаш 2 соат</td><td>Дастакли пармада пармалаш 1соат</td><td colspan="2">Электр пармада пармалаш 2 соат</td><td colspan="2">Ёйиш 2соат</td><td colspan="7">Дастгоҳларда пармалаш ва тешиклар очиш- 7 соат</td></tr>
</table>

* - Жадвални тузишда биринчи дарсда кириш йўриғига - 2 соат, иккинчи ва учинчи дарсларда - 1 соатдан ажратилган, деб қабул қилинган.

## Ишлаб чиқариш шароитидаги таълимда ўқувчиларнинг бўлинмалар бўйича **АЛМАШИНУВ ЖАДВАЛИ** (намунавий)

**Ихтисослик - *чилангар.* Таълим даври - *учинчи курснинг биринчи ярми***

| Ўқув хафталари | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳафталик соатлар | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 | 18 |
| **1-кичик гурух** 6 киши | **Корхона билан танишув – 26 соат** | **БИБ** - 72 соат | | | | **ЧИН** - 72 соат | | | | **1-бўлинма** 48 соат | | | **2- бўлинма** 48 соат | | **3- бўлинма** 48 соат | | **Назорат ишлари - 6 соат** |
| **2-кичик гурух** 6 киши | **Корхона билан танишув – 26 соат** | **ЧИН** - 72 соат | | | | **БИБ** - 72 соат | | | | **2- бўлинма** 48 соат | | | **3- бўлинма** 48 соат | | **1- бўлинма** 48 соат | | **Назорат ишлари - 6 соат** |
| **3-кичик гурух** 6 киши | **Корхона билан танишув – 26 соат** | **1- бўлинма** 48 соат | | | **2- бўлинма** 48 соат | | | **3- бўлинма** 48 соат | | **БИБ** - 72 соат | | | | **ЧИН** - 72 соат | | | **Назорат ишлари - 6 соат** |
| **4-кичик гурух** 7 киши | **Корхона билан танишув – 26 соат** | **2- бўлинма** 48 соат | | | **3- бўлинма** 48 соат | | | **1- бўлинма** 48 соат | | **ЧИН** - 72 соат | | | | **БИБ** - 72 соат | | | **Назорат ишлари - 6 соат** |

**Изоҳ**: “Ишлаб чиқариш ишларини бажариш»га ажратилган жами вақт - **288** соат.
Улар қуйидаги кичик мавзуларни ўз ичига олади:

- *Йиғув ишларини бажариш* -**144** соат (жадвалда – 1-, 2-, 3-бўлинма)
- *Белгиловчи ишларини бажариш* -**72** соат (жадвалда - БИБ)
- *Дастгоҳ ва чилангарлик ишлари назоратчиси ишларини бажариш* -**72** соат (жадвалда-ЧИН)



**Кичик гуруҳ ичидаги алмашинув жараёнига тайёргарлик ишлари**
(Самарқанд вилоятидаги Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи.
“Газ таъминоти тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси.
Касб таълими устаси - М.Мирзаев)



**Кичик гуруҳлар бўйича алмашинув жараёнига тайёргарлик ишлари**
(Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи.
Касб таълими устаси- У.Қодиров)

# IX БЎЛИМ

# ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИДАГИ (ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДАГИ) ТАЪЛИМ

## Касб таълими устасининг машғулотларга тайёргарлик кўриши

### 1. Касб таълими устасининг ўқув йилига тайёргарлиги:

***Шахсий тайёргарлик:***

- тайёлов йўналиши (касб, ихтисослик) бўйича касбий тавсифлар, ўқув режаси ва амалиёт дастурлари, техник ва педагогик-психологик ва методик адабиётларни ўрганиш;
- педагогик анжуманлар ва илғор тажриба мактаблари ишларида иштирок этиш;
- илғор технологияли корхоналарда тажриба орттириш;
- мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш, коллеж ва гуруҳга қабул қилиш ишларида иштирок этиш;
- ўқув-ишлаб чиқариш ишларидан намуналар тайёрлаш.

***Объектларни ўқув-моддий жиҳозлашга тайёргарлик:***

- ўқув дастурлари ва меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидалари талабларига мос ҳолда ўқув устахоналари, лабораториялари, ўқув-ишлаб чиқариш майдончалари ҳамда ўқувчилар ва касб таълими устаси иш ўринларини тайёрлаш;
- асбоб-ускуналар, машқ қилиш аппаратлари ва мосламалари, жиҳозлар, кўрсатмали қўлланмалар ҳамда таълимнинг техник воситаларини тайёрлаш ва таъмирлаш.

***Ўқув жараёнини режалаштириши:***

- қуйидагиларни ишлаб чиқишда иштирок этиш:
  - ✓ ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхатини тайёрлаш;
  - ✓ гуруҳнинг ўқув-тарбиявий ишлар режасини тайёрлаш;
  - ✓ ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти режасини ишлаб чиқиш;
  - ✓ вақт (ишлаб чиқариш) меъёрлари ва ўқув-ишлаб чиқариш ишларига техник талабларни ишлаб чиқиш;
  - ✓ амалий касбий таълимнинг мажмуий ўқув-методик таъминоти режасини тайёрлаш;
- ўқув-техник ва ёзма йўриқли ҳужжатлар ҳамда баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Касб таълими устасининг машғулотларга тайёргарлик кўриши**

**2. Касб таълими устасининг мавзуни ўрганишга тайёргарлиги:**

***Шахсий тайёргарлик:***

- мавзу бўйича ўқув-методик ва техник адабиётлар ҳамда ўқув-ахборот материалларини ўрганиш;
- мавзу бўйича ёзма йўриқли ҳужжатларни тайёрлаш;
- мавзу бўйича фанлараро алоқадорликни ишлаб чиқиш;
- уйга вазифаларни тайёрлаш.

***Мавзуни ўқув-моддий жиҳозлашга тайёргарлик:***

- мавзуга тааллуқли ўқув-ишлаб чиқариш ишларини аниқлаш, тегишли ўқув материалларини танлаш ва махсус асбоб-ускуналарни тайёрлаш.
- мавзуни ўрганишда қўлланиладиган ўқув-моддий жиҳозлар, ўқув ва техник ҳужжатлар борлигини текшириш ва уларни фойдаланишга тайёрлаш.

***Ўқув жараёнини режалаштириши:***

- ўқувчилар томонидан олдин ўрганилган ва энди ўрганиладиган мавзу материали билан боғлиқ бўлган махсус ва умумкасбий фанларнинг ўқув материалларини таҳлил этиш;
- мавзу бўйича материалларни кичик мавзулар ва дарсларга тақсимлаш, ўтиладиган дарслар мазмуни ва мақсадларини белгилаш;
- мавзу ва кичик мавзуларни ўрганишнинг истиқболли режасини тузиш;
- ўқувчиларнинг иш ўринлари ва турлари бўйича алмашиниш жадвалларини ишлаб чиқиш.

**Касб таълими устасининг машғулотларга тайёргарлик кўриши**

**3. Касб таълими устасининг дарсга тайёргарлиги:**

***Шахсий тайёргарлик:***

- ўтиладиган дарс мавзуи бўйича илғор педагогик тажрибалар, методик ва техник адабиётлар ҳамда ахборот материалларини ўрганиш;
- ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш бўйича меҳнат усулларини ўқувчиларга кўрсатишга тайёргарлик кўриш.

***Дарсни ўқув-моддий жиҳозлашга тайёргарлик:***

- дарсда ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун зарур бўлган материаллар, махсус асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозларни текшириб кўриш ва тайёрлаш;
- дарсда фойдаланиш учун зарур бўлган ўқув-техник ҳужжатлар, кўрсатмали қўлланмалар ва таълимнинг техник воситаларини текшириб кўриш ва тайёрлаш.

***Ўқув жараёнини режалаштириши:***

- олдин ўрганилган машғулот якунларини таҳлил қилиш, кейинги дарснинг мавзуси, мақсади ва мазмунини аниқлаш;
- дарснинг тузилиши ва унинг ҳар бир таркибий қисми бўйича вақт тақсимотини белгилаш;
- кириш йўриғини ўтказиш мазмуни, методлари ва методик усулларини аниқлаш;
- ўқувчилар бажарадиган машқлар ва мустақил ишлар тизими ҳамда жорий йўриқ методларини аниқлаш;
- дарс режаси ва кириш йўриғининг матнини тузиш, ўқувчиларга бериладиган уйга вазифаларни белгилаш.



**Касб таълими устасининг ўқув устахонасидаги жиҳозларни дарсга тайёрлаши ва таъмирлаши**
(Хоразм вилоятидаги Хонқа енгил саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи. “Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - С.Аминова)



**Касб таълими устасининг ўқув-ишлаб чиқариш иши сифатини текшириши**
(Хоразм вилоятидаги Хонқа енгил саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи)
“Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб-таълими устаси - З.Жабборова)

**Дарс режаси**
*(намунавий-йўналтирувчи)*

**Дарс мавзуси** ________________________________________________
**Дарс мақсади** ________________________________________________
________________________________________________

**Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари:**

1. ______________________________ **дона.**
2. ______________________________ **дона.**
3. ______________________________ **дона.**

**Ўқув-моддий жиҳозланиши:**

Касб таълими устаси томонидан тахт этилган асбоб-ускуналар, ишланмалар, мосламалар, кўрсатмали қўлланмалар, таълимнинг техник воситалари ва шу кабилар номи ва сони *(ўқувчиларнинг шахсий фойдаланиш қуроллари ва ўқув устахонаси жиҳозлари кўрсатилмайди)*

**Дарснинг бориши:**

**I. Ташкилий қисм** (вақти кўрсатилади)

**II. Кириш йўриғи:** (вақти кўрсатилади)

- **Дарс мавзуси ва мақсадини тушунтириш.**
- **Ўқувчилар билимини текшириш** (махсус фанлар ва амалий касбий таълим маашғулотларида олдин ўрганилган, мазкур дарс мазмуни билан боғлиқ бўлган материаллар бўйича ўқувчиларга саволлар бериш).
- **Дарс материаллари бўйича ўқувчиларга йўл-йўриқлар бериш** (тушунтириш ёки суҳбат режаси; касб таълими устаси томонидан намойиш этиладиган усулларни кўрсатиш).
- **Кириш йўриғи материалларини мустаҳкамлаш** (ўқувчиларга саволлар бериш, уларнинг касбий тафаккурини ривожлантириш).

**III. Ўқувчиларнинг машқлар бажариши ва уларга жорий йўриқлар бериш:** (вақти кўрсатилади)

- **Машқлар мазмуни ва уларни ўтказиш.**
- **Ўқувчиларнинг иш ўринларини кўриб чиқиш.**
- **Ўқувчиларнинг ишларини жорий назорат қилиш.**

**IV. Якуний йўриқ** (дарс давомида тўлдирилиб борилади)

**Касб таълими устаси** ______________________________

**Машғулотларнинг кириш қисмлари мазмуни:**

| Гуруҳ билан танишиш: | Биринчи дарс: | Таянч корхонага саёҳат: |
|---|---|---|
| ➢ Ҳужжатлар асосида гуруҳ ўқувчилари таркибини ўрганиш.<br>➢ Касб таълими устасининг гуруҳ ўқувчилари билан якка тартибда ва жамоавий суҳбат ўтказиши.<br>➢ Касб таълими устасининг гуруҳ ўқувчилари ота-оналари билан суҳбат ўтказиши.<br>➢ Ўқувчиларни янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнига жалб этиш.<br>➢ Биргаликда табиат ва ишлаб чиқаришга, музей ва кинотеатр-ларга саёҳатга боришни ташкил этиш.<br>➢ Касб таълими устасининг гуруҳ ўқувчилари маиший ҳаётини ташкил этишда иштирок этиши. | ➢ Коллеж тарихи ҳақида ҳикоя.<br>➢ Ўқувчиларни бўлғуси касби билан таништириш.<br>➢ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларидан намуналар ва касб бўйича бажарилган намунавий ишларни кўрсатиш.<br>➢ Ўқувчиларни ўқув устахоналари ва лабораториялари билан таништириш.<br>➢ Ўқувчиларга коллежнинг ички тартиблари ва ўқув устахоналари, лабораторияларида ўзини тутиш қоидалари тўғрисида тушунчалар бериш.<br>➢ Коллеж ва ўқув устахоналаридаги (лабораторияларидаги) умумий хавфсизлик қоидаларини тушун-тириш;<br>➢ Коллеж бўйлаб танишув саёҳатини ўтказиш. | ➢ Таянч корхона тарихи ва анъаналари тўғрисида ҳикоя.<br>➢ Коллежни олдинги йилларда битирган собиқ ўқувчилар билан учрашув ташкил қилиш.<br>➢ Таянч корхонанинг кўргазма-музейи билан танишиш.<br>➢ Корхона бўйлаб танишув саёҳатини ўтказиш;<br>➢ Ўқувчиларни ўзлари амалиёт ўтайдиган бўлинмалар билан, улардаги жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таништи-риш. |



**Таянч “Боғот-Коттонтекс” қўшма корхонасига саёҳат**
(Хоразм вилоятидаги Боғот енгил саноат касб-ҳунар коллежи)



**Корхонага танишув саёҳати**
(Қашқадарё вилоятидаги Қовчин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи)

## Дарснинг меҳнат усуллари ва жараёнларини ўрганиш давридаги таркибий тузилиши

***Вариантлари:***

*йўл-йўриқлар бериш ва машқлар бажаришни ўзаро мувофиқлаштириш*

1-вариант:

**ЯХЛИТЛИК** - меҳнат жараёнларини бажариш усуллари яхлит ҳолатда осон ўзлаштирилади. Бунда олдин меҳнат жараёнларини бажаришнинг барча усуллари бўйича кетма-кет йўл-йўриқлар берилади (1- ва 4-йўриқлар), кейин меҳнат жараёнларини бажаришга оид барча машқлар кетма-кет амалга оширилади (1- ва 4-машқлар).

**Масалан,** текис юзани арралашнинг турли кўринишларини: 1) 90°бурчак; 2) ўтмас бурчак; 3) ўткир бурчак остида ва 4) параллел ўрганиш.

**1-йўриқ** → **2-йўриқ** → **3-йўриқ** → **4-йўриқ** → **1-машқ** → **2-машқ** → **3-машқ** → **4-машқ**

2-вариант:

**ОДДИЙ КЕТМА-КЕТЛИК** – меҳнат жараёнларини бажариш усуллари янги ва ўзлаштириш қийин. Бунда олдин меҳнат жараёнини бажаришнинг бир усули бўйича йўл-йўриқлар берилади (1-йўриқ), кейин меҳнат жараёнини бажариш машқи дарҳол амалга оширилади (1-машқ) ва ҳ.к.

**Масалан,** металлни темир арра, қайчи ва қувур арра билан кесиш усулларини ўрганиш.

**1-йўриқ** → **1-машқ** → **2-йўриқ** → **2-машқ** → **3-йўриқ** → **3-машқ**

## Дарснинг меҳнат усуллари ва жараёнларини ўрганиш давридаги таркибий тузилиши

***Вариантлари:***

*йўл-йўриқлар бериш ва машқлар бажаришни ўзаро мувофиқлаштириш*

**3-вариант:**

**МАЖМУИЙ** - турли усулларни ўз ичига олувчи меҳнат жараёнларини ўрганиш. Бунда олдин меҳнат жараёнини бажаришнинг бир неча турдош усули бир жамланиб йўл-йўрик берилади (1-, 2-, 3-йўриқ), кейин меҳнат жараёнини бажаришнинг мувофиқ машқлари амалга оширилади (1-, 2-, 3-машқ) ва ҳ.к.

**Масалан,** «Қирқиш, тўғрилаш ва букиш» мавзусини ўрганиш.

**1-, 2-, 3-йўрик** → **1-, 2-, 3-машқ** → **4-, 5-йўрик** → **5-,6-машқ** → **6-,7-йўрик** → **6-,7-машқ**

**4-вариант:**

**НОТЎЛИҚ КЕТМА-КЕТЛИК** – меҳнат жараёни таркибида янги усулларнинг фақат айрим қисми бўлган ҳолларда қўлланилади. Бунда меҳнат жараёнини бажаришнинг янги усуллари бўйича бирданига йўл-йўриқлар берилади (1-, 3-, 5-йўриқ), кейин меҳнат жараёнини бажариш машқлари амалга оширилади (1-, 2-, 3-, 4-, 5-машқ).

**Масалан,** «Арралаш ва ўйиқлар ясаш» мавзусини ўрганиш.

**1-йўрик** → **3-йўрик** → **5-йўрик** → **1-машқ** → **2-машқ** → **3-машқ** → **4-машқ** → **5-машқ**

**5-вариант:**

**ИЛҒОР КЕТМА-КЕТЛИК** - мавзу ёки меҳнат жараёнлари қатъий белгиланган кетма-кетликда бажариладиган усулларни ўз ичига олган ҳолларда қўлланилади.

**Масалан,** токарлик дастгоҳини бошқариш усуллари ёки двигателни ишга туширишни ўрганиш.

**1-йўрик** → **1-машқ** → **2-йўрик** → **2-машқ** → **1-, 2-машқ** → **3-йўрик** → **3-машқ** → **1-, 2-, 3-машқ**

## Кириш йўриғининг намунавий мазмуни



**Касб таълими устаси томонидан кириш йўриғини ўтказиш хусусиятлари:**

*меҳнат жараёнларини ўрганишда*

- ❖ **<u>Негизи</u> - ўрганилаётган меҳнат жараёнларини бажариш усулларини тушунтириш ва кўрсатиш.**
- ❖ Йўриқли ҳужжатлар, энг аввало йўриқли хариталаридан кенг фойдаланиш.
- ❖ Ўқув гуруҳидаги барча ўқувчилар томонидан ўрганилаётган усулларнинг дастлабки ўзлаштирилиш мустаҳкамлигини таъминлаш.
- ❖ Дарсларда меҳнат жараёнларини бажаришнинг турли ҳажмдаги хилма-хил усулларини ўрганишда йўл- йўриқлар билан машқлар бажарили-шини ўзаро уйғунлаштириш.

*мажмуий табиатли ишларни бажаришда*

- ❖ **<u>Негизи</u> - ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришдаги технологик жараёнларни ўқувчилар билан биргаликда айрим қисмларга бўлиб ўрганиш.**
- ❖ Ўқувчиларга фақат янги ва нотаниш бўлган, шунингдек мураккаб технологик ўтишларни бажариш усулларини кўрсатиш.
- ❖ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг фақат умумий технологик жараёнларини ўрганиш.
- ❖ Ўқувчиларни бажариши лозим бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини мустақил технологик режалаштиришга кўниктириш.


Ўқувчиларда меҳнат усулларини ҳосил қилиш машқларига раҳбарлик қилишнинг методик усуллари:
Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларда иш ўринларида ҳосил қилинадиган усулларни такрор кўрсатиш
Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларнинг машқларни бажариш жараёнидаги ҳатти-ҳаракатига бевосита раҳбарликни таъминлаш
Ҳатти-ҳаракатларни бажаришнинг маълум кетма-кетлигини ҳосил қилиш
Усулларни бажаришга қўйилган техник талабларни вақтинчалик камайтириш ва шароитларни енгиллаштириш
Ўқувчиларнинг бажарадиган ёки бажараётган ҳатти-ҳаракатларини ёддан айтиб бериши
Малакани кўчиришдан фойдаланиш
Усулларини ўзлаштиришга қўйилган талабларнинг аста-секин ошиб боришига имкон берувчи машқ қилиш аппаратларини қўллаш
Усуллардан иборат бўлган алоҳида, бирмунча мураккаб ҳатти-ҳаракатларни махсус шакллантириш
Биргаликдаги таълим – «кучли» ўқувчиларни «кучсиз» ўқувчиларга бириктириш



**Кириш йўриғини ўтказиш хусусиятлари**
(Қашқадарё вилоятидаги Қовчин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи.
“Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” ўқув устахонаси.
Касб таълими устаси - Т.Нуров)




**Ўқувчиларда меҳнат усулларини ҳосил қилиш машқлари**
(Самарқанд вилоятидаги Сиёб қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи. “Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнгатиш, таъмирлаш ва ишлатиш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - О.Исмоилов)

**Турлича ташкил этилган мажмуий ишларни бажариш дарсларида ўқувчиларга кириш йўриғини бериш хусусиятлари:**

| *Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришини ташкил этиш вариантлари:* | *Ўқувчиларга касб таълими устаси томонидан кириш йўриғининг берилиш хусусиятлари:* |
|---|---|
| ➢ **Дарсда ўқув-ишлаб чиқариш ишлари асосан оммавий тарзда охиригача бажарилади. Уларни бажаришга кўп вақт талаб қилинмайди.** | ➢ **Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг технологик жараёни тўлиқ тушунтирилади ва кўрсатилади.** |
| ➢ **Дарсда бир бутун ўқув-ишлаб чиқариш ишининг фақат бир қисми бажарилади. Бунга маълум даражада вақт талаб этилади.** | ➢ **Дарсда ўқув-ишлаб чиқариш ишининг олдин тушунтирилган фақат режалаштирилган қисми кўрсатилади. (Бунда вақт меъёрини ортиғи билан бажариш имконияти ҳисобга олинади.)** |
| ➢ **Табиатига кўра турлича бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини нооммавий тарзда бажариш.** | ➢ **Умумлашган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича йўриқлар умумий тарзда, нооммавий ишларни бажариш хусусиятлари эса кичик гуруҳда ёки якка тартибда берилади.** |


Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга жорий йўриқлар берилиши
Касб таълими устаси томонидан ўқувчилар иш ўринларини назорат қилиш мақсадлари: (намунавий)
Иш бошланишининг ташкил этилишини текшириш, ўқувчиларнинг иш ўринларини ташкил этиш, экология ва хавфсизлик қоидаларига амал қилиш
Ўқувчиларга иш усуллари бажарилишининг тўғрилиги ҳақида жорий йўриқ бериш ва текшириш
Ўқувчиларга ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда технологик жараёнларга амал қилиш бўйича жорий йўл-йўриқлар бериш ва текшириш
Ўқувчиларнинг ўқув-техник ҳужжатлардан фойдаланиши тўғрилигини текшириш ва бу борада уларга йўл-йўриқлар бериш
Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг бажарилиш сифатини назорат қилиш; ўқувчилар ишидаги хатоларни тузатиш ва олдини олиш.
Ўқувчилар бажарган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини қабул қилиш ва баҳолаш

**Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга меҳнат усуллари ва жараёнларини ўрганишда жорий йўл-йўриқлар берилишининг мазмуни**

| ***Ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган умумий хато ва камчиликлар:*** | ***Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга жорий йўл-йўриқлар бериш мазмуни:*** |
|---|---|
| ❖ Касб таълими устаси томонидан кўрсатилган иш усулларини нотўғри бажариши. | ❖ Усулларни такроран кўрсатиш; ўқувчиларга йўриқли хариталар кўрсатмаларини ўрганиш ва унга амал қилишни таклиф этиш; ўқувчиларнинг ўзаро назорати ва бир-бирига ўргатишини ташкил этиш. |
| ❖ Касб таълими устасидан механик нусха олиши, қўлланилаётган усулларнинг моҳиятини тушунтира олмаслиги. | ❖ Қўлланилаётган усуллар моҳиятини тушунтириб беришни таклиф этиш; бошқа усуллар афзаллиги ва камчилигини баҳолашни таклиф этиш. Ўқувчиларнинг бир-бирини назорат қилишини ташкил этиш. |
| ❖ Ўқув ва техник ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилмаслиги | ❖ Ҳужжатларда баён этилган талаб ва тавсиялар бузилиши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган оқибатларни кўрсатиш; гуруҳга техник ҳужжатларда белгиланган талабларни асослаб кўрсатиш. |
| ❖ Назорат-ўлчов воситаларидан фойдаланиш усулларини нотўғри қўллаши. | ❖ Назорат-ўлчов воситаларидан фойдаланишнинг тўғри усулларини такрор кўрсатиш ва тушунтириш; улардан фойдаланиш усулларини бажариш бўйича махсус машқлар ташкил этиш. |
| ❖ Жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва мосламаларга масъулиятсиз муносабатда бўлиши. | ❖ Иш жараёнига жиддий аралашиш. Гуруҳга жамоавий йўриқлар бериш (зарур ҳолларда тегишли қарорлар қабул қилиш). |
| ❖ Йўл қўйган хатоларини аниқлай олмаслиги, уларни бартараф этиш ва олдини олишни билмаслиги. | ❖ Такрорий йўл-йўриқлар бериш; иш ўринларида ўқувчилар билан улар йўл қўйган хатоликлар ва унинг сабаблари ҳақида суҳбатлар ўтказиш; хато ва камчиликлар ташхиси бўйича махсус машқлар ташкил этиш; ўзаро ўрганишни йўлга қўйиш. |

## Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларни мажмуий табиатли ишларни бажаришга ўргатишда жорий йўл-йўриқлар берилишининг мазмуни

| ***Ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган умумий хато ва камчиликлар:*** | ***Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга жорий йўл-йўриқлар бериш мазмуни:*** |
|---|---|
| ❖ Ишни бажариш бўйича тавсия этилган технологияни бузиши. | ❖ Технология бузилишининг сабабини аниқлаш ва уни изоҳлашни таклиф этиш. Таклиф, тавсия этилган технологиянинг мақбул эканлигини асослаш. Технологик хариталар тавсияларини қайта ўрганиш ва унга амал қилишни тавсия этиш. |
| ❖ Ишни бажаришнинг аниқ шарт-шароитида назорат-ўлчов воситаларини нотўғри танлаши ва қўллаши. | ❖ Такрорий йўриқлар бериш; ўқувчилар билан хатоликлар, уларнинг сабабларини таҳлил қилиш ва бартараф этиш усуллари тўғрисида суҳбатлашиш; Назорат-ўлчов воситаларидан фойдаланиш бўйича махсус машқларни ташкил этиш; ўқувчиларнинг ўзаро назорати ва бир-бирига ўргатишини ташкил этиш. |
| ❖ Жиҳозларнинг техник имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслиги. | ❖ Дарснинг навбатдаги «билишга оид вазифаси» сифатида жиҳозларнинг техник имкониятларидан фойдаланиш ҳақидаги масалани муҳокама этиш. Гуруҳга жамоавий йўриқлар бериш. |
| ❖ Иш сифатига қўйилган техник талабларга амал қилмаслиги. | ❖ Бирмунча масъулиятли технологик ўтишларни жорий назорат қилиш. Бажарилган мураккаб ишларни босқичма-босқич қабул қилиш. Ўқувчиларнинг ўзаро назоратини ташкил этиш. |
| ❖ Иш вақтидан унумли фойдаланмаслиги; ишни бажариш босқичлари бўйича вақт (ишлаб чиқиш) меъёрини бажармаслиги. | ❖ Иш вақтини тежаш йўлларини тушунтириш ва қайта таъсир кўрсатиш. Ишларни қисмларга бўлиб бажариш технологиясига ўтишни таклиф этиш, иш вақтини тежашга имкон берувчи мосламаларни қўллаш. Технологик ўтишларнинг вақт меъёрларини аниқ белгилаш. |
| ❖ Ишдаги хато ва камчиликларини мустақил аниқлай олмаслиги. | ❖ Ўқувчилар билан хатоликлар таҳлили, унинг сабаблари ва бартараф этиш, олдини олиш усуллари тўғрисида суҳбатлашиш. Хато ва камчиликлар ташхиси бўйича махсус машқлар ташкил этиш. Ўзаро ўрганишни ташкил этиш. |


Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга жорий йўл-йўриқлар бериш қоидалари:
Машқни бажариш жараёнида ўқувчини сездирмасдан кузатиш
Ўқувчини қийинчиликни мустақил енгишга ўргата бориб, унда хатоликлар мустаҳкамланишига йўл қўймай, ўз вақтида ёрдам кўрсатиш
Зарурат сезилмаса, ўқувчининг ишига аралашмаслик
Гуруҳдаги бошқа ўқувчиларни назардан қочирмай, ҳар бир ўқувчининг ишига таъсир кўрсатиш
Ўқувчини ўз ишларини мунтазам назорат қилиш ва режалаштиришга доимий ўргатиб бориш
Ўқувчининг иш ўрнини ташкил этиш ва экология, меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бажариш талабларига қаттиққўл бўлиш
Ўқувчи ишини унинг ўрнига бажармаслик – бу уни масъулиятсизликка олиб келади
Ўқувчининг ўз хатосини ўзи тушуниши, англаши, тузатиши ва олдини олиш усулларини ўзи топишига эришиш
Йўл қўйилаётган хатоликлар аксарият ўқувчиларда такрорланса, гуруҳнинг барча ўқувчилари билан жамоавий жорий йўриқни амалга ошириш

**Касб таълими устасининг ўқувчиларга жорий йўриқлар беришини ўтказиш хусусиятлари:**

*меҳнат жараёнларини ўрганишда*

**<u>Асосий вазифа</u> – барча ўқувчиларда ўрганилаётган меҳнат жараёнлари ва уларни тўлиқ бажаришнинг тўғри усулларини ҳосил қилиш ва уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш.**

Ўрганилаётган меҳнат жараёнларини бажаришнинг алоҳида (янги, мураккаб) усулларини шакллантириш машқларини ташкил этиш.

Касб таълими устаси томонидан меҳнат усулларини ўқувчиларнинг иш ўринларида такрор кўрсатиш.

Ўқувчиларни мунтазам равишда машқлар бажариш жараёнида йўриқли ҳужжатлардан фойдаланишга ўргатиб бориш.

*мажмуий табиатли ишларни бажаришда*

**<u>Асосий вазифа</u> – ўқувчилар томонидан ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг сифатли ва самарали бажарилишини таъминлаш**.

Ўқувчиларда ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг мураккаб ва олдин қўлланилмаган янги усулларини шакллантириш мақсадида махсус машқлар ташкил этиш.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнида назоратни кенг қўллаш.

Ўқувчилар мустақиллигини доимий рағбатлантириб бориш ва уларда ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантириш.


Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга якуний йўриқлар берилиши
Якуний йўриқ мазмуни: (намунавий)
Дарсда мақсадга эришилганликни маълум қилиш
Гурух ва бўлинмалар (кичик гуруҳлар) томонидан бажарилган ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини таҳлил этиш ва хулоса чиқариш
Аксарият учрайдиган хатолик ва камчиликларни муҳокама этиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўлларини қараб чиқиш
Навбатдаги дарс мавзусини эълон қилиш; уйга вазифа бериш
Ўқувчилар ва бўлинмалар (кичик гуруҳлар) ўртасидаги мусобақаларга якун ясаш; баҳоларни эълон қилиш
Ўқувчиларнинг экология ва хавфсизлик қоидаларини бажариши ҳамда меҳнат ва технологик интизомга амал қилишлари таҳлили


Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга якуний йўриқлар берилиши
Якуний йўриқ самарадорлигини ошириш йўллари:
Дарсда ўқув топшириқлари бажарилишининг якунини биринчи ўринга қўйиш
Якуний йўриққа ўргатувчилик хусусиятини киритиш
Ўқувчиларни ўтилган дарс натижаларини фаол муҳокама этишга жалб қилиш
Ўқувчиларнинг энг яхши ўқув-ишлаб чиқариш ишлари таҳлилидан моҳирлик билан фойдаланиш
Дарс натижалари таҳлилини ҳар томонлама ва холис амалга ошириш, қўйилаётган баҳоларни асослаш
Ўқувчиларга уйга вазифа беришда уларни бажариш усуллари тўғрисида йўл-йўриқ бериш

**Ўқувчиларни мажмуий табиатли ишларни бажаришга ўргатишдаги ўқув-тарбиявий вазифалар:**

| **Мавзулар ва уларни ўрганиш вақти:** | **Ўқув-тарбиявий вазифаларнинг таркибий қисмлари:** | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ***Иш усулларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш*** | ***Иш бажаришнинг технологик жараёнларини ўзлаштириш*** | ***Иш сифати ва меҳнат унумдорлигига эришиш*** | ***Мустақиллик ва ижодкорликни ривожлантириш*** |
| ***I.«Мажмуий ишлар»*** *13-16 ҳафталар* | Меҳнат жараёнларини ўрганишда усуллар қандай ўзлаштирилган бўлса, шундай бажариш | Касб таълими устасининг барча кўрсатмаларига мос равишда ёки йўриқли технологик хариталар бўйича | Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари сифатига қўйилган техник талабларга амал қилиш | Иш усулларини касб таълими устасининг доимий кузатуви остида бажариш |
| ***II.«Мажмуий ишлар»*** *20-23 хафталар* | Усулларни турли шарт-шароитларда ва тугалланган технологик жараёнларда уларнинг ўзаро боғлиқлигида бажариш | Ишларни касб таълими устаси томонидан таклиф этган технология ёки технологик хариталар бўйича бажариш *(тўлиқ бўлмаган йўриқли хариталар орқали)* | Белгиланган вақт (ишлаб чиқиш) меъёрларини бажаришда иш сифатига қўйилган техник талабларнинг аста-секин ортиб боришга амал қилиш | Ишнинг бориши ва якунида ўз-ўзини назорат қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш |
| ***III. «Мажмуий ишлар»*** *31-40 хафта* | Мураккаблик даражасига кўра бажариш мумкин бўлган ишларнинг илғор ва янги усулларини қўллаш | Ишларни бажариш технологияларини мустақил белгилаш. Ишларни бажаришнинг аниқ шароитларини ҳисобга олиб касб таълими устаси таклиф этган технологияларни такомиллаштириш | Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари сифати ва меҳнат унумдорли-гини ошириш йўлларини излаш ва амалга ошириш | Тўпланган ишлаб чиқариш тажрибалари-дан ижодий фойдала-ниш. Турли ўқув-ишлаб чиқариш вазиятларида мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини шакллантириш |

“Чилангар” ихтисослиги мисолида

**Мажмуий табиатли ишларни бажаришда дарсларнинг «билиш»га оид вазифалари**
**НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАР МАЖМУИ:**

| I. «Мажмуавий ишлар» мавзуси – 36 соат | II. «Мажмуавий ишлар» мавзуси – 36 соат | III. «Мажмуавий ишлар» мавзуси – 60 соат |
|---|---|---|
| ➢ **1-дарс.** *Тайёрламани ишлов беришга тахт қилиш усуллари.*<br>➢ **2-дарс**. *Турли хил ўлчов асбобларида ўлчаш усуллари.*<br>➢ **3-дарс**. *Чилангарлик мосламалари ва уларни қўллаш усуллари.*<br>➢ **4-дарс**. *Юзаларга ишлов бериш усуллари.*<br>➢ **5-6-дарслар**. *Маҳсулотни якуний назорат қилиш усуллари.* | ➢ **1-дарс**. *Қирқувчи асбобларни ўткирлаш ва ўрнатиш.*<br>➢ **2-дарс**. *Чизмаларни ўқиш.*<br>➢ **3-дарс**. *Ишда ўз-ўзини назорат қилиш усуллари.*<br>➢ **4-дарс**. *Иш жараёнида вақтни тежаш усуллари.*<br>➢ **5-дарс**. *Асбоб-ускуналарни тозалаш.*<br>➢ **6-дарс**. *Кўп деталли маҳсулотларга аниқ ишлов бериш усуллари.* | ➢ **1-дарс**. *Маҳсулотга чилангарлик ишлови беришнинг технологик жараёни.*<br>➢ **2-дарс**. *Арралаш ва эговлашни аниқ назорат қилиш учун андоза ва ишланмаларни қўллаш.*<br>➢ **3-дарс**. *Маҳсулот қисмларини аниқ тайёрлаш усуллари.*<br>➢ **4-дарс**. *Ўқувчилар томонидан тузилган технологик хариталарни таҳлил қилиш.*<br>➢ **5-дарс**. *Ишларни механизациялаш усуллари.*<br>➢ **6-дарс**. *Маҳсулот дизайни.*<br>➢ **7-дарс**. *Аниқлик асбоблар билан ўлчаш ва назорат қилиш усуллари.*<br>➢ **8-дарс**. *Меҳнат унумдорлигини ошириш усуллари.*<br>➢ **9-дарс**. *Маҳсулотни қисмлар бўйича тайёрлаш технологияси.*<br>➢ **10-дарс**. *Ўқувчилар томонидан бажарилган мажмуий фанлараро топшириқларни таҳлил қилиш.* |

**Мажмуий табиатли мураккаб ишларни бажариш жараёнида амалий касбий таълимнинг хусусиятлари**

Ўқувчиларнинг мустақил ишларида касб таълими устаси томонидан кириш йўриғи берилиши

- Ўқув ва ишлаб чиқариш вазифаларини ўзаро боғлиқликда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш.
- Ўқувчилар томонидан бажарилаётган ишларга нисбатан ўқув-ишлаб чиқариш жараёнининг молиявий масалаларини аниқлаш.
- Технологик жараёнларнинг ўрнатиш, созлаш, ишга тушириш, ишлов бериш, назорат қилиш каби якуний меҳнат жараёнлари бўйича аниқ йўриқлар бериш.
- Ўқувчиларни техник ва технологик ишлаб чиқариш ҳужжатларини мустақил муҳокама қилишга фаол жалб қилиш.
- Ўқувчиларнинг дарсда тайёрлаган (бажарган) мураккаб маҳсулотлари сифатига қўйилган техник талабларни муҳокама этишга алоҳида эътибор қаратиш.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлари касб таълими устаси томонидан жорий йўриқ берилиши

- Касб таълими устаси тимсолида ўқув ва ишлаб чиқариш жараёни раҳбари вазифаларининг уйғунлашуви.
- Илғор технологияларни қўллаш йўли билан мураккаб жиҳозларда иш усулларига ўргатиш бўйича ўқувчиларнинг махсус машқларини ташкил этиш.
- Ўқувчиларга меҳнатнинг илғор усулларини қўллаш йўли билан бажарадиган ишларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш.
- Ўқувчиларнинг касбий мустақиллигини ривожлантириш.
- Ўқувчиларни ишнинг бориши жараёнида асосли қарорлар қабул қилишга ўргатиш.
- Ўқувчиларнинг меҳнатга ижодий муносабатини ривожлантириш.

**Амалий касбий таълим жараёнида компьютерлар ва уларнинг педагогик дастурли воситаларидан фойдаланиш йўллари**

| *Компьютерлардан фойдаланиш билан бажариладиган иш турлари:* | *Компьютерлардан фойдаланиш усуллари:* |
| --- | --- |
| ✓ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш тартиби ва ўлчамларини танлаш ёки ҳисоблаш. | ✓ Компьютер - ахборот манбаи.<br>✓ Компьютер - назоратчи. |
| ✓ Жиҳозларни созлашга ўргатиш бўйича амалий машқлар бажариш. | ✓ Компьютер - қайтар алоқали машқ қилиш жиҳози.<br>✓ Компьютер - репетитор, имтиҳон олувчи. |
| ✓ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш. | ✓ Компьютер - ахборотнома.<br>✓ Компьютер - репетитор, имтиҳон олувчи. |
| ✓ Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнида жиҳозларни бошқариш. | ✓ Компьютер - бошқариш тизимини муҳосаралаш мосламаси. |
| ✓ Автоматлашган тарзда ишловчи жиҳозларга хизмат кўрсатиш. | ✓ Компьютер – сунъий киритилган дастурлар бўйича ишловчи оператор. |

**Амалий касбий таълимни бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклида ташкил этиш**

| ***Амалий касбий таълимни бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклида ташкил этиш вазифалари:*** | ***Амалий касбий таълимни бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклида ташкил этишга ўтиш шарт-шароитлари:*** |
| --- | --- |
| ❖ **Амалий касбий таълимнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.**<br>❖ **Ўқувчиларни жамоа бўлиб ишлаш руҳида тарбиялаш.**<br>❖ **Ўқувчиларни касб-ҳунар коллежини битиргач бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклида ташкил этилган шарт-шароитда ишлашга тайёрлаш.** | ❖ **Ўқувчиларнинг бўлинмалар - кичик гуруҳларда тўлақонли унумли меҳнат қилишлари учун маълум даражада касбий кўникма ва малакага эришган бўлишлари лозим.**<br>❖ **Гуруҳдаги ўқувчилар жамоаси етарли даражада мустаҳкам шаклланган бўлиши лозим. Бу мустаҳкамлик бўлинмалар - кичик гуруҳларларга тақсимланишда бузилмаслиги шарт.** |




**Ўқув устахонасида машғулотнинг кичик гуруҳлар шаклида ташкил этилиши**
(Фарғона вилоятидаги Марғилон енгил саноат ва педагогика коллежи)



**Ўқув устахонасида машғулотнинг кичик гуруҳлар шаклида ташкил этилиши**
(Навоий вилоятидаги Навоий индустриал–иқтисодиёт коллежи)

## **Амалий касбий таълимнинг бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклида ташкил этилиши**

### **Ўқув бўлинмаларини - кичик гуруҳларни шакллантириш**

| ***Бўлинмалар - кичик гуруҳнинг сифатий таркиби:*** | | ***Бўлинмалар - кичик гуруҳнинг миқдорий таркиби:*** | | |
|---|---|---|---|---|
| ***бир жинсли:*** | ***аралаш:*** | ***иш хусусияти:*** | ***касблар:*** | ***ўқувчилар сони:*** |
| **кучи ва имкониятлари тенг бўлган ўқувчилар киритилади: кучли, ўртача ва кучсиз кичик гуруҳлар фарқланади**<br><br>***<u>афзаллиги:</u>***<br>**кичик гуруҳлар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишларни танлаш енгиллашади; ўқувчиларга йўриқ бериш осонлашади.**<br><br>***<u>камчилиги:</u>***<br>**ўқувчиларнинг бир-бирига самарали ўзаро ёрдам кўрсатиш имконияти пасаяди.** | **кучи ва имкониятлари ҳар хил бўлган ўқувчилар киритилади: барча кичик гуруҳлар тенг кучли ҳисобланади.**<br><br>***<u>афзаллиги:</u>***<br>**ўқувчиларнинг бир-бирига ўргатиши ва ўзаро ёрдами имкониятлари ортади.**<br><br>***<u>камчилиги:</u>***<br>**кичик гуруҳлар аъзоларининг «мутахассис» ва «ёрдамчи»га бўлиниш хавфи вужудга келади.** | **асосан якка тартибда бажарилади** | **токарлар; фрезаловчилар; дурадгорлар; темирчилар в ҳ.к.** | **8-9 нафар** |
| | | **асосан бўлинмада - кичик гуруҳда бажарилади**<br><br>**мажмуий, турли хусусиятли** | **чилангарлар; электр монтёрлар; қурувчилар ва ҳ.к.** | **Корхонада шунга мос келувчи бўлинма - кичик гуруҳда. Иш жабҳаси ва муддатига боғлиқ ҳолда турли касбдаги ўқувчилар киритилади** |

## Амалий касбий таълимни бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклида ташкил этиш

### Таълимни кичик гуруҳлар шаклида ташкил этишда касб таълими устаси ишининг хусусиятлари:

- Ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларига раҳбарлик вазифаларининг жуда яқин уйғунлашуви
- Гуруҳ бошлиқлари кенгаши ишига раҳбарлик қилиш
- Ўқув бўлинмаси - кичик гуруҳлар бошлиқларини ўқувчилар ишига жорий раҳбарлик қилишга кенг жалб қилиш
- Ўқувчилар жамоасини ўқув-тарбия ва ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга кенг жалб қилиш
- Ўқувчи-бошлиқларни бўлинмалар - кичик гуруҳларга раҳбарлик қилишга ўргатиш бўйича ишлар олиб бориш
- Бўлинма - кичик гуруҳнинг умумий меҳнатида ўқувчининг иштирок этиш коэффициентини аниқлашга педагогик раҳбарлик

## Амалий касбий таълимни бўлинма - кичик гуруҳ шаклида ташкил этиш

**Ўқувчиларнинг бўлинма - кичик гуруҳдаги ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этиш**

**Меҳнатни ташкил этиш усуллари:**

***якка тартибли + бўлинма (кичик гуруҳ) шаклида*** – *ўқувчилар якка тартибда ишлагани ҳолда бўлинма (кичик гуруҳ) учун умумий бўлган вазифани бажаради. Бўлинма (кичик гуруҳ) яхлит қисм бўйича ишлайди.*

**ЮТУҚЛАРИ:**
*иш сифати ва самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади; мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ташкил этиш имконияти яратилади; вазифани бажаришда ўқувчиларнинг жамоавий масъулияти ортади.*

**КАМЧИЛИГИ:**
*ишлаб чиқариш жараёнини қатъий бир маромда ташкил этиш имконияти бўлмайди.*

***қисмларга бўлинган технологияларга хос ишлар - меҳнат тақсимоти шаклида -*** *бўлинма (кичик гуруҳ) нинг ҳар бир аъзоси бўлинма учун умумий бўлган топшириқнинг бир қисмини бажаради.*

**ЮТУҚЛАРИ:**
*меҳнат унумдорлиги ва сифатини сезиларли даражада ошириш имкони яратилади; ишларни бажариш сифати ва муддатларига нисбатан жамоавий масъулият ортади; ўқувчиларни жамоа руҳида тарбиялашнинг самарали воситаси ҳисобланади.*

**КАМЧИЛИГИ:**
*ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлашнинг мураккаблиги; ишларни бажариш бўлинма (кичик гуруҳ) аъзоларидан ўзаро келишилган аниқ ҳаракатларни талаб этади.*



**Касб таълими устаси томонидан ўқувчилар иш ўринларининг назорат қилиниши**
(Хоразм вилоятидаги Хонқа енгил саноат ва ахборот технолгиялари касб-ҳунар коллежи. “Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - С.Аминова)



**Ўқув устахонасида ўқувчилар меҳнатининг якка тартибда ташкил этилиши**
(Фарғона вилоятидаги Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежи)

**Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ишлаб чиқариш бирлашмаси**

| Ўқувчилар ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий тавсифи: | |
|---|---|
| *Асосий вазифалари:* | ➢ ўқувчиларни аниқ ишлаб чиқариш муносабатларига киритиш;<br>➢ таълимини ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш;<br>➢ ўқувчи-ёшларни моддий қизиқтириш. |
| *Бирлашма (корхона) тавсифи:* | ➢ жамоавий;<br>➢ ихтиёрий;<br>➢ ташкилотчи-кафолатловчи: касб-ҳунар коллежи. |
| *Моддий базаси, мол-мулки:* | ➢ бирлашма мулки;<br>➢ ижарага олинган;<br>➢ касб-ҳунар коллежи томонидан текин фойдаланиш учун берилган. |
| *Бошқарув ва молиявий асослари:* | ➢ ўз-ўзини бошқариш;<br>➢ ўз-ўзини молиялаш |
| *Аъзолик:* | ➢ ўқувчилар салмоғи 80% дан кам бўлмаслиги керак;<br>➢ касб таълими усталари;<br>➢ махсус фанлар ўқитувчилари;<br>➢ ўқувчиларнинг ота-оналари. |
| *Бирлашма аъзоларнинг раҳбарият билан ўзаро муносабати:* | ➢ шартномавий |
| *Фаолиятнинг ишлаб чиқариш режалари асослари:* | ➢ корхона, ташкилот ва хусусий шахслар билан шартномалар тузиш. |
| *Воситалар:* | ➢ банк кредитлари ва қарзлари;<br>➢ маҳсулотни сотишдан даромадлар;<br>➢ ҳиссадорлик бадаллари;<br>➢ ҳомийлик. |
| *Асосий фондлар:* | ➢ меҳнатга ҳақ тўлаш;<br>➢ ишлаб чиқаришни кенгайтириш;<br>➢ ижтимоий ривожланиш;<br>➢ ижтимоий суғурта. |
| *Ўқувчилар меҳнатининг давомийлиги:* | ➢ таътил даврида-<br>14 ёшгача бўлганлар - 1 кунда - 2 соат;<br>14-16 ёшгача бўлганлар - 1 кунда - 4 соат;<br>16-18 ёшлилар - 1 кунда - 6 соат;<br>➢ ўқув йили давомида – таътил даври тартибининг 50 % миқдорида. |

# Х БЎЛИМ

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДАГИ ТАЪЛИМ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИ

**Ўқувчиларнинг корхонадаги амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиётининг ўқув-тарбиявий вазифалари:**

*Корхонадаги амалий касбий таълим:*

- ўқув устахоналари ва лабораторияларида эгалланган касбий билим ва кўнималарни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ва кенгайтириш;
- тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар, (уларнинг гуруҳлари) билан ишлаб чиқариш шароитидаги малака даражасига мос келувчи, кичик мутахассислар меҳнати мазмунини ифодаловчи намунавий ишлаб чиқариш ишларини бажариш усулларини ўзлаштириш.

*Ишлаб чиқариш амалиёти:*

- ўқувчиларнинг тегишли касб ва ихтисосликлар бўйича муайян иш турлари мисолида касбий маҳоратларини такомиллаштириш;
- касби ва ихтисосликларига мос ҳолда кичик мутахассисда меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш;
- ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ишларини бажариши бўйича амалий тажрибаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

- ўқувчиларда касбий мустақиллик ва топширилган ишга нисбатан масъулиятни ривожлантириш;
- ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган, тегишли касб ва ихтисосликларга нисбатан қўлланиладиган янги ва энг янги техника ва технологиялар ҳамда меҳнатнинг илғор усулларини ўзлаштириш;
- ўқувчиларни корхонадаги меҳнат жамоасининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётига жалб қилиш.




**Ўқувчиларнинг “JV MAN” қўшма корхонаси бўлинмалари бўйлаб танишуви**
(Самарқанд вилоятидаги Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи)




**Ўқувчиларнинг “Хонқа агротехсервис МЧЖ” бўлинмалари бўйлаб танишуви**
(Хоразм вилоятидаги Хонқа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи)

**Ўқувчиларнинг корхонадаги амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнини ташкил этиш шакллари**

| Таълим ва амалиётни ташкил қилиш шакллари: | Афзалликлари: | Камчиликлари: |
|---|---|---|
| ***Дарс – корхонанинг ўқув-ишлаб чиқариш майдончасидаги таълим*** | ☑ Ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро мустаҳкам алоқаси таъминланади.<br>☑ Касб таълими устаси бир пайтнинг ўзида бутун гуруҳ билан ишлаш имкониятига эга бўлади.<br>☑ Амалий касбий таълим жараёнини меъёрида ташкил қилиш учун қулай моддий-техник ва маиший шароитлар яратиш имконига эга бўлинади.<br>☑ Ўқувчилар ўз ишлари натижалари учун юқори даражада масъулиятга эга бўлади. | ☑ Ўқувчилар корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётидан ажралган ҳолда бўлади.<br>☑ Ўқувчилар ишлаб чиқариш технологияларини, ишлаб чиқариш жараёнининг суръати ва маромини ҳамда замонавий технологик жихозларни етарли даражада ўзлаштира олмайди.<br>☑ Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ташаббускорлари ва илғор ходимлари иш услубларини ўзлаштириш имконияти паст бўлади. |

**Ўқувчиларнинг корхонадаги амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнини ташкил этиш шакллари**

| Таълим ва амалиётни ташкил қилиш шакллари: | Афзалликлари: | Камчиликлари: |
|---|---|---|
| ***Ўқувчилар - корхонанинг мустақил ўқув-ишлаб чиқариш объекти - бўлинмаси таркибида*** | ☑ Ўқувчиларда касбий кўникма ва малакалар мустаҳкам шаклланади.<br>☑ Ўқувчилар турли хил мураккаблик даражасидаги ҳар хил ишлаб чиқариш ишларини мустақил бажариш имкониятига эга бўладилар.<br>☑ Ўқувчиларда иш натижалари учун юқори масъулият шаклланади.<br>☑ Ўқувчиларни жамоада тарбиялаш учун қулай имконият яратилади. | ☑ Ўқувчилар корхонанинг меҳнат жамоаси билан етарли даражада боғланмайди.<br>☑ Касб таълими устасининг иши мураккаблашади, яъни улар бутун гуруҳ билан ишлаш имкониятига эга бўлмайди. Улар бир пайтнинг ўзида ҳам ўқув, ҳам ишлаб чиқариш жараёнига раҳбарлик қилади.<br>☑ Ўқувчиларга ўргатувчилик вазифаси маълум даражада корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари таркибига киритилган малакали мутахассисга ишониб топширилади. |

**Ўқувчиларнинг корхонадаги амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнини ташкил этиш шакллари**

| Таълим ва амалиётни ташкил қилиш шакллари: | Афзалликлари: | Камчиликлари: |
|---|---|---|
| ***Ўқувчилар - корхонанинг малакали мутахассислар (ишчилар) бўлинмаси таркибида*** | ☑ Ўқувчиларнинг амалий касбий таълимини ташкил этиш нисбатан осон кечади.<br>☑ Ўқувчилар корхонанинг “ишлаб чиқариш муҳити”га тўлиқ киритилади, меҳнат жамоасининг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этади.<br>☑ Ўқувчиларнинг замонавий техника ва технологияларни, иш усуллари ҳамда ишлаб чиқаришнинг илғор ва янги услубларини амалий ўзлаштиришларига кенг имкониятлар яратилади. | ☑ Ўқув жараёни корхонанинг ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга маълум даражада бўйсиндирилади<br>☑ Касб таълими устасининг ўқитувчиси ва тарбиячиси сифатидаги раҳбарлик мавқеи пасаяди.<br>☑ Ўқувчилар амалий касбий таълимининг сифати малакали мутахассислар - устозлар виждонига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолади.<br>☑ Ўқувчиларнинг иш натижалари учун масъулияти ва ишлаб чиқаришдаги мустақиллиги пасаяди.<br>☑ Касб таълими устасининг иши ўқувчиларнинг цех ва бўлимларга тарқалиб кетганлиги туфайли қийинлашади. |

**Ўқувчиларнинг корхонадаги амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнини ташкил этиш шакллари**

| **Таълим ва амалиётни ташкил қилиш шакллари:** | **Афзалликлари:** | **Камчиликлари:** |
|---|---|---|
| ***Ўқувчиларни малакали мутахассисларга (ишчиларга) якка тартибда бириктириб қўйиш*** | ☑ **Амалий касбий таълимни ташкил этиш имкониятлари кенгаяди.**<br><br>☑ **Ўқувчилар ҳамма вақт мураббийлар - малакали мутахассислар (ишчилар) назорати остида бўладилар.**<br><br>☑ **Ўқувчиларнинг замонавий техника ва технологияларни, меҳнатнинг илғор усулларини самарали ўзлаштириш имконияти пайдо бўлади.** | ☑ **Касб таълими устасининг ўқитувчи ва тарбиячи сифатида раҳбарлик роли пасаяди.**<br><br>☑ **Ўқувчига касбий таълим бериш самарадорлиги кўп жиҳатдан малакали мутахассислар ва ишчилар – мураббийларнинг виждони ва педагогик маҳоратига боғлиқ бўлади.** |



**Ўқувчилар “JV MAN” қўшма корхонасининг малакали мутахассислар (ишчилар) бўлинмаси таркибида**
(Самарқанд вилоятидаги Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи)



**Ўқувчилар “Боғот-Коттонтекс” қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўлинмаси таркибида**
(Хоразм вилоятидаги Боғот енгил саноат касб-хунар коллежи)



**Ўқувчиларнинг “Боғот-Коттонтекс” қўшма корхонаси малакали мутахассисларига якка тартибда бириктириб қўйилиши**
(Хоразм вилоятидаги Боғот енгил саноат касб-ҳунар коллежи)



**Ўқувчиларнинг “Марказий кон бошқармаси” корхонаси малакали мутахассисларига якка тартибда бириктириб қўйилиши**
(Навоий вилоятидаги Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи)


Ўқувчиларнинг корхоналардаги амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиётига касб таълими устасининг тайёргарлиги
Касб таълими устасининг корхонадаги амалий касбий таълим ва ишлаб чиқариш амалиётига тайёргарлиги
Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни ва мутахассислар (ишчилар) меҳнатининг ташкил этилишини ўрганиш
Ўқувчиларнинг корхонадаги амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти ўтиладиган цех ва бўлимларни аниқлаш
Ўқувчиларнинг амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнларини ташкил этиш шаклларини аниқлаш
Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг асосий объектлари ва ўқувчилар иш ўринларини аниқлаш (корхона бўлинмалари раҳбарлари билан бирга)
Ўқув дастурларига мувофиқ ўқувчилар амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиётининг мазмуни ва кетма-кетлигини аниқлаш
Ўқувчиларнинг амалий касбий таълими ва ишлаб чиқариш амалиёти ҳақида касб-ҳунар коллежи билан корхона ўртасида шартнома тузишга тайёргарлик кўришда иштирок этиш
Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётининг ишчи дастурларини тузишда иштирок этиш.
Корхона цехлари ва бўлимларидаги иш ўринлари бўйича ўқувчиларнинг кўчиш жадвалини ишлаб чиқиш

**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида ўқувчи иш ўринларига қўйиладиган талаблар:**

- Касб учун умумийлик
- Хавфсизлик, гигиена, санитария талабларига мослик
- Замонавий жиҳозланиш ва технологиялар
- Ўқув дастурига мослик ва хилма-хиллик

**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида ўқувчининг ўқув-ишлаб чиқариш объектларига қўйиладиган талаблар:**

- Касб учун умумийлик
- Меъёрий моддий-техник таъминот
- Замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконияти билан таъминланганлик
- Ўқувчиларнинг иш юкламалари билан меъёрида таъминланганлик



**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида ўқувчи иш ўринлари**
(Навоий вилоятидаги Навоий кончилик касб-ҳунар коллежи)




**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида ўқув-ишлаб чиқариш объектлари**
(Навоий вилоятидаги Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи)

## Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиётининг ташкилий даври:

| Асосий босқичлари: | Мазмуни: |
|---|---|
| **I-босқич:**<br><br>*Корхонада ишлаб чиқариш амалиёти ҳақида буйруқни расмийлаштириш* | ➢ Ўқувчиларни корхона бўлинмалари бўйича тақсимлаш.<br>➢ Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётига корхонанинг масъул муҳандис-техник ходимлари ва мураббийларни бириктириш.<br>➢ Корхонанинг касб-ҳунар коллежи билан молиявий муносабатларини ва ўқувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилаш. |
| **II-босқич:**<br><br>*Корхона бўлинмалари (цехлари) раҳбарлари билан ўқувчиларнинг учрашув ва суҳбатларини ташкил этиш* | ➢ Корхонанинг тарихи ва анъаналари, касб-ҳунар коллежи билан алоқалари ҳақида ҳикоя.<br>➢ Ўқувчиларни корхона музейи ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари кўргазмаси билан таништириш.<br>➢ Корхонанинг асосий бўлинмалари ва цехлари бўйлаб танишув саёҳати. |
| **III-босқич:**<br><br>*Корхонада ўқувчиларнинг ўзини тутиши, экология ва хавфсизлик қоидаларини ўрганишини ташкил этиш* | ➢ Ўқувчиларнинг корхонадаги тартиб-қоидалар, йўл-йўриқлар ва эслатмаларни ўрганиши бўйича машғулотлар (якунида якка тартибда синов ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади).<br>Корхонанинг меҳнат ва техника хавфсизлиги масалалари бўйича масъул ходими томонидан ўтказади. |
| **IV-босқич:**<br><br>*Ўқувчиларнинг корхона билан умумий танишуви* | ➢ Ўқувчиларни таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти ўтказиладиган асосий цех ва бўлинмалар таркиби, уларнинг асосий вазифалари, жиҳозланиши, ёрдамчи хизматлар ва маиший хоналар ҳамда маҳсулотлар билан таништириш. |
| **V-босқич:**<br><br>*Ўқувчиларни корхонадаги иш ўринлари бўйича тақсимлаш* | ➢ Ўқувчиларни таълим оладиган иш ўринлари, бириктирилган мураббийлар, кўчиш жадваллари ва бўлинмаларнинг ички тартиб-қоидалар билан таништириш. |

**Ўқувчиларга ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида бериладиган кириш йўриғининг мазмуни**

**намунавий тузилиши:**

☑ Белгиланган иш ўрнида бажариладиган ишлар тавсифи ва уларга қўйилган техник талаблар.

☑ Жиҳозлар ва асбобларнинг тузилиши ҳамда ишлаш хусусиятлари; асбоб-ускуналар ва мосламаларни қўллаш усуллари; жиҳозларнинг иш тартиби, уларни бошқариш усуллари ва қаров қоидалари.

☑ Мазкур иш ўрни ёки иш турига хос бўлган техник ва технологик ишлаб чиқариш ҳужжатларини таҳлил қилиш.

☑ Ўқувчиларга иш ўрнидаги аниқ мажбуриятлар, иш хусусиятлари ҳамда иш натижаларини ҳамда ўз-ўзини назорат қилишни тушунтириш.

☑ Мазкур иш ўрнига хос бўлган умумлашган ишлаб чиқариш ишларини бажариш усулларини тушунтириш ва кўрсатиш.

☑ Иш ўрни ва меҳнатни ташкил қилиш хусусиятларини, меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнига қўйилган экологик, санитария-гигиеник талабларни қараб чиқиш.

☑ Иш жараёнида зарурий меҳнат унумдорлигини таъминловчи усулларни муҳокама этиш.

☑ Ўқувчиларга иш жараёнида кимдан ва қандай саволлар бўйича жорий йўриқлар олиш мумкинлиги, мазкур иш ўрни кимга ва қайси масалалар бўйича хизмат кўрсатиши, хом ашё материаллари ва асбоб-ускуналарни олиш тартиби, жиҳозлар ишида носозликлар вужудга келса, кимга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида тушунчалар бериш.

**Корхонанинг мустақил ўқув-ишлаб чиқариш объекти – бўлинмаси таркибидаги ўқувчилар амалий касбий таълимининг хусусиятлари:**

- Ўқув устахоналаридаги касбий таълим жараёнида шаклланган ўқувчилар кичик гуруҳлари таркибини сақлаб қолиш.
- Ўқувчилар кичик гуруҳлари таркибига малака-ли мутахассислар, мураббий-лар ва ишчиларни киритиш.
- Мураккаб ишларни бажаришда гуруҳга 2-3 нафар касб таълими устасини бириктириб қўйиш.
- Гуруҳ ва кичик гуруҳларнинг ишлаб чиқа-риш йиғинларини мунтазам ўтказиш йўли билан ўқувчи-ларни ўқув-ишлаб чиқариш ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш жараёнига фаол жалб қилиш.

- Ўқувчилар гуруҳи ва кичик гуруҳларининг ўқув-ишлаб чиқариш вазифаларини цех ва бўлинманинг ишлаб чиқариш режалари билан мослаштириш.
- Ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларга кириш ва жорий йўл-йўриқлар беришни мумкин қадар яқинлаштириш.
- Ўқувчиларга йўл-йўриқлар беришга малакали мутахассислар, мураббийлар ва ишчиларни кенг жалб қилиш.
- Ўқувчилар ишида кўп босқичли меҳнат жараёнлари назоратини қўллаш: ўз-ўзини назорат қилиш - бошлиқ-ўқувчи – бошлиқ-мураббий – касб таълими устаси - бўлинма техник назорат бўлими.

**Ўқувчиларни малакали мутахассислар (ишчилар) бўлинмаси таркибига киритишда касб таълими устаси фаолиятининг асосий масалалари:**

- ❖ Ўқувчиларга ишлаб чиқариш ишларини бажариш усуллари ва воситалари ҳақида йўриқлар (кириш, жорий ва якуний) бериш.
- ❖ Ўқув дастурлари талабларига мувофиқ ўқувчиларнинг иш юкламасини назорат қилиш; дастур талабларининг бажарилишини таъминлаш.
- ❖ Ўқувчилар томонидан бажарилган ишлаб чиқариш ишларини қабул қилишда иштирок этиш; ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш.

- ❖ Ўқувчиларни алмашиниш (кўчиш) жадвалига мувофиқ иш объектлари, иш ўринлари, бўлинмалар ва цехлар бўйича тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш.
- ❖ Ўқувчиларга амалий касбий таълим кундалигини юритишда ёрдам бериш; кундаликнинг тўғри юритилишини назорат қилиш.
- ❖ Ўқувчилар мураббийлари - малакали мутахассислар ва ишчилар билан ишлаш.

- ❖ Ўқувчиларга замонавий техника ва технологияларни ўрганиш бўйича топшириқлар бериш, унинг бажарилишини назорат қилиш.
- ❖ Ўқувчиларга ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг илғор усулларини ўргатишни ташкил этиш.
- ❖ Ўқувчиларни корхона жамоаси ҳаётига, шунингдек иш ўринлари, цех ва бўлинмада меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирларини амалга оширувчи ижодий кичик гуруҳ ишига жалб қилиш; ўқувчилар эътиборини ихтирочилик ишларига қаратиш.



**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида ўқув-ишлаб чиқариш объектлари**
(Хоразм вилоятидаги  Боғот енгил саноат касб-ҳунар коллежи)



**Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида ўқув-ишлаб чиқариш объектлари**
(Самарқанд вилоятидаги Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи)

**Касб таълими устаси билан мутахассис-мураббийнинг ўқувчиларга касбий таълим ва тарбия бериш борасидаги ҳамкорлик ишлари:**

- Мутахассис-мураббийларни ишлаб чиқариш ишларининг турлари ва бўлинма, цех, иш ўринлари бўйича ишлаб чиқариш таълими дастури билан таништириш.
- Мутахассис-мураббийларни ишлаб чиқариш бўлинмасига киритилган ёки мураббий-мутахассисга бириктирилган ўқувчилар, уларнинг ижобий ва салбий фазилатлари, назарий ва амалий тайёргарлик даражалари билан таништириш.
- Ўқувчилар бажарадиган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини мутахассис-мураббий билан биргаликда муҳокама этиш ва танлаш.
- Мутахассис-мураббийнинг ўқувчиларга ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш бўйича йўл-йўриқ беришида касб таълими устасининг иштироки.

- Касб таълими устасининг мутахассис-мураббийлар билан касбий таълим методикаси, технологиялари ва ўқувчиларни тарбиялаш масалалари бўйича суҳбатлар ўтказиши.
- Мутахассис-мураббийлар билан ўқувчилар томонидан бажарилган ишлар сифати ва самарадорлиги, ўқувчилар-нинг ишга виждонан ёндашиши каби масалаларни биргаликда муҳокама қилиш. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш соҳасида муваффақиятларга эришиши бўйича чоралар белгилаш.
- Мутахассис-мураббийлар билан биргаликда ўқувчилар амалий касбий таълими жараёнининг бориши ҳақида суҳбатлар ўтказиш.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёти ишчи дастурининг

## НАМУНАВИЙ МУНДАРИЖАСИ

1. Умумий ҳолатлар: амалиётга ажратилган вақт миқдори; ўтказиш муддати; ўқувчиларнинг турли мураккабликдаги ишларни бажаришлари учун белгиланган вақт меъёри; ўқувчилар меҳнатининг тартиби ҳақида кўрсатмалар; амалиётга раҳбарликнинг ташкилий масалалари.

2. Ишлаб чиқариш амалиётининг ўқув-тарбиявий вазифалари.

3. Ўқувчиларнинг амалиёт жараёнида бажариши лозим бўлган ишлари-вазифаларининг тавсифи ва мазмуни: мураккаблиги, аниқлиги, ишлов бериладиган ва фойдаланиладиган материаллар, физиологик-гигиеник ва ташкилий талаблар, асосий ўлчамлар ва ҳ.к.

4. Ўқувчилар амалиёт ўтайдиган иш ўринлари тавсифи: цехлар ва бўлинмалар номи ҳамда тартиб рақами; ўқувчилар ишлайдиган жиҳозлар; ўқувчилар амалиёт жараёнида ўрганадиган иш ўринлари асбоблари, мосламалари, ускуналари ва бошқалар.

5. Дастурнинг асосий бўлими - ўқувчиларнинг амалиёт жараёнида бажариши лозим бўлган ишлаб чиқариш ишлари, вазифалари ва бурчларининг намунавий турлари.

6. Ўқувчилар амалиёт жараёнида ўзлаштириши лозим бўлган янги техника ва технологиялар, корхонага хос бўлган меҳнатнинг илғор усуллари.

7. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича касб таълими устасига қисқача услубий тавсиялар.

## Ўқувчиларни меҳнатнинг илғор усулларини эгаллашга ўргатиш

***Ўқувчилар томонидан меҳнатнинг илғор усуллари эгалланишини ташкил этишнинг асосий йўллари:***

- Касб таълими устаси ва малакали мутахассиснинг ўқувчилар билан касбий ташаббускорлик ҳақида суҳбатлар ўтказиши
- Юқори малакали мутахассислар ва ишчиларни ўқувчиларга йўл-йўриқлар беришга жалб қилиш
- Цех ва бўлинмадаги илғор тажриба мактаби материаллари ва ишлаб чиқариш йўриқларидан фойдаланиш
- Ўқувчининг юқори малакали мутахассислар ва ишчилар ишини кузатиши
- Ўқувчиларнинг илғор меҳнат усулларини ўзлаштириши бўйича махсус машқлар ташкил этиш
- Ўқувчиларни ихтирочилик ишларига кенг жалб қилиш
- Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга илғор усулларни бажариш (бажариб кўрсатиш) бўйича йўл-йўриқлар берилиши
- Ўқувчиларнинг юқори малакали мутахассислар ва ишчилар билан биргаликдаги ишлари жараёнида илғор усулларни ўзлаштириши
- Ўқувчиларнинг бир-бирига ўргатишини ташкил этиш

**Касб таълими устасига ишлаб чиқариш шароитида ўқувчилар таълими ва ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиши бўйича**
**Э С Л А Т М А**

☑ Ўқувчилар томонидан ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг мустақил бажарилиши кўзда тутилган амалий касбий таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти жуда катта ўқув-тарбиявий самара беради. Шу боис ўқувчиларни мустақил иш объектлари билан таъминлашга ҳаракат қилиши лозим.

☑ Ўз ишингизни режалаштираётганда янги ишга киришаётган, мураккаб ва қийин ишларни бажараётган ўқувчиларга (бригада-бўғинларга) биринчи навбатда йўриқ беришни кўзда тутинг.

☑ Ўқувчи янги иш ўрнига ўтказилганда унга қаерда ишлашни, нима иш қилишни, нимани ўзлаштириши, нимани ўрганиши зарурлигини аниқ тушунтириш лозим.

☑ Амалий касбий таълим ўқитувчиси ҳамиша ўз гуруҳидаги ўқувчилар қаерда ишлаётгани, уларга кимлар раҳбарлик қилаётгани, нимани ва қандай бажараётгани, бажараётган ишлари ўқув дастурлари талабларига қай даражада мос келишини аниқ билиши керак.

☑ Ўқувчиларнинг иш юкламаси билан тўғри таъминланишини қатъий назорат қилинг. Ўқувчилардан ўқув дастурига мос келмайдиган ёрдамчи ва иккинчи даражали ишларда фойдаланишга йўл қўйманг.

☑ Ўқувчиларни ишлаб чиқариш ишларининг бориши давомида доимий равишда техник, технологик ва йўриқли ҳужжатлардан фойдаланишга ўргатиб боринг.

☑ Ўқувчилар амалий касбий таълимини малакали мутахассислар бригадаси (бўғини) таркибида ташкил эта бориб, уларни шундай бригадалар (бўғинлар) таркибига жўнатиш керакки, ўқувчилар у ерда бирор янгилик ўрганишлари мумкин бўлсин.

☑ Корхонанинг малакали мутахассислари ва ишчиларини ўқувчиларнинг мураббийлари сифатида жалб қилиб, уларга ўқувчилар нималарни билиши ва бажара олишлари, уларни нималарга ўргатиш зарурлиги тўғрисида маълумотлар бериш зарур. Ўқувчиларнинг мураббийлар билан биргаликда нафақат иш бажаришларини, балки улардан иш бажариш сир-асрорларини ўрганишларини доимо назорат қилиб бориш лозим.

☑ Ўқув мақсадлари учун, айниқса, илғор иш усуллари, янги жиҳозларга хизмат кўрсатиш ва уларни бошқариш усуллари ва меҳнат хавфсизлиги масалалари бўйича ишлаб чиқариш (цех, бўлинма) йўриқларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг.

# XI БЎЛИМ

# АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ ҚАЙД ЭТИШ (ҲИСОБГА ОЛИШ) ВА БАҲОЛАШ

**Амалий касбий таълимни қайд этишнинг асосий вазифалари**
**(таркибий қисмлари)**

**Амалий касбий таълимни ҳисобга олиш:**

***Индивидуал қайд этиш:***

- амалий касбий таълим жараёнининг бориши ва натижаларини ҳисобга олиш ва таҳлил этиш;
- ўқув-меъёрий ва дастлабки маълумотлар билан қиёслаш ва таққослаш;
- ҳақиқий ҳолатнинг дастлабки маълумотларга мувофиқлиги ҳақида хулосалар чиқариш;
- амалий касбий таълим жараёнининг бориши ва натижаларини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичларни аниқлаш (қайд этиш).

***Назорат қилиш:***

ўқувчиларнинг амалий билим ва кўникмалари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти натижаларининг ўрнатилган талаблар, қоидалар, меъёрлар ва меърий ҳужжатларга мос келишини аниқлаш жараёни.

***Баҳолаш:***

ўқувчилар эгаллаган амалий кўникма ва малакалар сифати ва уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти натижалари ҳақида хулосалар чиқариш.




**Амалий касбий таълим жараёнининг боришини қайд этиш**
(Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - Б.Комилов)



**Амалий касбий таълим жараёни натижаларини қайд этиш**
(Навоий вилоятидаги Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежи)

**Амалий касбий таълимни самарали ҳисобга олиш ва баҳолаш асослари**

☑ **Амалий касбий таълимни қайд этиш, ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларидаги муваффақиятини назорат қилиш ва баҳолаш ўқув жараёнининг барча босқичларида узлуксиз равишда амалга оширилади.**

☑ **Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш касб таълими устаси билан ўқувчилар ўртасида қайтар алоқалар ўрнатишни таъминлайди ва шу орқали ўқув жараёнини бошқариш самарадорлигини оширишга имконият яратилади.**

☑ **Амалий касбий таълим жараёнининг бориши ва натижаларининг тўғри ташкил этилган назорати нафақат ўқувчилар фаолиятини баҳолаш ва текшириш воситаси, балки касб таълими устасининг педагогик фаолияти кўрсаткичи ҳам ҳисобланади.**

☑ **Касбий билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш ва баҳолаш ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим омилидир.**

☑ **Қайд этиш, назорат қилиш ва баҳолашнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини амалга ошириш:**

**ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бажарилишининг бориши ва натижаларини текшириш билан ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини жорий кузатиш ўртасидаги ўзаро алоқада;**

**касб таълими устасининг ўқувчиларни назорат қилиши ва баҳолаши билан ўқувчиларнинг ўз муваффақиятини ўзи назорат қилиши ва баҳолаши бирлигида содир бўлиши мумкин.**

## ЎҚУВ РЕЖАСИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

**Ўқув жараёнининг тўғри ташкил этилганлиги ҳар бир ўқув фанига ажратилган вақтдан қандай фойдаланилаётганлиги, ўқув фанларини ўрганиш муддатлари ва уларнинг кетма-кетлиги, ўзаро боғлиқлиги, назария ва амалиётнинг ўзаро нисбати ва алмашиниб келиш хусусиятлари кабиларни қайд этишга имкон беради.**

**Ўқув режаларининг бажарилишини қайд этиш амалий касбий таълимнинг белгиланган муддатларда ўтказилиши ва тартиби, унга қанча вақт сарфланиши ва бу жараённинг ўқув режасига қай даражада мувофиқлигини аниқлашга имкон беради.**

**Амалий касбий таълимни ҳисобга олиш ўқув журналларида қайд этилган ёзувларни таҳлил этиш йўли билан амалга оширилади.**

**Ўқув режасининг бажарилиши** (% ҳисобида):

$$= \frac{T_x}{T_p} \cdot 100$$

**Бу ерда:**

**$T_x$ - муайян вақт оралиғида (ой, чорак, ярим йил, ўқув йили) ўқув гуруҳи томонидан амалий касбий таълим жараёнида фойдаланилган ҳақиқий вақт миқдори - соатларда** (айрим ўқувчилар томонидан қолдирган машғулотлар сони ҳисобга олинмайди).

**Тр - ўқув режасига мувофиқ муайян вақт оралиғида амалий касбий таълимга ажратилган вақт миқдори - соатларда.**

## ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

<u>мақсади:</u>

ўқув машғулотлари, шунингдек, ўқувчилар томонидан бажарилган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари мазмунининг ўқув дастурлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш.

<u>амалга оширилиши:</u>

ўқув дастурлари тавсиялари ва кўрсатмалари асосида ўтилган машғулотлар мазмуни ва вақти ҳақида ўқув журналидаги ёзувларни таққослаш ва таҳлил этиш йўли билан

**Амалий касбий таълим дастурларининг бажарилишини ҳисобга олиш шакли**
*(ўқув журналига қўшимча)*

**АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ЯККА ТАРТИБДА ҲИСОБГА ОЛИШ***

| № | Ўқувчилар исми-шарифи | Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг тартиб рақамлари: | | | | | | | | | Якуний баҳолаш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | № 1 | № 2 | № 3 | № 4 | № 5 | № 6 | № 7 | № 8 | № 9 | |
| 1 | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | | | | |
| .. | | | | | | | | | | | |
| .. | | | | | | | | | | | |

* - Қайд этиш касб таълими устаси томонидан ҳар бир ўқувчи бажарган ишларга баҳо қўйиш йўли билан амалга оширилади.

## ЎҚУВЧИЛАР ДАВОМАТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

**Ўқув устахонаси ёки лабораториясида олиб бориладиган машғулотлар дарслар жадвалига мувофиқ касб таълими устаси томонидан ўқув журналида, ишлаб чиқариш амалиёти шароитида эса бўлинма ёки цехда ишчиларнинг ишга келиши ва кетишини ҳисобга олиш жадвали асосида амалга оширилади.**

**Давомат** *(% ҳисобида)*

$$= \frac{\Sigma T_{ф}}{\Sigma T_{р}} \cdot 100$$

**Бу ерда:** $\Sigma T_{ф}$ **- машғулотларда ҳақиқатан иштирок этган гуруҳ; ўқувчиларининг киши-соатлари миқдори йиғиндиси.**

$\Sigma T_{р}$ **-ўқув режасига мувофиқ гуруҳга муайян вақт оралиғида режалаштирилган киши-соатлари миқдори йиғиндиси.**

**Дарс қолдириш** *(% ҳисобида)*

$$= \frac{\Sigma T_{к}}{\Sigma T_{реж}} \cdot 100$$

**Бу ерда:** $\Sigma T_{к}$ **- бир ўқувчи ёки бутун гуруҳ ўқувчилари томонидан муайян вақт оралиғида қолдирилган киши-соатларнинг миқдорий йиғиндиси;**

$\Sigma T_{реж}$ **- ўқув режасига мувофиқ бир ўқувчи ёки бутун гуруҳга муайян вақт оралиғи учун режалаштирилган киши-соатлари миқдори йиғиндиси.**

## ВАҚТ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

**Вақт ва ишлаб чиқиш меъёрларининг бажарилишини қайд этишга оид маълумотлар бажарилган, яроқли деб топилган ва топширилган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ҳужжатларида қайд этилган ёзувлардан олинади.**

**Вақт ёки ишлаб чиқиш меъёрининг бажарилишини ҳисоблаш заруратга кўра ҳар бир ўқувчи ёки бутун гуруҳ учун жамланма маълумотлар бўйича амалга оширилади.**

**Вақт меъёрининг бажарилиши** *(% ҳисобида)*

$$= \frac{T_{м}}{T_{х}} \cdot 100$$

**Бу ерда: $Т_м$ – иш (ишлар туркуми) учун вақт меъёри;**

**$Т_х$ – ишни (ишлар туркумини) бажариш учун ҳақиқатда сарфланган вақт.**

**Ишлаб чиқиш меъёрининг бажарилиши** *(% ҳисобида)*

$$= \frac{B_{х}}{B_{м}} \cdot 100$$

**Бу ерда: $В_х$ - вақт бирлиги (соат, кун, ой) ичида ҳақиқий ишлаб чиқиш** *(дона, м, $м^3$ ва ҳ.к)*

**$В_м$ - вақт бирлигига мос ҳолда ишлаб чиқиш меъёри.**

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ РЕЖАСИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

**Иишлаб чиқариш фаолияти режасининг бажарилишини қайд этишга оид маълумотлар топширилган, яроқли деб топилган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ҳужжатлари ва гуруҳ (ўқувчи) ишлаб чиқариш фаолияти режаларидан ўқувчи меъёрий-соатлари бўйича олинади.**

**Ишлаб чиқариш фаолияти режасининг бажарилиши**

*(% ҳисобида)*

$$= \frac{\sum T_{ук}}{\sum T_{р \cdot ф}} \cdot 100$$

**Бу ерда:**

**$\sum$ Т$_{ўқ}$ - белгиланган вақт (иш куни, ой, чорак) давомида топширилган яроқли ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ҳисобланган ўқувчи меъёрий-соатлари йиғиндиси;**

**$\sum$ Т$_{р.ф}$ - муайян вақт оралиғида гуруҳ (ўқувчи) ишлаб чиқариш фаолияти учун режалаштирилган вақт.**

**Ишлаб чиқариш фаолияти режаси бажарилишининг ўртача фоизи жамланма маълумотлар бўйича ҳисобланади.**

## Ўзлаштиришни ҳисобга олиш

### Ўзлаштиришни ҳисобга олиш вазифалари:

- Ўқувчиларнинг янги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга тайёрлигини аниқлаш
- Таълимни ташкил этиш ва унинг методлари, воситалари самарадорлигини аниқлаш
- Ўқувчиларнинг хатоликлари ва қийинчиликлари, уларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш
- Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини холис баҳолаш учун маълумотлар тўплаш
- Ўқувчиларнинг билиш ва ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятлари ҳақидаги тезкор ахборотларни олиш-«тескари алоқа»
- Ўқувчиларнинг амалий касбий таълими жараёнини самарали режалаштириш учун маълумотлар тўплаш



Ўзлаштиришни ҳисобга олиш
Ўз вақтида ва тизимли бўлиши
Ҳар томонлама ва табақалашган бўлиши
Ўзлаштиришни ҳисобга олишга қўйилган талаблар:
Холис ва адолатли бўлиши
Ўқувчилар шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш

## Ўзлаштиришни ҳисобга олиш

### Ўзлаштиришни ҳисобга олиш методлари:

#### *Ўқувчиларни жорий кузатиш методи*

***яхлит амалий касбий таълим жараёнида узлуксиз амалга оширилади.***

**Моҳияти** - ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёни: усуллари, ташкил қилиниши, мустақиллиги ва шу кабиларни қайд этиш.

**Мақсади** - ўқувчиларнинг амалий касбий таълими жараёнини назорат қилиш.

**Натижаси** - ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятлари ҳақида баҳоли хулоса чиқариш.

#### *Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини текширишметоди*

***ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнида ва унинг натижаларига кўра ўтказилади.***

**Моҳияти** - бажарилаётган ва бажарилган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг меъёрий (сифатий ва миқдорий) талабларга мос келишини аниқлаш.

**Мақсади** - ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш-даги ютуқлари ва ишларни бажариш сифатини аниқлаш.

**Натижаси** - қоидага мувофиқ баҳолаш ишлари балларда амалга оширилади.

#### *Оғзаки сўраш, суҳбат методлари*

***кириш йўриғини бериш ва ўқувчиларнинг машқлар бажариши жараёнида ўтказилади.***

**Моҳияти** - ўқувчиларнинг махсус (назарий) тайёргарлигини аниқлаш, кириш йўриғи материалларининг қай даражада ўзлаштирилишини текши-риш.

**Мақсади** - назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг онгли равишда бажарилишини рағбатлан-тириш.

**Натижаси** - қоидага мувофиқ ўқувчилар фаолияти рағбатлантири-либ борилади.

## Ўзлаштиришни ҳисобга олиш

### Ўзлаштиришни ҳисобга олиш турлари:

| *Жорий ҳисобга олиш:* | *Даврий ҳисобга олиш:* | *Якуний ҳисобга олиш:* |
|---|---|---|
| **Мақсади -** амалий касбий таълими жараёнининг бориши ҳақида холис жорий маълумотлар олиш:<br><br>**Қуйидагиларни ўз ичига олади:**<br>✓ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажариш жараёнида жорий кузатиш;<br>✓ўқувчилар билан кириш, жорий ва якуний йўриқлар бериш пайтида суҳбатлашиш;<br>✓ўқувчилар томонидан бажарилаётган ва бажарилган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини текшириш ва баҳолаш;<br>✓ўқувчиларга уйга берилган вазифаларнинг бажарилишини текшириш. | **Мақсади -** ўқувчиларнинг касбий билим ва кўникмаси даражаси ҳамда ўқув дастурининг бажарилишини мунтазам назорат қилиш; таълимнинг муайян даврида ўқувчиларни баҳолаш учун маълумотлар тўплаш; ўқувчиларни босқичма-босқич аттестациядан ўтказиш:<br><br>**Қуйидагиларни ўз ичига олади:**<br>✓ярим йиллик ва ўқув йили натижалари бўйича текшириш ишлари:<br>✓касб-ҳунар таълимини бошқариш органлари ва коллеж директори қарори ёки кўрсатмасига мувофиқ ўқувчиларни текшириш ёки уларнинг аттестациясида ўтказиладиган назорат ишлари. | **Мақсади -** ўқувчилар касбий билим ва кўникмалари даражасининг ДТС талабларига мувофиқлигини якуний текшириш; ўқувчиларга касб ва ихтисосликлар бериш.<br><br>**Қуйидагиларни ўз ичига олади:**<br>✓битирув малакавий ишлари;<br>✓ёзма битирув-малака ишлари (асбобларни танлаш, режимларни ҳисоблаш орқали касб бўйича умумлашган ишларни бажаришнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва ёзиш).<br>✓ ДТС ва ўқув дастурлари доирасида ўқувчилар билимини текшириш. |



**Ўқувчилар бажарган ўқув-ишлаб чиқариш ишини текшириш ва баҳолашга тайёргарлик жараёни**

(Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол саноат касб-ҳунар коллежи)




**Ўқувчилар томонидан бажарилган ўқув-ишлаб чиқариш ишини текшириш ва баҳолаш мезонлари муҳокамаси**

(Хоразм вилоятидаги Хонқа енгил саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи. “Тикувчилик” ўқув устохонаси. Касб таълими устаси - Ч.Худойберганова)

## Касб таълими устасининг ўқувчилар билан суҳбати жараёнида қўлланиладиган маҳсулдор саволлар турлари:

| Саволлар турлари: | Намуналари: |
|---|---|
| ***Таққослашга йўналтирилган:*** | ➢ “ ... ўхшашлиги ва фарқи нимада?”,<br>➢ “ ... улар ўртасидаги умумийлик нимада?”,<br>➢ “ ... таққосланг ва хулоса чиқаринг?” ва ҳ.к. |
| ***Сабаб-оқибат боғланишини ўрнатишга йўналтирилган::*** | ➢ “ ... нима сабаб бўлади?”,<br>➢ “Нима содир бўлади, агар ......?”<br>➢ “ ... қандай алоқаси бор?” ва ҳ.к. |
| ***Ҳаракатлар, ҳодисалар ва жараёнлар мақсадини аниқлашга йўналтирилган:*** | ➢ “ ... қандай мақсадга эга ... ?”,<br>➢ “ ... вазифаси нима?”,<br>➢ “ ... нима учун бажарилади?”,<br>➢ “ ... аҳамиятини тушунтириб беринг?” ва ҳ.к. |
| ***Асосий белгилар, сифатлар ва шарт-шароитларни изоҳлашга йўналтирилган:*** | ➢ “ ... характерли белгиларини кўрсатинг?”,<br>➢ “ ... қандай шароитлар зарур?”,<br>➢ “ ... қандай ҳолларда?”,<br>➢ “ ... нима таъминлайди?” ва ҳ.к. |
| ***У ёки бу жараёнларнинг аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган:*** | ➢ “ ... қандай аҳамиятга эга?”,<br>➢ “ ... қандай таъсир кўрсатади?”<br>➢ “ ... вазифаси ва ҳаракат принципини асосланг?” ва ҳ.к. |
| ***Тушунтириш, асослаш ва исботлашга йўналтирилган:*** | ➢ “ ... нима билан тушунтирилади?”,<br>➢ “ ... қандай исботланади?”,<br>➢ “ ... қандай асосланади?” ва ҳ.к. |
| ***Хулосалар чиқариш ва умумлаштиришга йўналтирилган:*** | ➢ “ ... қандай хулоса чиқариш мумкин?”,<br>➢ “ ... моҳияти нима?” ва ҳ.к. |

**Касб таълими устасига ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини жорий назорат қилиш методикаси бўйича**

**Э С Л А Т М А**

☑ Амалий касбий таълимда ўқувчилар ишидаги қийинчиликларни тушунган, айни пайтда ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатишни эмас, балки уларнинг олдини олишни ўзининг асосий вазифаси деб биладиган касб таълими устаси муваффақиятга эришади. Ўқувчиларнинг қийинчиликларини тушунмайдиган, ҳис қилмайдиган касб таълими устаси ўқувчиларни ҳеч нимага ўргата олмайди.

☑ Фақат натижаларни эмас, балки ўқувчиларнинг меҳнат жараёнини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Бу - ўқувчиларнинг қийинчиликларини ўз вақтида билишга, уларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда тўғри йўлдан кетаётганлигини аниқлашга, уларга зарур ҳолларда ёрдам бериш ва фаолиятини маъқуллаш, қўллаб-қувватлашга имконият яратади.

☑ Назоратни шундай амалга ошириш керакки, касб таълими устаси ўқувчиларни доимий ва узлуксиз равишда ўз меҳнати жараёнини, ҳам меҳнатининг якуний натижаларини ўзи назорат қилишга ўргатиб борсин.

☑ Ўқувчиларнинг ўқишдаги муваффақиятини назорат қилиш, текшириш ва таҳлил этиш узлуксиз бўлиши лозим. Назорат ўқувчиларга жорий йўл-йўриқлар беришнинг асосий таркибий қисмига айланиши керак.

☑ Асосий мақсад назорат эмас, балки амалий касбий таълим жараёнини келгусида оқилона режалаштириш ва амалга ошириш учун тўғри хулосалар чиқаришдан иборат.

☑ Назорат жараёнида ўқувчиларни ўз билимлари ва кўникмаларини янги шароитда мустақил қўллаш ҳамда янги ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини мустақил ҳал этишни талаб қилувчи вазиятларга кўпроқ тушириш лозим.

## Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари:

### Меҳнат жараёнларини ўрганишда:

✓меҳнат жараёнларини бажариш усулларининг тўғрилиги;

✓ўқув-ишлаб чиқариш ишлари сифатига қўйилган талабларга риоя қилиниши;

✓иш ўрни ва меҳнатнинг тўғри ташкил этилиши;

✓экология ва меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларига амал қилиниши.

### Мажмуий ишларни бажаришда:

✓иш сифати - ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг техник талабларга мос келиши;

✓меҳнат унумдорлиги - белгиланган вақт ёки ишлаб чиқиш меъёрларининг бажарилиши;

✓ишдаги мустақиллик;

✓меҳнат усулларини бажаришнинг тўғрилиги;

✓технологик интизомга амал қилиниши;

✓иш ўрни ва меҳнатнинг ташкил этилиши;

✓экология ва меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва меъёриларига амал қилиниши

**Баҳолаш меъёри**
***(«Бурама кертик қирқиш» мавзусини ўрганиш мисолида)***

| Баҳо | Иш усулларининг тўғрилиги | Иш сифати | Иш ўрни ва меҳнатни ташкил этиш, меҳнат хавфсизлиги |
|---|---|---|---|
| “5” | Ички ва ташқи бурама кертик қирқиш усулларининг хатосиз, ишонч билан мустақил бажарилиши. | Ташқи ва ички очилган бурама кертикларнинг техник талабларга тўлиқ жавоб бериши: бурама кертикли жуфтликнинг текис, тебранмасдан енгил буралиши. | Иш олдидан, иш пайтида ва ишдан кейин иш ўрни ва меҳнатни тўғри ва сифатли ташкил этиш. |
| “4” | Бурама кертик қирқишнинг асосий усулларини жузъий камчиликлар билан тўғри ва мустақил бажариш: ортиқча ёғлаб юбориш, нотекис арралаш ва ҳ.к. | Очилган бурама кертикнинг техник талабларга мос келиши: ип узилишининг йўқлиги, болт ва гайкаларнинг оғмай буралиши, қирқим узунлигидаги аҳамиятсиз чекинишлар (3 мм атрофида) ва ҳ.к. | Айрим камчиликларга йўл қўйилган ҳолда иш ўрни, меҳнат ва хавфсизликни ташкил этиш қоидаларига амал қилиниши: назорат-ўлчов асбобларининг тайёр эмаслиги, жиҳозларнинг тозаланмаганлиги ва ҳ.к. |
| “3” | Усулларнинг сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқишга олиб келмайдиган хатоликлар билан бажарилиши: гайканинг қийшиқ маҳкамланиши; йиғиш ишларини касб таълими устаси ёрдамисиз эплай олмаслик; назорат-ўлчов асбобларидан фойдаланишда қийналиши ва ҳ.к. | Меъёр доирасидаги техник талаблардан чекиниш ва тўғри ҳисобга олмаслик: тирналиш излари, болт ва гайкаларни бурашда енгил тебранишлар мавжудлиги, бурама кертикда сезиларсиз қиялик борлиги ва ҳ.к. | Иш ўрни ва меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар: бурама кертик жадвалидан фойдаланишда қийналиши, турли тартиб рақамидаги метчиклардан фойдаланишда хатоликка йўл қўйиши, касб таълими устаси томонидан тўғриланган меҳнатни ташкил этишдаги хатоликлар ва ҳ.к. |
| “2” | Бурама кертик очиш усулларидаги қўпол хатоликлар. | Яроқсиз, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш. | Иш ўрни ва меҳнатни ташкил этишдаги сезиларли камчиликлар. |
| “1” | Бурама кертик очиш усулларидаги ўта қўпол хатоликлар. | Мутлақо яроқсиз, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш. | Иш ўрни ва меҳнатни ташкил этишдаги жиддий камчиликлар |

## Текшириш ишларини баҳолаш меъёрлари

*(Иш объекти - чилангарлик исканжасига мурват)*

| *Сифат мезонлари* | *Баҳо* | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | “5” | “4” | “3” | “2” | “1” |
| **Узунлиги бўйича** ўлчамларнинг оғиши мм:<br>-мурват каллаги;<br>-умумий ва қирқилган қисми. | ± 0,2<br>± 0,5 | ± 0,2<br>± 0,5 | ± 0,3<br>± 0,8 | ± 0,3 дан катта<br>± 0,8 дан катта | Яроқсиз маҳсулот |
| **Диаметри бўйича** ўлчамларнинг оғиши, мм:<br>-мурват каллаги;<br>-қирқилган қисми. | ± 0,1<br>0,1 гача | ± 0,1<br>0,1 гача | ± 0,2<br>0,15 гача | ± 0,2 дан катта<br>0,15 дан катта | Яроқсиз маҳсулот |
| **Бурама кертик сифати** | Тоза, текис, тирналмаган, ипларда узилиш йўқ | Ипларда узилиш ва тирналишлар йўқ. | Ипларда узилиш йўқ. Бурама кертикнинг айрим қисмларида тирналиш излари бор. | Тирналиш ва ипларда узилишлар бор, | Яроқсиз маҳсулот |
| **Бурама кертикнинг буралиши** (назорат гайка-си билан текшириб кўриш). | Силлиқ, тебранмас, қадалишсиз | Тебранмас ва қадалишсиз | Кичик тебраниш билан | Сезиларли тебраниш ва қадалиш билан. | Яроқсиз маҳсулот |
| **Мурват устки қисми-нинг тепкили тўлқинла-ниши**, (мм) | 0,02 гача | 0,03 гача | 0,05 гача | 0,05 гача | Яроқсиз маҳсулот |
| **Ишлов берилаётган юзадаги механик таъсир-лар.** | Тоза, юза силлиқ, пачоқланмаган, тирналмаган, чақилмаган. | Пачоқланмаган, тирналмаган, парчаланиш излари йўқ. | Аҳамиятсиз механик таъсиротлар | Пачоқланган, чақилган, парчаланган. | Яроқсиз маҳсулот |

## Касб таълими устасига ўқувчиларни назорат қилиш ва баҳолаш бўйича
## Э С Л А Т М А

- **Назорат қилиш ва баҳолаш пайтида доимо ишонч, яхши ният ва адолат муҳитини яратиш лозим. Ўқувчилар доимо касб таълими устасининг холислиги ва адолатлилигига ишониши керак.**

- **Ўқувчилар ва гуруҳга қўйиладиган баҳоларни доимо изоҳлаб, тушунтириб бориш зарур.**

- **Ўқувчи қанчалик “кучсиз” бўлмасин, назорат қилиш ва баҳолашда уларнинг нотўғри жавоблари ва ҳаракатларига кескин фикр билдириш ярамайди. Ўқувчиларнинг хато ва камчиликларини мумкин қадар шахсиятига тегмай, кўп урғу бермай ва кўпчилик олдида ўсал қилмай тушунтириш зарур. Уларни кейинчалик уддалаши мумкин бўлган имкониятидан маҳрум қилмаслик керак.**

- **Ўқувчиларга қониқарсиз баҳо қўйишда, уларнинг келгусида муваффақиятга эришиши ва ўз кучига ишонч руҳини сақлаб қолиш зарур.**

- **Ўқувчиларнинг яхши ишларини “бор овоз” билан эълон қилиш ва баҳолаш тавсия этилади. Бундай рағбатлантириш бўшашган, «ўртача» ишлаётган ўқувчилар учун туртки ҳисобланади.**

- **Доимий равишда бир ўқувчини мақташ ва рағбатлантириш ярамайди (айниқса, қийналмасдан юқори натижаларга эришаётган ўқувчиларни). Бу ҳолат уларни гуруҳга тескари қилиб қўйиши мумкин.**

- **Яхши ўқувчиларни нафақат яхши ўқигани учун, балки яхши ўқиш ва ўрганишга ҳаракат қилганлиги, интилганлиги учун ҳам мақташ ва рағбатлантириш зарур.**

- **Қўйилаётган баҳога ҳеч қачон бефарқ муносабатда бўлмаслик керак, зеро ўқувчиларнинг ютуқларига бефарқлик уларнинг ғурурини ерга уради. Ўқувчилар муваффақиятига шерик бўлиш, камчилик ва хатоликдан бирга қайғуриш уларнинг фаоллигини оширади ва касб таълими устасига яқинлаштиради.**

**___ сонли гуруҳнинг 201 __ | __ ўқув йили ___ чораги учун амалий касбий таълим кўрсаткичлари ҳақида**

# ҲИСОБОТИ

*(намунавий тузилиши)*

**1. Ўқувчилар сони:** чорак бошида __ нафар, чорак охирида __ нафар. Кетган ва келган ўқувчилар исми-шарифи, унинг сабаблари.

**2. Амалий касбий таълим бўйича ўқув режасининг бажарилиши:** ўқув режасида __ соат режалаштирилган; __ соат берилган; ўқув режаси __ % га бажарилган.

**3. Амалий касбий таълим бўйича ўқув дастурларининг бажарилиши** (гуруҳ ва ҳар бир ўқувчи томонидан дастурдаги ўқув мавзуларининг бажарилиши).

**4. Амалий касбий таълим машғулотларида маҳсулдор асбоблар, мосламалар ва меҳнатнинг илғор усулларидан фойдаланиш ҳолати** (гуруҳда касбий маҳорат танловлари ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши).

**5. Меҳнат хавфсизлиги ва экология, санитария қоидаларига амал қилиниши** (йўл қўйилган қоида бузилишларини кўрсатиш).

**6. Ишлаб чиқариш фаолияти режасининг бажарилиши** (фоизларда ва сўмларда).

**7. Гуруҳнинг ўзлаштириши __ %, билим сифати __ %, ўзлаштирмаган ўқувчилар сони __ нафар.**

**8. Давомат __ %. Гуруҳ бўйича қолдирилган дарслар сони __ соат.** Шундан: а) сабабли __ соат, __ % ; б) сабабсиз __ соат, __ %.

**9. Ўқувчилар интизоми** (хулқида салбий сифатлари бўлган ўқувчиларнинг исми-шарифи кўрсатилади; интизом бузилишига оид далиллар келтирилади; танбеҳ олган ўқувчилар исми-шарифи ва сони).

**10. Гуруҳдаги дарсдан ташқари тарбиявий ишлар** (ўтказилган саёҳатлар, кечалар, йиғилишлар ва танловлар сони ва мавзулари; ўқувчиларнинг коллеж ижтимоий ҳаётида иштироки).

**11. Спорт ва бошқа тўгараклар фаолияти** (иштирокчи ўқувчилар исми-шарифи ва сони).

**12. Касб таълими устасининг шахсий фаоллиги:** ижтимоий ишлари, ўқув-моддий базани ривожлантириши, ўқув жараёнини методик таъминлаши ва ижодкорлик ишларидаги иштироки; мураббийлик фаолияти; педагогик ва касбий маҳоратини ошириши; методик ишлари; мустақил равишда ўз билимларини ошириши.

**Касб таълими устаси:** (имзо) (исми-шарифи)




**Касб таълими устаси томонидан ўқувчиларга уйга вазифалар берилиши**
(Хоразм вилоятидаги Хонқа енгил саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи. “Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - О.Рўзметова)




**Ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишларини белгиланган мезонлар бўйича баҳолаш жараёни**
(Жиззах вилоятидаги Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи.”Тикувчилик” ўқув устахонаси. Касб таълими устаси - С.Камолова)

# XII БЎЛИМ

# МЕТОДИК ИШЛАР


Касб таълими устаси:
Касб таълими устасига
қўйилган талаблар:
1 2 3 4 5 6
Зиёлилик, юксак ахлоқий фазилатларга эгалиги
Ўқувчи-ёшларга муҳаббатли бўлиши
Ўз фанини чуқур билиши, касбий маҳорати, дунёқарашининг кенглиги
Умумий маданиятининг юқори даражада бўлиши
Педагогик психология асослари, педагогика ва амалий касбий таълим методикасини чуқур билиши
Педагогик маҳоратининг юқорилиги


Касб таълими устасининг педагогик маҳорати
*педагогик маҳорат кўрсаткичлари (асосий мезонлари):*
Юқори педагогик маданиятга эгалиги
Педагогик фаолиятда шахсий услубга эгалиги
Талабчанлиги, ҳаққонийлиги, иш ва сўз билан ишонтириш малакаси
Педагогик мулоқот даражаси юқорилиги
Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана олиши
Замонавий таълим - тарбия методлари ва воситаларини чуқур эгаллаганлиги
Янгиликка ўчлиги, доимий ижодий фаоллиги ва хорижий тилни яхши билиши
Ўқувчилар билан мақбул муносабатлар ўрнатиши ва уни сақлаб туриш малакаси
Педагогик жамоада ишлай олиш малакаси


Педагогик маҳорат
Педагогик маҳоратни ошириш йўллари:
Малака оширишнинг турли шаклларида таълим олиш
Мустақил равишда ўз педагогик билимларини ошириш
Методик ишланмалар тайёрлаш
Методик ҳайъат, шўъба ва бирлашмалар ишида иштирок этиш
Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш
Шахсий педагогик тажрибасини таҳлил этиш ва умумлаштириш
Педагогик мураббийлик
Педагогик ўқишлар, конференциялар ва семинарлар ишида иштирок этиш
Очиқ дарсларга кириш ва уларни таҳлил этиш; ўзаро дарсларга кириш

**Касб таълими устасига**

**Э С Л А Т М А**

*(педагогик маҳоратни оширишнинг баъзи қоидалари)*

- ўқувчиларнинг ташқи қиёфасидан улар сиздан нимани кутаётганлигини уқиб олинг;
- кўпроқ ўзингизни ўқувчи ўрнида тасаввур этинг, уларнинг қийинчиликларини тушунишга ҳаракат қилинг;
- ўқувчиларнинг энг кичик ўзига хос, мустақил, ижодий ҳатти-ҳаракатларини ҳам рағбатлантиринг;
- ўқувчиларга ўз мақсадларига эришишларига ёрдам беринг, фикр-мулоҳазаларингиз билан уларни чалғитманг;
- ўқувчилар ўз ютуқларидан қувонч ҳис этишларига имкон борича кўпроқ шарт-шароит яратинг;
- ўқувчиларни ҳар хил майда-чуйда ишлар билан банд этманг, катта ишларига ишонч билдиринг.
- ўқувчиларнинг кичик ножўя қилиқларини кечира олинг, майда «гап»ларга аҳамият берманг.
- ҳар қандай шароитда тетик, ташқи ва ички жиҳатдан батартиб бўлишга ҳаракат қилинг;
- тарбияни ҳеч қачон зерикарли, ахлоқ-одобга ўргатувчи қуруқ сўзга айлантирманг;
- барча ўқувчиларга, сизни ёқтириши ёки ёқтирмаслигидан қатъий назар бир хил талабчан бўлинг;
- ўқувчиларнинг ножўя ҳатти-ҳаракатлари ва яхши ишларини эътиборингиздан четда қолдирманг. Ўқувчилар мураббий ҳамма нарсани ҳар доим билади, кўради деган фикрда бўлиши керак. Ўқувчилар билан ўзаро муносабатда ҳеч қачон, ҳатто мураккаб вазиятларда ҳам уларнинг инсоний қадр-қимматини таҳқирламанг (камситманг, хўрламанг);
- ҳеч қачон ўқувчини қўшимча меҳнат (иш) билан «жазо»ламанг;
- гуруҳ жамоаси фаолиятида ҳар доим тетиклик, хушчақчақлик кайфиятини ушлаб туринг.


Методик ишлар
Илмийлик
Ижодий йўналганлик
Методик ишларга қўйилган талаблар:
Мақсадга мувофиқлик ва мунтазамлик
Ҳаракатчанлик


Касб-ҳунар коллежида методик ишлар тизими:
Жамоавий методик ишлар:
Ўқув-методика (педагогика) хонаси
Якка тартибдаги методик ишлар:
Педагогик кенгаш
Оммавий шакллар:
Методик комиссиялар
Раҳбар, ўқитувчи ва тарбиячи кадрларнинг мустақил методик ишлари
Раҳбар, ўқитувчи ва тарбиячи кадрларнинг ўз устида мустақил ишлаши
Педагогик ўқиш
Муаммоли семинар
Илмий-амалий конференция
Йўриқли-методик йиғин
Семинар-практикум
Илғор педагогик тажриба мактаби
Раҳбарларнинг педагог кадрлар билан якка тартибдаги методик ишлари

## Касб-ҳунар коллежининг педагогик кенгаши

**Педагогик кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари:**

- ✓ касб-ҳунар коллежининг истиқболга мўлжалланган ва жорий иш режаларини муҳокама қилиш;
- ✓ касб-ҳунар коллежининг ўқув-тарбиявий ва молиявий-хўжалик фаолияти якунларини таҳлил қилиш;
- ✓ касб-ҳунар коллежида амалга ошириладиган турли хил ўқув-тарбиявий тадбирлар ва уларнинг бажарилиш ҳолатини муҳокама этиш;

- ✓ касб-ҳунар коллежида назарий ва амалий касбий таълим, ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти масалаларини муҳокама этиш;
- ✓ касб-ҳунар коллежида ўқув-методик ишлар мазмуни ва унинг ташкил қилинишини муҳокама қилиш;
- ✓ касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг билим, кўникма ва малака даражаларини таҳлил қилиш ҳ.к.

**Педагогик кенгаш фаолиятининг асосий жиҳатлари:**

| **1.Кенгашга тайёргарлик ишлари:** | **2.Кенгашни ўтказиш** | **3.Кенгаш қарорларини амалиётга жорий этиш** |
|---|---|---|
| ➢ муҳокама этиладиган масалалар бўйича 1-1,5 ой олдин тайёргарлик кўриш;<br>➢ олдин ўтказилган педагогик кенгаш қарорларининг амалиётга жорий қилинишини таҳлил этиш;<br>➢ муҳокама этиладиган масалалар бўйича масъул шахсларни аниқ белгилаш ва уларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш;<br>➢ кенгаш мажлисига тайёргарлик жараёнига барча педагоглар ва бошқа ходимларни имкон қадар кенг жалб этиш;<br>➢ олдиндан қарор лойиҳаларини тайёрлаб қўйиш ва ҳ.к. | ➢ масалаларни мақсадга мувофиқ муҳокама этиш, аниқ ва қисқа гапириш, вақт регламентига амал қилиш;<br>➢ муҳокама этилаётган масалалар бўйича кенгаш аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш;<br>➢ кенгашнинг маслаҳат характери ва иш услубини таъминлаш: уни йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериладиган тадбирга айлантирмаслик;<br>➢ демократик асосларни таъминлаш, сўзга чиқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига диққат-эътиборли ва ҳурматли муносабатида бўлиш;<br>➢ кун тартиби ва мавзу йўналишига қатъий амал қилиш;<br>➢ масалалар бўйича жорий ва якуний хулосалар чиқариш ва ҳ.к. | ➢ кенгаш қарорларини унинг барча аъзоларига, энг аввало, масъул ижрочи шахсларга етказиш;<br>➢ кенгаш қарорларини коллежнинг жорий ва истиқболли иш режаларига киритиш, уларнинг муваффақиятли бажарилиши учун шарт-шароитлар яратиш;<br>➢ қарорлар бажарилишининг тезкор ва аниқ назоратини ташкил этиш;<br>➢ кенгаш аъзоларини қабул қилинган қарорлар бўйича бажарилган ишлар билан мунтазам таништириб бориш;<br>➢ даврий равишда қабул қилинган қарорларнинг амалиётга жорий этилиши ҳақидаги ҳисоботларни муҳокама этиб бориш ва ҳ.к. |

## Ўқув фанлари бўйича методик кенгашлар (бирлашмалар, комиссиялар)

### Методик кенгаш (бирлашма, комиссия) фаолиятининг асосий йўналишлари:

| ***Ўқув-дастурий ҳужжатларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш:*** | ***Таълим-тарбия ишлари сифатини ошириш:*** | ***Педагогик маҳоратни ошириш:*** |
|---|---|---|
| ➢ касбий таълим мазмуни ва методикасига оид ҳужжатларини ўрганиш, улардан амалда фойдаланишни ташкил этиш;<br>➢ ўқув-дастурий ҳужжатларга жузъий ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;<br>➢ янги ўқув режалари ва дастурларни ўрганишни ташкил этиш;<br>➢ ўқув-ишлаб чиқариш ва ўқув-техник ҳужжатлар ҳамда тестлар мазмунини, шунингдек, назорат ишлари, имтиҳон саволлари ва малакавий ишлар рўйхатини муҳокама этиш;<br>➢ касб таълими усталари ва мураббийларга дидактик материаллар, методик ишланмалар ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти дастурларини тайёрлашда ёрдам кўрсатиш;<br>➢ ўқув фанларининг мажмуий – методик таъминоти ва техник воситалар билан таъминланишига оид ишланмалар ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни муҳокама этиш ва ҳ.к. | ➢ ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари сифатини таҳлил қилиш;<br>➢ назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш методикасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар режасини муҳокама этиш;<br>➢ ўқувчиларнинг мустақил ишлари, ижодий топшириқлар ва амалий-лаборатория машғулотларини бажаришларида замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш методларини муҳокама этиш;<br>➢ фанлараро алоқадорликни таъминловчи тадбирлар режаси ҳамда ўқув жараёнига якка тартибда ёндашишни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш;<br>➢ ўқув жараёнининг мажмуий-методик ва техник таъминотида иштирок этиш;<br>➢ ўқув фанлари бўйича тест синовлари, назорат-текширув ишлари ва малакавий имтиҳонлар ўтказиш ҳамда олинган натижаларни таҳлил этиш, уларга оид масалаларни муҳокама этиш ва ҳ.к. | ➢ очиқ дарслар ташкил этиш, ўтказиш ва уларни муҳокама этиш;<br>➢ ўзаро тажриба алмашишни ташкил этиш: ўзаро дарс кузатиш, дидактик материаллар кўргазмаси, ўқув устахоналари кўрик-танлови, касбий маҳорат танловлари ва шу кабилар;<br>➢ илғор педагогик тажриба мактаби, педагогик ўқишлар, илмий-методик конференциялар, семинарларни ташкил этиш ва улар ишида иштирок этиш;<br>➢ касб таълими усталарига ўз устида мустақил методик ишлашни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;<br>➢ тажрибали ва тажрибасиз касб таълими усталари ўртасида мураббийлик ишларини ташкил этиш;<br>➢ илмий-педагогик ахборотномалар тайёрлашда иштирок этиш ва ҳ.к. |

## Ўқув фанлари бўйича методик кенгашлар (бирлашмалар, комиссиялар)

**Методик кенгаш (бирлашма, комиссия) иш режаси:**
*(«Металларга ишлов бериш» ихтисослиги бўйича методик кенгаш мисолида)*
*201___ ўқув йили учун (парча)*

| Ишлар мазмуни: | Масъул шахслар: |
|---|---|
| **Сентябрь**<br>Методик кенгаш йиғилиши:<br>1.Методик кенгашнинг ўқув йилига мўлжалланган иш режаси муҳокамаси;<br>2.Махсус фанлар ўқитувчилари ва касб таълими усталарининг биринчи ярим йилликка мўлжалланган истиқболли мавзулар режаси муҳокамаси;<br>3.Кенгаш аъзоларининг услубий ишланмалари мавзуларини тасдиқлаш;<br>4.Ўқув хоналари ва устахоналари жиҳозларини кўпайтириш режаларини муҳокама этиш;<br>5.Машғулотлар бошланиши ҳақида махсус фанлар ўқитувчилар ва касб таълими усталарининг ахборотлари. | Методик кенгаш раиси<br><br>Ўқитувчилар ва касб таълими усталари<br>Методик кенгаш аъзолари<br>Ўқув хона-устахоналари мудирлари<br>Ўқитувчилар ва касб таълими усталари |
| **Январь**<br>1.Методик кенгаш аъзоларининг таълим муассасаси педагогик анжуманларида иштирок этиши (махсус режа бўйича).<br>2.Ўқув хоналари ва устахоналарини жиҳозлаш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш.<br>3.Назорат ишларининг якунлари бўйича касб таълими усталари ва гуруҳ раҳбарларининг ахборотлари.<br>4. Махсус фанлар ўқитувчилари ва касб таълими усталарининг иккинчи ярим йилликка мўлжалланган иш режалари муҳокамаси. | Методик кенгаш раиси<br><br>Ўқитувчилар ва касб таълими усталари<br>Ўқитувчилар ва касб таълими усталари |
| **Март**<br>1.Ўқувчиларнинг бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклида ўқув устахоналаридаги ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш.<br>2.Махсус фанлар бўйича дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш соҳасидаги тажрибалар;<br>3.«Мажмуий ишлар» мавзусидаги очиқ дарс ва унинг муҳокамаси<br>**ва ҳ. к.** | Ўқитувчи (ф.и.ш.) _______________<br>Касб таълими устаси (ф.и.ш) ______<br>Методик кенгаш аъзолари:<br>1.______________________<br>2.______________________ |

**Методик ишларнинг оммавий шакллари**

**Педагогик ўқишлар ва илмий-амалий конференциялар:**

## Педагогик ўқиш-

касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва касб таълими усталарининг методик маҳоратини такомиллаштириш, ижодий ташаббусларини ривожлантириш ва ўқув-тарбиявий ишлар соҳасидаги илғор тажрибаларни аниқлаш, умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш мақсадларида ўтказилади.

***Намунавий мавзулар:***

☑ назарий ва амалий касбий таълим дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш методлари;

☑ фанлараро алоқадорликни ўрнатиш ҳамда амалиётга жорий этиш йўллари ва методлари (назарий ва амалий касбий таълим интеграцияси асосида);

☑ дарсларда ўқувчиларни фаоллаштириш методлари;

☑ назарий ва амалий касбий таълимнинг мажмуий-методик таъминоти;

☑ амалий касбий таълим дарсларида ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш технологиялари;

☑ таълим технологиялари бўйича методик ишларни ташкил этиш ва ҳ.к. кабилар

## Илмий-амалий конференция-

касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва касб таълими усталари томонидан назария ва амалиётнинг долзарб масалалари, коллежда ўтказилган илмий-тадқиқот ёки тажриба-синов ишлари бўйича тайёрланган маълумот-ларни муҳокама этиш мақсадларида ташкил этилади.

***Намунавий мавзулар***:

☑ назарий ва амалий касбий таълим машғулотларида фаол таълим методларидан фойдаланиш;

☑ ўқув устахоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг бўлинмалар (кичик гуруҳлар) шаклидаги таълимини ташкил этиш методикаси;

☑ ўқувчилар билими ва кўникмаларини тестлар ёрдамида назорат қилиш технологияси;

☑ дарсларда компьютерлар ва машқ қилиш аппаратларидан фойдаланиш технологиялари;

☑ амалий касбий таълим дарсларида ўйинлардан фойдаланиш методикаси;

☑ умумий таълим фанларини ўқитишнинг касбий йўналганлиги;

☑ амалий касбий таълимда ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш методикаси ва ҳ.к.

## Методик ишларнинг оммавий шакллари

## Йўриқли - методик йиғинлар ва илғор тажриба мактаби:

### Йўриқли-методик йиғин-

касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари томонидан айрим методик масалаларни тезкор муҳокама этиш, жорий ўқув-тарбиявий вазифаларни белгилаш, ўқитувчилар ва касб таълими усталарига жорий йўл-йўриқлар бериш мақсадида ўтказилади.

***Намунавий масалалар:***

☑ ўқитувчилар ва касб таълими усталарининг ўқув-тарбиявий фаолиятини режалаштириш;

☑ ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш;

☑ назарий ва амалий касбий таълимнинг мажмуаий методик таъминоти бўйича ишларни ташкил этиш;

☑ назорат ишлари ва малакавий имтиҳонларга тайёргарлик кўриш;

☑ ўқув фанлари ва техник ижодкорлик бўйича тўгараклар ташкил этиш ҳамда уларга раҳбарлик қилиш;

☑ спорт мусобақалари, сайр-саёҳатлар ва бадиий ҳаваскорлик кўрик-танловлари ҳамда касбий маҳорат танловларини ташкил этиш;

☑ янги ўқув устахонасини ташкил этиш бўйича махсус фанлар ва касб таълими усталари ҳамкорликдаги ишлари ва ҳ.к.

### Илғор тажриба мактаби-

касб-ҳунар коллежларида ўз иш тажрибасини бошқаларга ўргатадиган малакали, етук педагоглар ёки ишлаб чиқариш ташаббускорлари атрофида бирлашган ходимлар гуруҳи. Мақсад - ўзаро педагогик тажриба алмашишни таъминлаш.

***Мактабнинг тахминий мавзулар мажмуи:***

☑ ўқув материалини ўрганишнинг истиқболли-мавзуий режасини ишлаб чиқиш;

☑ назарий ва амалий касбий таълим дарсларини режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш;

☑ ўзаро дарсларга кириш ва таҳлил этиш;

☑ коллеж раҳбарларининг дарсларига қатнашиш, «бинар» дарсларга кириш ва уларнинг ташкил этилиши, ўтказилиш методикаси;

☑ ўқувчиларнинг машқ қилиш аппаратларида машқ бажаришларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси;

☑ ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришда мураккаб меҳнат усулларини кўрсатишни ташкил этиш ва унинг методикаси;

☑ дарсларда техник воситалар ва компьютерлардан фойдаланиш, «иш ўйинлари»ни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ва ҳ.к.


Илғор педагогик тажриба
Таълим-тарбия жараёнининг натижаларини кафолатлайдиган, сифати ва самарадорлигини оширишга қодир бўлган ўзига хос янги педагогик шакллар, усуллар ва воситалар. Педагогик фаолият усуллари аниқланган ва тажрибада синаб кўрилган бўлади.
Илғор педагогик тажрибанинг моҳияти
Педагогик амалиётда қўлланилиб турилган, ижобий натижалар берадиган анъанавий шакллар, усуллар ва воситаларни амалиётга мунтазам татбиқ этиш.
Илғор педагогик тажриба вазифалари:
Таълим-тарбия жараёнининг юқори сифатини таъминлаш
Педагогика фанини ривожлантириш
Илғор педагогик тажриба мезонлари:
Юқори самарадорлиги
Оммавий тажрибаларга узвий боғлиқлиги
Методик янгилиги
Педагогик асосланганлиги
Натижалар доимийлиги
Истиқболи борлиги

# Илғор педагогик тажриба



## МЕТОДИК ИШЛАНМА ТУЗИЛМАСИ

***(ўқув устахонаси ва лабораториясида ўрганиладиган мавзулар бўйича)***

**I. Мавзунинг тавсифи** *(ўқув жараёнида мавзунинг тутган ўрни; ўқувчилар ўрганиши ёки мустаҳкамлаши керак бўлган иш турлари, меҳнат жараёнларининг хилма-хиллиги, асосий усуллари; мавзуни ўрганишнинг методик хусусиятлари).*

**II. Мавзунинг ўқув-тарбиявий мақсади ва вазифалари**.

**III. Мавзуни ўрганишни режалаштириш** *(мавзу бўйича ўрганиладиган материалларни ўқувчиларнинг жойлашиш жадвалига тақсимлаш).*

**IV. Моддий-техник жиҳозланиш** *(асбоб-ускуналар, мосламалар, назорат-ўлчов воситалари ва ҳ.к. (ўқув устахонаси жиҳозларига қўшимча).*

**V. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлаш** *(асосий тартиб-қоидалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари; ўқув-техник талаблар; мавзу бўйича ишларнинг намунавий рўйхати).*

**VI. Ўқув-техник ҳужжатлар** *(йўриқли, йўриқли-технологик хариталар, намунавий баҳолаш мезонлари; жиҳозлар ва мосламалар чизмалари; асосий ўқув-ишлаб чиқариш ишлари сифатига қўйилган техник талаблар).*

**VII. Машғулотни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси бўйича тавсиялар:** *(дарслар ёки кичик мавзуларга нисбатан).*

***1.Кириш йўриқномаси***:

- ✓мавзу мазмунининг асосий масалалари;
- ✓ўқувчилар билими ва тажрибасини муҳимлаш усуллари;
- ✓асосий меҳнат усулларини кўрсатиш ва унинг методикаси (мажмуий табиатли ишларни бажариш технологиясини тушунтириш);
- ✓йўриқнома материалининг ўзлаштирилишини назорат қилиш усуллари.

***2.Машқлар бажариш (ўқувчиларнинг мустақил ишлари); ўқувчиларга жорий йўл-йўриқлар бериш***:

- ✓машқлар (иш турлари), уларни бажариш тартиби;
- ✓машқларга (мустақил ишларга) раҳбарлик қилиш методикаси масалалари;
- ✓ўқувчиларни илғор иш усулларига ўргатиш усуллари;
- ✓машқ қилиш аппаратлари ва жиҳозларида машқлар бажариш ва унинг методикаси;
- ✓гуруҳли жорий йўриқларни ташкил этиш ва унинг методикаси;
- ✓ўқувчиларнинг ишлари бўйича жорий ва якуний назоратни ташкил этиш ва унинг методикаси.

***3. Якуний йўриқни ташкил этиш ва унинг методикаси.***

**Ишлаб чиқариш корхонаси ва ишлаб чиқариш амалиёти шароитида машғулотлар ўтказиш бўйича**

## МЕТОДИК ИШЛАНМА ТУЗИЛМАСИ

**1. Ишлаб чиқариш корхонаси ва ишлаб чиқариш амалиёти шароитида машғулотлар ўтказишнинг ўқув-тарбиявий мақсадлари ва вазифалари.**

**2. Машғулотни ташкил этиш ва ўтказиш шакллари.**

**3. Намунавий иш ўринларининг тавсифи.**

**4. Намунавий иш объектларининг тавсифи.**

**5. Ўқувчиларнинг бўлинмалар, иш ўринлари ва иш турлари бўйича алмашинув жадваллари.**

**6. Ўқувчиларнинг иш ўринларидаги ишларни мустақил ташкил қилиши ва унга раҳбарлик қилиш методикаси.**

**7. Малакали ишчилар ёки мутахассислар бўлинмаси шароитида, яъни ўқувчиларни ишчи ёки мутахассисга якка тартибда бириктириш шароитида гуруҳга раҳбарлик қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

**8. Ишлаб чиқариш амалиётининг намунавий дастури.**

**9. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш методикаси.**

**10. Ўқувчиларни меҳнатнинг илғор иш усулларига ўргатишни ташкил этиш ва унинг методикаси.**

**11. Касб таълими устасининг корхонадаги мураббийлар билан ишлари.**

## Ўзаро дарсларга киришда касб таълими устаси фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш бўйича РЕЖА-ЭСЛАТМА:

☑ **Ўқувчиларни дарсга мақсадга мувофиқ йўналтириш услублари**: ўрганилаётган мавзунинг аҳамиятини тушунтириши; амалиётдан мисоллар келтириши; маҳсулот намуналарини намойиш қилиши; ўқувчиларга ишонч билдириши ва ҳ.к.

☑ **Меҳнат жараёнларини самарали кўрсатиш усуллари**: жараёнларни алоҳида қисмларга бўлиши; жараёнларни секинлаштириб кўрсатиши; ахборот-коммуникация технологиялари ва кўрсатмали воситаларни қўллаши; сўз ва кўрсатиш уйғунлиги; идрок этиш жараёнини йўл-йўлакай назорат қилиб бориши ва ҳ.к.

☑ **Ўқувчиларни фаоллаштиришнинг методик усуллари**: эвристик суҳбат ва «сермаҳсул» саволлар қўллаши; ўқувчиларнинг фикрлаши, мустақиллиги, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланишини рағбатлантириши; ўқувчини шахсан ўзи қарор қабул қилишга ўргатиши.

☑ **Ёзма йўриқли ҳужжатларидан фойдаланиш усуллари**: ҳужжатларни кириш йўриғи жараёнида қўллаши; ўқувчиларни иш жараёнида ҳужжатлардан мустақил фойдаланишга ва технологик ҳужжатларни мустақил ишлаб чиқишга ўргатиши ва ҳ.к.

☑ **Таълим жараёнини индивидуаллаштириши**: ўқувчиларда мавжуд тажрибаларга мувофиқ ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг қийинлиги ва мураккаблигини тартибга солиши; «кучли» ўқувчиларга қўшимча топшириқ бериши; «кучсиз» ўқувчиларни якка тартибда назорат қилиши.

☑ **Ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқларини назорат қилиши ва баҳолаши:** назоратининг узлуксизлиги; жорий кузатиши билан ўқувчилар ишини назорат қилишининг муштараклиги; ўқувчилар ишини меҳнат жараёнларида назорат қилиши; ўқувчиларнинг бир-бирини назорат қилиши; касб таълими устасининг ўқувчилар билан мулоқати; ўқувчиларни баҳолашининг холислиги ва ҳаққонийлиги ва ҳ.к.

☑ **Касб таълими устасининг педагогик иш услуби**: дарсдаги вазият; касб таълими устасининг гуруҳни бошқариш кўникмаси; ўқувчиларнинг дарсдаги умумий кайфияти ва касб таълими устасига муносабати; энг кўп ишлатилган методлар ва методик усуллар тавсифи ва ҳ.к.

☑ **Касб таълими устасининг педагогик назокати**: ўқувчилар билан мулоқот оҳанги: тартиб-интизомга оид танбеҳларининг таъсирчанлиги; ишонтира олиш кўникмаси; гуруҳ ва жамоа билан ишлай олиш кўникмаси; ўқувчиларнинг хато ва камчиликларини тўғрилаши ва ҳ.к.

☑ **Касб таълими устасининг педагогик техникаси**: нутқ техникаси; таълимнинг турли воситалардан фойдаланиш кўникмасини эгаллаганлиги; вақтдан оқилона фойдаланиши; қарор қабул қилишининг тезлиги; дарсда ўзини тутиши ва ҳ.к.

## Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, улардан фойдаланиш ва ўз билимларини мустақил ошириш бўйича
# РЕЖА-ЭСЛАТМА:

Ҳозирги замон ўқитувчиси жуда бой тажрибага эга бўлса ҳам фақат ўз ички ҳислари ва тажрибасига амал қилиб ишлай олмайди.

Тўпланган тажрибалар билимларни мустақил ошириш ва педагогик лаёқатни юксалтириш бўйича кундалик ишлар билан уйғунлашмаса, янги билимлар билан мунтазам равишда бойитиб борилмаса, вақт ўтиши билан педагог олдига қўйилган ҳаётий талабларни бажариш йўлида тўғаноқ бўлиши мумкин.

Ўқитувчи ўқиганлари, кўрганлари ва эшитганларидан дарсларга, болалар билан ишлашга яроқли ниманидир ўзига топа олса, хотирасини бойитса – мустақил таълим олиш олиш худди шу ҳолатдан бошланади.

Моҳирлик, лаёқат, тажриба каби фазилатлар  хеч қачон ўз-ўзидан вужудга келмайди. Сифат ҳамма вақт ўқилган, фикрланган, ўйланган, бажарилган, текширилган ишлар - миқдор натижаси ҳисобланади.

Ўз устида мустақил ишлашни ташкил этишда режали ва танлаб иш кўриш лозим. Ўз устида ишлаш хеч қачон «умуман» исталган натижага олиб келмайди. Расмиятчилик - ўз устида ишлашнинг энг хавфли ҳолати.

Ўзгаларнинг энг яхши тажрабаси, айрим метод ва усулларини ўз ишига шунчаки оддий кўчиришни эмас, балки тажриба ўзагини ташкил қилган энг муҳим ғояларни, моҳиятни ўз мулкига айлантириш лозим. «Тажрибанинг ўзи эмас, балки ундан келиб чиқадиган фикр кўчирилади».

Илғор тажрибани ўрганишда фақат «ўта янги»ларини излашга қизиқиб кетмаслик керак. Педагогик фаолиятда мунтазам изланиш, тажриба-синов ишларини олиб бориш, анъанавий ва янги дидактик принциплар, қоидалар ва қонуниятлардан унумли, ўринли  фойдаланиш орқали муваффақиятга эришилади. Янгилик яратмаган, бироқ амалиётда мавжуд тажрибалардан ўз ўрнида оқилона фойдалана оладиган педагог бошқаларга нисбатан ўрнак, илғор бўлиши мумкин.

Ўзгаларнинг тажрибасига таянган ҳолда ўзингиз изланг. Шунда ўзингизнинг бировдан нусха олмаган, асл иш тизимингиз пайдо бўлади. Аслида, ўзгаларнинг тажрибасидан айнан нусха олиш мумкин эмас (бу керак ҳам эмас), бироқ у тажриба давомчиси бўлиши мумкин.

Ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлаб, янгиликлар ярата бориб, ўзини оқлаган эски, қимматли тажрибаларни четга улоқтириб ташламанг!


Педагогик мураббийлик
Педагогик мураббийлик мазмуни ва асосий йўналишлари:
Ўқув режалари, дастурлар ва бошқа ҳужжатларни биргаликда ўрганиш
Ўқув ва техник ҳужжатларни ҳамкорликда тайёрлаш
Ўқув-тарбия жараёнининг мажмуий методик таъминотига ёрдам кўрсатиш
Дарсларга тайёргарлик кўришда ёрдам бериш
Дарсдан ташқари тадбирларни режалаштириш, тайёрлаш ва ўтказишга ёрдам кўрсатиш
Дарс ва дарсдан ташқари тадбирларга ўзаро кириш ва таҳлил қилиш
Педагогик билимларни эгаллашда ёрдам кўрсатиш
Меҳнатнинг илғор усулларини эгаллашда ёрдам кўрсатиш
Педагогик мураббийликнинг ташкил этилишига қўйилган асосий талаблар:
Мураббий ва шогирд касбининг, ўқув фанларининг бир-бирига яқинлиги
Ҳамкорлик қилиш истаги, икки томонлама хоҳиш ва чин кўнгиллик
Педагогик жамоадаги оммавийлик
Мазмуни ва муддати бўйича режалилик
Муайян вақт ичидаги мунтазамлик
Коллеж раҳбарияти томонидан назорат

## Педагогик мураббийлик

**201_/____ ўқув йилида касб таълими устаси __________________ нинг**
**касб таълими устаси _______________ га мураббийлик ишлари бўйича**
**НАМУНАВИЙ РЕЖА** *(парча)*

| № | Ишлар мазмуни: | Муддати: | № | Ишлар мазмуни | Муддати: |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | ***Касб таълими устаси (А) га биринчи ярим йил учун истиқболли-мавзуий иш режасини тузишда ёрдам кўрсатиш.*** | Сентябрь | 5. | ***Касб таълими устаси (А) ни дарсларга таклиф этиш.*** | Истиқболли-мавзуий иш режасига мувофиқ |
| 2. | ***Касб таълими устаси (А) ни биринчи курс ўқув материалини ўрганиши учун ўқув-услубий мажмуа билан таништириш.*** | Сентябрь | 6. | ***Касб таълими устаси (А) ни илғор тажриба мактабига жалб этиш.*** | Ноябрь |
| 3. | ***Дарс режаларини тузиш ва машғулотларнинг моддий-техник таъминотини танлашда ёрдам кўрсатиш.*** | Сентябрда – ҳар бир дарс, Октябрь-декабрда - ҳафтасига битта дарс, Январь-февралда - танлов асосида | 7. | ***Касб таълими устаси (А) га гуруҳнинг тарбиявий ишлар режасини тузишда ёрдам кўрсатиш.*** | Сентябрь-январда – ҳар ойда, Февраль-июнда - кўриб чиқиш |
